

ХАЛҚ ЯРАТГАН ДАРЁ



Яшасин Улуф Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллиги!

Яшасин абадий барҳаёт интернационал таълимот, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун кураш байроғи — марксизм-ленинизм!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари, олға!

ИПСС Марказий Комитетининг чақириқларидан

R 496
1970/II

ЭКС
№


ГБ УЗССР
ИЖ

КУЗНИНГ МАЗМУНИ

Б У йилги кузнинг мазмуни бениҳоя зўр! Шундай зўрки, бир маасумга сиғмайди-гандек. Ҳазил гапми — даврлар алмашинуви юз бермоқда! Биз, бутун халқ, ҳаётнинг улкан тарихий босқичини яқунлаб, янги пиллапоёга қадам қўйиш олдида турибмиз. Бу йилги куз Ленин йилининг меҳнат кузи, ҳамма соҳаларда, шу жумладан, энг миқёсли соҳамиз — пахта фронтда ҳам, йиллигини эмас, бутун бир тарихий Беш йиллики яқунлаши керак. Янги босқични, истиқболни эса янаги йили мартда бўладиган шонли XXIV съезд белгилаб беради. Байроқлар алангасидек, зафарли юриш билан жаҳонни кезиб ўтган Октябрь шодиёнаси бу йилги апрель тантаналарининг давомидек, бахтимизни, қудратимизни, келажакка ишончимизни яна ёрқин намойиш этмоқда. Ҳар бир байрам бизда ҳамма вақт аввало меҳнат шодиёнасидир. Бу байрамда эса гўё бутун беш йил давомида жамланиб-қўйилиб келган ижодий завқларимизнинг тугʻини кўрмоқдамиз. Одамлар чарақлаган кўзлари билан бир-бирларига қараб: «Қувон, завқингга эрк бер, сен бу муқаддас байрамнинг қувончини ҳар кунги меҳнатинг билан мисқоллаб тўплагансан!», деяётгандек.

Бундай байрамларда одамларнинг руҳи, кайфияти кўзгудагидек яққол кўринади. Шахс тақдири билан халқ тақдири нақадар чатишиб кетганини шунда кўрасиз. Транспарантлардаги истиқбол рақамлари юракларни талпинтиради. Бизнинг кунларда рақамлар ўйга толдирадиган, ҳаяжонга соладиган жонли бир нарсадек бўлиб қолган. Чиндан ҳам, 4.400.000 тонна деган сўзлар дилимизда фақат масъулият эмас, мислсиз инсоний фахр ҳиссини ҳам кўзғайди. Ахир бир маҳаллар юз минг тоннадан сал ортиқ пахтани лой-қор кечиб юриб амал-тақал билан териб оладиган туркистонлик захматқашнинг авлодларимиз.

Ўртоқ, агар Сухаревнага оламан деб келсанг қўйлақ ва иштон, билиб қўй.
7.500.000 пуд пахта тайёрлабди бизга Туркистон.
Агар бу пахтани чигта айлантурсан, кўплар кийар эди арозинга қўйлақ.
Дерсан: бўлмайдими ташиб келтирса?



МАРКС ҚАРАШЛАРИГА ТУҒРИ БАҲО БЕРИШ УЧУН УНИНГ ЭНГ ЯҚИН ҲАМФИКРИ ВА ҲАМКОРИ БЎЛГАН ФРИДРИХ ЭНГЕЛЬС АСАРЛАРИНИ МУҚАРРАР БИЛИШ ЗАРУР. ЭНГЕЛЬСНИНГ ҲАММА АСАРЛАРИ НАЗАРГА ОЛИНМАС ЭКАН, МАРКСИЗМНИ ТУШУНИШ ВА УНИ МУҚАММАЛ БАЕН ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАС.

В. И. ЛЕНИН

МАРКСНИНГ БУЮК САФДОШИ

150

ЖАҲОН пролетариатининг буюк доҳийси Карл Маркснинг дўсти ва содиқ сафдоши, оташин революционер Фридрих Энгельс туғилганига 150 йил тўлди. У бутун онгли ҳаётини, қалб ҳароратини, ақл-заковотини меҳнаткашлар оммасининг бахт-саодати учун курашдек олижаноб ишга бағишлаган эди.

Ф. Энгельс Вена ишчилари олдида 1893 йили сўзлаган нутқидан бундай деган эди: «Агар мен 50 йил давомида ишчилар ҳаракатида иштирок этиб, бу йўлда бирмунча иш қилган бўлсам, бунинг эвазига ҳеч қандай мукофот талаб қилмайман. Мен учун энг яхши мукофот сизларнинг ўзингиз, менинг мукофотим бутун дунёдир.

Сибирь турмаларида, Калифорния олтин конларида, то Австралиягача ҳамма ерда бизнинг ўртоқларимиз бор... Биз захмат солувчи буюк давлатлардан кўра кўпроқ иш қила оладиган давлатмиз.

Менинг ифтихорим ана шунда».

«Буюк давлат» деб Ф. Энгельс пролетариатнинг ўсиб ва мустақамланиб бораётган халқаро социалистик ҳаракатини кўзда тутган эди, албатта.

Уша пайтларда у туғилиб ўсган Рейн Пруссиянинг бошқа вилоятларига нисбатан саноати тараққий этган, пролетариати революцион синф сифатида шаклланиб бораётган, XVIII аср француз буржуа революциясининг таъсири анча кучли вилоят эди. Са-

Темир йўл йўли
 Ҳўш, нисосдан ҳисса?
 Нисосдад ҳисани мана мендан сўра;
 Советлардан ночиб юргандин кўра,
 меҳнатқаш қўлингга болға ол, ўртоқ,
 ана шунда бўлар кўйлан,
 шим,
 пайпоқ! —

деб ёзган эди ўша вақт Владимир Маяковский.

Байрам арафасида янгийўлик ёшгина механизатор Тошкент Трактор заводининг бош конвейеридан ўн мингинчи тракторни ҳайдаб олиб чиқиб кетди. Мен Владимир Владимировични яна эсладим. У бир шеърда Советлар Россиясининг овоз даласига чиққан биринчи трактор марзаларини сурма ранг тўлқинларга ўхшатиб, булар, худди «Аврора» залпидан таралган ҳаво тўлқинларидек, мамлакатнинг узоқ бурчларига ҳам таралажак, деган эди. «Аврора» залли... Сурма ранг тўлқинлар... Ажойиб мазмундоор ўхшатиш!

Ҳозир ҳамма — ҳўжалик ходими ҳам, сиёсий раҳбар ҳам, ёзувчи ҳам, ҳамма буюк рақамларни таҳлил қилмоқда. Чунки беш йиллик рақамлари маънавий-сиёсий галабаларининг ҳам асосидир. Жаҳон коммунистлари форумининг голибона руҳида ҳам, Ой тошини олиб қайтган автомат мўъжизасида ҳам, жаҳондаги мўътабар эътиборимизда ҳам беш йиллик рақамларнинг салмоғи бор. Халқимиз биографиясидаги ҳар гигант қадам, ҳар бир беш йиллик, ҳар бир меҳнат фронти, қурилиш майдони, ҳар янги водий ва ҳар янги шаҳар — авлодлар яратаяди, қаҳрамонлар буютади, қалбларга олижаноб ҳислар бағишлайди. Тўрт миллион деган широнимиз ўтган йили ажойиб ватанпарвар пахтакор Шоймардон Қудратовни майдонга чиқарган эди. Бу йил пахтачиликнинг янги дадил марралари қудратовчиларнинг бутун бир гвардиясини вужудга келтирди. Абдусаттор Курбонов, Робия Мухаммадиева, Янгибой Очиллов, Алмируд Екубов каби ўнлаб 500—600 тонначилар бу йилги баракали карвонимизнинг байроқдорлари бўлдилар.

Бу йилги куз — бахтиёр ва илҳомбахш мавсум. Унинг тарихий тақдир шундайки, беш йиллик катта ижодий меҳнатнинг гултожи шу, деса бўлади. Кўнлари тизги, соатлари ғанимат, ҳар дақиқаси меҳнатқаш. Билмак ҳам, юрак ҳам ишда, ўй-мулоҳазалар ишда, тинимсиз ишда...

Она-ер, бог-роғлар мўл-кўл ноз-неъматини меҳнат-севар инсонга ҳада этди. Делаларда, яланғоч шоҳларда қиров. Ҳавода софлик, саринлик, Кўнгил буюк тантана ва галабали яқунларни, сиёсийнинг порлоқ йўлларини сезиб талпинди.

Келажак чорламоқда!



«Савой» совхозининг илгор механик-ҳайдовчиси
 Воҳид Жўраев.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

ноат корхоналарида хотин-қизлар ва ўсмирлар кучидан аёвсиз фойдаланиш, ишчиларнинг иш ҳақини борган сари камайтириш ишчилар билан буржуазия ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштиради. Рейн ишчилари ва ҳунармандларнинг ачинарли ҳаётини кўрган Энгельсда шу жамиятга нисбатан нафрат туйғулари эрта шакллана бошлади. У 19 ёшида ёзган «Вуперталдан хатлар» мақоласида Бармен ва Эльберфельд ишчи ва ҳунармандларнинг оғир аҳволини жонли мисоллар билан баён этиб берган эди. Уша йиллардан бошлаб у меҳнатнашларнинг ҳаёти билан чуқур қизиқди, уларни овоз қилиш йўлларини излади.

Ф. Энгельс отасининг топшириғи билан Манчестр шаҳрида идора хизматчиси бўлиб ишлаган пайтида ишчилар яшайдиган маҳаллаларда бўлиб, ишчи синфи ҳаётини ҳар томонлама ўрганди. Англия ишчилар синфининг аҳволига оид китобларни муттаасил ўқиди.

Бу кузатиш ва изланишлар 24 яшар Ф. Энгельсга 1845 йили босилиб чиққан «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асарини яратиш имконини берди. Бу китобда у пролетариат жафоба ва эзилувчи синфигна эмас, балки сиёсий курашини авж олдириш йўли билан социализм идеалларини амалга оширувчи ижтимоий куч эканлигини кўрсатиб берди.

Ф. Энгельс дунёқарашининг этилишида унинг 1844 йили Парижда Карл Маркс билан танишиб, дўстлашгани гоят муҳим роль ўйнади.

«Қадимги афсоналарда,— деб ёзган эди Ленин Маркс билан Энгельс ўртасидаги дўстликни таърифлаб,— самимий дўстлик тўғрисида турли-туман ҳикоялар бор. Европа пролетариати, бизнинг фанмикими икки олим ва курашчи вужудга келтирди, деб айта олади.

Бу икки олим ва курашчининг бир-бирига муносабати қадимги афсоналарда ҳикоя қилинган одамларнинг энг самимий дўстлигининг ҳам юқори туради.

Килинган жамияти тарихида мисли кўрилмаган бу дўстлик башариятга бебаҳо армуғон — диалектик ва тарихий материализмин, сиёсий иқтисодни ҳамда илмий коммунизмни ҳада этди.

Маркс билан Энгельснинг фикри-зикри, дунёқарашини бир-бирларига шу қадар пайванд эдикки, Энгельс тўғрисида гапирганда Марксни эсга олмай илож йўқ ва аксинча, Маркс тўғрисида гапирганда Энгельсни эсга олмаганининг имкони йўқ... Улар «Муқаддас оила», «Немис идеологияси», «Коммунистик партия манифести» сингари катор асарларини илмий, ижодий ҳамкорликда яратдилар.

Ф. Энгельс моддий жиҳатдан кўмаклашиб турмаганда «Капиталнинг дунёга келиши мушкул эди.

К. Маркс вафотидан сўнг Ф. Энгельс унинг чала қолган, катта меҳнат талаб қиладиган «Капитал» асарининг II ва III товларини охирига етказди ва нашр эттирди. Бу иш бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмас эди. Айни вақтда Ф. Энгельс «Анти-Дюринг», «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири», «Социализмининг утопиядан фанга тараққийси», «Табиат диалектикаси», «Оила, ҳусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» сингари классик асарлар яратдики, булар марксистик фалсафа ҳазинасининг бебаҳо дурдоналаридир.

Ф. Энгельс кавтар, очик кўнгилли, юксак иродали киши бўлиб, унинг қалби меҳнатқаш халқнинг келажаги ва бахт-саодати учун кураш билан банд эди. Бу курашда у яқна эмас, турли мамлакатларда дўстлари кўп эди. У меҳнатқаш халқнинг порлоқ келажагига астойдил ишонди.

Дўсти вафотидан сўнг Ф. Энгельс халқро социалистик ҳаракатга раҳбарлик қилиш соҳасидаги масъулиятини тушунар ва уни шараф билан адо этиш учун ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга тиришар эди.

Ўтган асрнинг етимишинчи йилларида «Фигаро» деган француз газетаси Энгельснинг ўнта тилни мукамал билишини, йигирма тилда гаплаша олишини ёзган эди. Ф. Энгельс бошқа тиллар қаторида рус тилини ҳам севиб ўрганган, рус революционерлари билан мустақдам алоқа қилиб турган, А. Пушкин, Н. Чернышевский каби адиблар ҳамда Н. Карамзин, И. Соловьёв, А. Костомаров каби тарихчилар асарларининг аслини ўқиб борган.

Ф. Энгельс ўтган асрнинг эллингинчи йилларида бошлаб то умрининг охиригача, яъни ўн йиллар давомида Россия тарихини, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ва таъқи сиёсатини эътибор билан ўрганди. Маркс иқовлари рус революционерларига чоризмга қарши курашда дўстона маслаҳатлар бериб турдилар. Ф. Энгельс Россияда биринчи рус марксистлари Г. Плеханов, В. Засулич ташкил этган «Меҳнатни овоз қилиш» группасини таъриқлади ва ўзининг ҳамда К. Маркс асарларини рус тилига таржим қилиш ва нашрга тайёрлашда кўмаклашди. У Россия учун муҳим аҳамиятда эга бўлган агар масала билан шуғулланишни Г. Плехановга маслаҳат берган эди. Лекин, бу муҳим масалани чинакам илмий асосда фақат В. И. Ленин ҳал қилди.

Маркс билан Энгельс саноти ривожланаётган, ишчилар синфи шаклланаётган белеён Россиянинг келажаги пролетариатиники эканига шубҳа қилмас эдилар. Энгельс, агар Россияда революция бўлса, Германияга ҳам таъсир қилиши табиийдир, деб тушунтириб, 1879 йил 30 январда Беккерга ёзган хатида: «Агар у ерда портлаш юз берса, Вильгельм ҳам қақир-қуқурини йиғиштиришга мажбур бўлади», деган эди.

«Россия,— деб ёзган эди Маркс ва Энгельс,— Шарқда нисбатан ҳақиқатда прогрессив роль ўйнайди... Россиянинг ҳукмиронлиги Қора ва Каспий денгизлари учун ва Марказий Осиё, бошқирд ва татарлар учун маданийлаштирувчи роль ўйнайди.»

Маркс ва Энгельснинг назарий меросида Шарқ мамлакатларининг инокпиталистик йўлдан ривожланиши ва уларнинг капитализминг четлаб, социализмга ўтиши масаласи алоҳида ўрин тутди. Ф. Энгельс русини социалисти И. Надеждага йўллаган хатларидан бирида олижаноб буюк рус миллати Осиёга нисбатан ҳам ўзининг ҳақиқий тараққийларарлик вазиғасини адо этади, деган фикрини билдирган эдикки, Урта Осиёда рус халқи ёрдами билан Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг гуллаб-яшнаши, Совет Шарқи социализм машғулага айланганлиги доҳий башоратининг ёрқин ифодасидир.

Доҳийнинг гўзал орзулари, рус пролетариатининг революцион курашдаги ролига берган баҳоси тўғрилигини ҳаёт тасдиқлади. В. И. Ленин марксизм таълимотини империализм ва пролетар революцияси даврида ижодий ривожлантириб, юксак чўққига кўтарди.

В. И. Ленин марксизмга таяниб, янги тилдаги партия — Коммунистик партияни тuzди. Коммунистик партия ўз ижодқори раҳбарлигида мамлакатимизда Октябрь социалистик революцияси галабасини таъминлади, пролетариат диктатурасини ўрнатди. В. И. Ленин социализм ва коммунизм қуриш планини назарий жиҳатдан асослаб берди.

Коммунистик партиямиз ўзининг съездлари ва Марказий Комитет пленумлари қарорларида коммунизм ичрилиши масалаларини илмий асосда ҳал қилиб, доҳий гояларини ҳаётга ижодий таъбиқ этмоқда.

Яраш ТУРМУҲАМЕДОВ,
 фалсафа фанлари номлидоти



4400000

БУРЧИМИЗ

ЛЕНИН туғилган кунинг 100 йиллик юбилеи халқимизни беш йиллик топишиқларини мўддатидан олдин бажаришдек ажойиб ватанпарварлик ҳаракатига руҳлантирди, натижада халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида катта силжиш рўй берди. Областиимиз санонат ходимлари, қурувчилари, қишлоқ ҳўжалик меҳнатқашлари, зиёлилари, бу улкан ҳаракатда фаол қатнашиб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар ва қўшмоқдалар.

Кейинги тўрт йилда Андижон область саноати янада юксалди, маҳсулот ишлаб чиқариш планини мунтазам бажариб келмоқдамиз. Маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ҳам катта ютуқларга эришдик. Қишлоқ ҳўжалигида, айниқса ирригация иншоотлари қурилишида салмоқли ишлар қилдик.

Буларнинг ҳаммаси областимиз меҳнатқашларини ҳақли суратда фахрлантиради. Аммо партиямиз шундай таълим берадики, ютуқларимиз қанча зўр бўлса ҳам, биз ўз ишларимизга доимо коммунистларча танқидий қарай билишимиз, фактларни холис таҳлил қилиб, ўз-ўзимизга ҳисоб бериб туришимиз керак. Рўй-рост айтиш зарурки, кейинги йилларда пахта ҳосилдорлигини ошириш учун курашимиз кўнгилдагидек бўлмади. Бу ҳол партия, совет, қишлоқ ҳўжалиги органларининг ходимларини, деҳқонларимизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Маълумки, область экономикасида пахтанинг салмоғи катта. Пахтачиликда юз берган жиддий муаммоларни тезда бартараф қилмай туриб, область экономикасини кўтариш тўғрисида ҳаёл ҳам қилиш мумкин эмас. Областиимизда пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетиши сабаблари Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленумида жуда тўғри танқид қилинди. Пленум қарорига бундай дейилди: «Республиканинг кўп районларида, хусусан Фарғона, Наманган ва Андижон областларидаги ҳўжаликларда фақат пахта экилаётганлиги пахта етиштиришдаги ўсшининг тўхтаб қолганлигига асосий себаб бўлмоқда. Ана шу ҳўжаликларда экинлар структурасида пахтанинг салмоғи 80—90 процентга етиб боради. Алмашлаб экишга етарли эътибор берилмаганлиги, айни бир майдонларда пахта сурункасига неча ўн йиллар мобайнида етиштирилмаганлиги сабабли тупроқнинг махсуддорлиги кескин суратда камайди, ғўзанинг вилт билан касалланиши ғоят кенг тус олади».

Бу гап Андижон область партия, совет, қишлоқ ҳўжалик органлари ҳамда барча меҳнатқашлар учун ғоят кўнгилсиз, лекин ҳаққоний танбҳдир. Чиндан ҳам кейинги йилларда областда пахта етиштириш ка-

майиб кетди. Бунинг сабаблари кўп. Аввало, алмашлаб экишга етарли аҳамият берилмади, ер-сув ва моддий-техника воситаларидан тегишинча фойдаланилмади, фан ютуқлари ва илгор тажрибалар кам жорий қилинди. Айниқса, пахтанинг ашаддий душмани — вилтнинг область далаларида кенг тарқалганини таъкидлаш керак. 1960 йилда областда вилт билан пахта майдонларининг 54,7 проценти (бунинг 3 проценти жуда қаттиқ) зарарланган бўлса, 1969 йилга келиб бу рақам 86,2 процентга (шундан 46,8 проценти қаттиқ зарарланган) етди.

Область партия ташкилоти, барча деҳқонларимиз рўй берган бу аҳволдан қутулиш чораларини кидирмоқдалар ва бу йил ана шу вилт офатининг олдини олиш йўлида бирмунча амалий тадбирлар кўрилди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII Пленуми қарорларини оғишмай бажара бориб, ҳар бир колхоз ва совхозда алмашлаб экишга ўтишни кўзлаган ҳолда, қишлоқ ҳўжалик экинларини жойлаштириш ва алмашлаб туриш схемаси ишлаб чиқилди. Сўнгра, бу йил вилт билан қаттиқ зарарланган 23.200 гектар майдонга бошқа экинлар жойлаштирилиб, бултур беда, маккажўхори, оқ жўхори, дон, полиз экинлари ва сабзавот ўстирилган 24.800 гектар ерга чигит экилди. Айни пайтда беда майдони ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки марта кўпайтирилди.

Экинлар ўрнини алмаштиришдан ташқари, пахтанинг вилтга чидамли навларини экиш юзасидан ҳам жиддий ишлар қилинди. Шу навлардан Бири СоюзНИХИнинг Андижон филиали томонидан етиштирилган 159-Ф навидир. Бултур бу навининг чигити областимизда 11 минг гектар ерга экилган эди, бу йил эса 80 минг гектар майдонга жойлаштирилди. Шунингдек, Тошкент селекционерлари етиштирган Тошкент — 1, 2, 3 навлари ҳам ялли суратда экила бошлади. Бу навлардан кўпроқ ва сифатлироқ уруф олиш мақсадида областда иккита уруғчилик ҳўжалиги тузилди, вилтга қарши курашиш ва алмашлаб экишни жорий қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида ҳўжалик белгиланди.

Бу хилдаги дастлабки чоралар ҳозир ижобий самара бермоқда. Биз буни шу йилнинг якунларидан яққол кўрдик. Утган йили бошқа экинлар экилган майдонларда ўстирилган пахталаримиз вилт билан кам зарарланди. Шунингдек, 159-Ф, Тошкент-1, 2, 3 навлари ҳамда 6030-С ингичка толали нав экилган майдонларга вилт жуда кам тушди. Натижада область пахтакорлари бултургига нисбатан бир неча ўн минг тонна кўп «оқ олтин» сотишга муваффақ бўлдилар.



Андижон қаҳрамонлар юрти. Суратда: «Шухрат» орденининг навалерлари (чапдан ўнғига): шаҳардаги 1-ўрта мантаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Рифкат Тўцаев, Свердлов номи колхоз аъзоси Бултурбой Омонов, Полвонтош нефть кони 3-автотранктор колоннасининг механиги Темура Нажмиддинов ва республика миңбосидаги шахсий пенсионер Тожибой Ражабов.

У. РАҲИМОВ фотоси

Бир күн

Областа пахта етиштиришни кўпайтиришга кўчма бригадалар ўрнида тузилган ва тузилётган совхозлар сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. 1969 йилда Марказий Фарғона ерларидаги кўчма бригадалар базисиде «Оқ олтин» ва «Шахрихон» совхозлари тузилганди, бу йил яна Максим Горький номидаги ва «Маданият» совхозлари ташкил этилди. Ҳозир кўриқ ерларда янгидан В. И. Ленин 100 йиллиги, Комсомол номидаги совхозларга асос қўйилди. Биз бундай совхозлар тузилишининг ҳар томонлама фойдали эканини амалда кўриб билдик. Совхозлар тузилгандан кейин ишлаб чиқариш мўҳим асосга қўйилди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш бир неча марта кўпайди. Масалан, «Оқ олтин» ва «Шахрихон» совхозлари 1969 йилнинг ўзида давлатга 3 минг тонна пахта сотди, ваҳоланки колхозларнинг кўчма бригадалари 1968 йилда худди ана шу майдондан атиги 850 тонна пахта йиғиб олган эдилар. Кейинги икки йилда яна олтин шундай совхоз тузилди. Бу йил пахта етиштираётган бешта янги совхоз 10.500 гектар майдондан 23.500 тонна ҳосил кўтариш мажбуриятини олган эди, бу мажбурият бажарилиш арафасида турибди.

Областа пахта етиштиришни кўпайтириш ҳаракати ана шундай йўллар билан олиб борилмоқда.

Бироқ биз вилта қарши қатъий курашни озгина бўлса ҳам бўшаширишимиз керак, деб биламиз. Вилта қарши курашни жиддий, астойдил ва муттасил давом эттиришимиз, оқибатда бу офатни тулғурғимиз бағридан тамомила йўқотиб юборишимиз керак. Бунинг учун ягона йўл — алмашлаб экинни мўҳим изга солишдан иборатдир. Алмашлаб экинни кенг йўлга қўйиш учун эса, мутахассисларимизнинг ҳисоблаб кўришларича, ҳозирги пахта майдонларини тўла сақлаб қолган ҳолда суғориладиган ерларни камиде 60 минг гектар кўпайтиришимиз лозим. Аفسуски, областимиз бунча ерга эга эмас. Янги ерларни фақат Марказий Фарғона кўриқлари ва адирликлар ҳисобига очиш мумкин. Бу жойлардаги суғориб экин эшиш мумкин бўлган ерлар жуда катта капитал маблағ сарфланганда ҳам 30 минг гектарнигина ташкил этади ҳоло.

Кейинги йилларда биз кўриқ ва адир ерларни ўзлаштиришни тезлаштириш юзасидан бирмунча ишлар қилдик. Республика мелiorация ва сув хўжалиги министрилиги ҳамда «Ўзгаводстрой»нинг катта ёрдами билан «Оби ҳаёт», «Экин-тикин», «Маданият» деб номланган ва бошқа бир неча насос станциялари қуриб, янги ерларга сув чиқардик, сув танқислигини бартараф қилдик. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қўйган катта талабларни назарда тутадиган бўлсак, область экономикасининг энг мўҳим муаммоси — деҳқончилик қилинадиган янги ерларга бўлган эҳтиёжни қондириш, кўриқ ва адирликларнинг тезроқ капитал асосда ўзлаштириш зарурилик аққол кўринади. Айниқса адир ерларни суғориш ва улардан комплекс фойдаланиш бош схемасини тузишни тезлаштириш ва 1971 йилдан бошлаш ушбу амалга ошира бошлашимиз керак. Бунинг ҳаётининг ўзи тақозо қилмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришида, хусусан, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришида қишлоқ меҳнаткашларига ётарларча ёрдам ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бунинг асосиде мисолида яққол кўриш мумкин. Шу беш йиллик давомида колхоз ва совхозларга 1834 трактор, 217 пахта териш машинаси, 101 автомашина берилди. Шунингдек, область хўжаликларни давлатдан неча юз минг тонна минерал ўғит олдилар. Буларнинг ҳаммаси деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш имконини берди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлиги ортди, фойда олиш кўпайди.

Беш йилликнинг тўрт йилида областимиз 1 миллион 842 минг тонна пахта етиштирди. Шу давр ичиде 2,3 марта кўп шоти етиштирди. Сабзавот тайёрлаш 72,6 процент, полз экинлари 67,7 процент, узум ва меве 20 процент, гўшт 14,4 процент, сўз 22,6 процент кўпайди.

Областимиз пиллакорлари айниқса яхши меҳнат қилдилар. Мамлакатга 14. 620 тонна қимматбаҳо хом ашё топширдик. Бу — беш йиллик планде кўзда тутилгандан 2.241 тонна кўйдир.

Област қишлоқ хўжалигига кейинги тўрт йил ичиде 284 миллион сўм капитал маблағ ажратилди, шундан 100 миллион сўмга яқини сув иншоотлари қурилишига сарфланди. Бунинг натижасиде бир қанча янги сув иншоотлари барпо қилинди. Шулардан бири — Катта Андижон каналидир. Унинг биринчи навбати қурилиб ишга туширилди. Бу иншоот ишга туширилиши билан областнинг Балиқчи, Бўз районларида сув тақсимиоти яхшиланди. Марказий Фарғонанинг янги ерларини ўзлаштириб, экинзорларга айлантириш учун кенг шароит туғилди.

Ҳозирги кунда замонавий техника билан жиҳозланган Андижон сув омбори қурилиши кенг қулоч ёймоқда. 1 миллиард 750 миллион кубометр сув кетадиган бу улкан иншоот ишга туширилган, янги ерларни ўзлаштириш ва экин майдонларини суғоришни анча яхшилаш имкони туғилди.

Областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг кун сайин кўрсатиб келавтган ғамхўрликларидан илҳомланиб, беш йилликнинг охириги йилини улкан ютуқлар билан яқунлаш учун КПСС XXIV «ёзди шарофига бағишланган социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар.

Шу кунларда областимиз меҳнаткашлари москваликларнинг ленинча меҳнат ваҳтасини давом эттириш тўғрисидаги ташаббусига қўшилиб, юбилей йилини янги меҳнат зафарлари билан яқунламоқдалар.

Саноат корхоналари ва транспорт ташкилотларининг коллективлари ишлаб чиқариш беш йиллик планини муддатидан илгари — 25 декабрда бажаришга ва пландан ташқари 14 миллион сўмлик маҳсулот чиқаришга сўз берганлар. Бинокорларимиз эса, қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 29 декабрдан бажаришга аҳд қилдилар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг фикри-зиқри, диққат-эътибори етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва давлатга 500 минг тонна пахта етказиб беришга, бу билан республикамизнинг юбилей йилидаги 4 миллион 400 минг тонналик улкан хирмонига салмоқли ҳисса қўишига қаратилган.

Шубҳа йўқки, андижонликлар ҳам, барча совет кишилари қатори, партияимизнинг XXIV съездини халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича янгидан-янги зафарлар билан кутиб оладилар.

Мен бу киши билан бир кунгина мулоқотда бўлдим. Мақсадим унинг бир кунлик иши билан танишиш эди. Ҳамроҳим қирқларга борган, урта буй, кенг пешана, чорпахилроқ, лекин чапдаст, кўнгирақ сочларига оқ оралаган. Ҳаракатлари тез, шиддатли. Тимқора кўзлари ҳамиша бирдай қулиб туради, одамга майин, синчков боқади. Яна бир хислати — жўшқинлик. Ҳатто оддий нарсалар ҳақида ҳам қайнаб, эҳтирос билан гапирди. У — Абдурашид Исмоилов, Бўз район партия комитетининг биринчи секретари.

Абдурашид ака билан кун кўтарилганда райком олдида учрашдик. Енида деҳқонча кийинган гўлабур, миқти киши ҳам бор. У область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги Сулаймон Қўнқоров экан. Бўзга вақил бўлиб келибди. Уювлон йўлга тушдик.

— Зерикмадингизми, оғайни? — деди Абдурашид ака орқага ўгирилиб, — зарур иш чиқиб қолди. Сахар Андижонга бориб келдик. Ортобхон Холботирова деган муаллимимиз бўларди. Шу киши вафот этибди. Узлари қўлимиздан етказлаб ўқишга киритиб қўйганлар.

Қаёққа кетаётганимизни билмайман, лекин ҳамроҳларимнинг гапларидан пайқашимча, чўлга шекилли. Қўлогимга «Улуғнор», «Мингбулок» деган номлар чалинади. Негадир ўша ёққа боришни ҳавас қиламан...

Қалин шағал тўкилган йўлга тушдик. Машина тайғана бошлади. — Ҳали тузатишмабди-я! — Абдурашид ака ранжиган бўлди.

Мен унинг фикрини тушундим: Эрта-индин терим бошланади. Те-лежлардан пахта ташийди. Асфальт қилиш керак эди.

Тагида сув милдираб ётган чуқур зовур ёқалаб кетяпмиз. Зовур четида кўкарган ингичка, нимжон қамишлар сарин шабадада билинар-билинимас чайқалади, димоққа ачимсиз ҳид урилади.

— Меркоптопос шекилли, — деб қўйдим.

— Ҳа, — деди Сулаймон ака, кейин дарров тушунтирди: — Меркоптопос эллик тўртинчи йилдан бери сепилади. Илгари бир гектарга 400 грамм кетарди. Энди тўрт килодан сепамиз. Ҳашаротлар ҳам кўниқиб қолди-да.

Луқма қўшдим:

— Олимлар... ҳеч иложини қилишолмаётими?

— Энди меркоптопос чиқмайди. Бу йил биз Мирзачўлдан об-келиб ишлатдик. Олтингугурт сочилади энди.

— Бу ёққа қаранг! — Абдурашид ака далага ишора қилди. — Ким айтиди шу ерларни Фарғона водийси деб?

Дарҳақиқат, Фарғона водийси деганда кишининг кўз олдига шо-вулганлар боғлар, орнакўз бўлоқлар, бобокалон чинорлар, ўйноқи жингалар, арчазоры пистазорларга қўмилган ям-ишл тоғлар келади. Рўпарада эса яйдок сахро мударб ётарди. Уюм-юшл кумтелалар устида жизганак бўлган эса-чўплар сарғаяди. Экиб қўйилгандай ғуж-ғуж юлегузорлар бутоқчаларини маънос қайқайди. Ер худди кул сепилгандай, коп-қора. Гоҳо ботқоқлик учрайди. Бўйра бўлишга яраб қолган қамишлар ичиде қурбақа вақиллайди. Икки-уч йил экин экилган пай-калардан анча элга келиб қолган, биринчи йил пахта битавтган ерлар ола-була, гўзалари бир қарич. Онда-сонда сарғиш, ангишонадай кичкина чаноқлар йилт этиб кўзга чалинади. Тўриб-тўриб, ростдан ҳам шу ерларнинг Фарғона водийси эканлигига гумон қилсан, беихтиёр

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 11 (47) 1970

Ноябрь

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

1923 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

ҚАРДОШЛАР, ҚАДРДОНЛАР



Ўзбекистон ССР ва Болгария Халқ Республикаси халқлари орасидаги дўстлик, нардошлик алоқалари кейинги йилларда янада мустаҳкамланди. Бугун Болгарияга борсангиз ўзбекча ном билан аталадиган талай йилларни кўрасиз. Ўзбекистонда эса, болгар халқининг қаҳрамон фарзандлари, шахарлари номи қўйилган қолхозлар, муассасалар ва кўчаларни кўплаб учратишингиз мумкин. Кунги неча Андижон районидagi қолхозда катта бир магазинга «Ямбол» номи берилди. Бу бекиз эмас, албатта. Тошкент области билан Болгариянинг Хасново округи меҳнаткашлари ўртасида бир неча йиллардан бери социалистик мусобақа давом этаётгани каби, Андижон области меҳнаткашлари ҳам қардош республиканинг Ямбол округи меҳнаткашлари билан мусобақадoshдирлар. Бу ажойиб анъана ўзбек ва болгар халқлари чин дўстлигининг яна бир исботидир. Суратларда: Избоскан районидagi Охунбобоев номи қолхоз дўстларимизни кўтиб олиш пайтида БКП Ямбол округ комитетининг секретари Владов Киров ўзбек номини тавоф қилмоқда; Ямболлик дўстларимиз Ҳўжабод районидagi «Ленинград» қолхозининг пахта далаларида.

С. БЕЗНОСОВ ФОТОСИ

хаёлинга кимдир топиб айтган сўзлар келади: «Езёвон — улкан шоҳи палакка тушган бўз ямоқ».

Абдурашид аканинг гапи хаёлимни бўлади:

— Бизда қора шўр деган бўлади. Ҳув ана, кўрдингизми? Шу ёмон. Биз гўзани эрта экишимиз керак. Бўлмаса ер қизиб кетиб, чигити нобуд қилади. Кейин қумдан кўп қийналамиз. Бир ёқдан пахта экаверамиз, иккинчи ёқдан қум кўчиб келиб босиб қолаверади.

Мойтупроқ йўлдан кун ботишга қараб бормоқдамиз. Чапда катта яланглик бошланди. Ут-ўландан тозаланган ерда-уч-тўрт одам юрибди. Биттасининг қўлида учига қизил латта боғланган таёк: самолёт кутишяпти, дефолиацияга тайёргарлик.

— «Коммунизм» қолхозининг деди секретарь, сўнг қўл чўзиб олисларга ймо қилди, — «Уфқ» романида тасвирланган ерлар ана шу томонда. Яхши роман.

Яқинда қазиб битказилган Катта Андижон каналидан ўтгач, ҳадемай асфальт йўлга чиқиб олдик. Бир ёғи Фарғона, бир ёғи Наманганга кетади. Йўл юзюда «Оқ олтин» совхозининг посёлкаси. Яна кўркам уйлар, мактаб-магазинлар ярқираб кўзга ташланди. Нарирокда кенг гараж. Бўёғи қурмаган «ХВС», «Ўзбекистон»лар шай турибди. Рўпарада кичкинагина завод вағиллаб тош майдаламоқда.

— Ҳозир «Улуғнор»га борамиз, — деди Абдурашид ака. — Асли — «Улуғ анҳор» эмиш. Қайдам, балки ростибир. Бу ерда катта бир ариқ бор, Сарик жўга деган. Балиғи кўп бўлади. Аслида-ку, Улуғнор катта туя дегани. Тўғрими, оғайни?

Совхоз идорасининг олди табиатингни равшан қилади. Камон шакилидаги майдон. Майдонда арчасимон дарактлар, турфа гуллар гуркирайди. Тор, рагон йўлқалар четиға узунчоқ, пастак курсилар қўйилган. Уртада мўъжазгина фонтан. Унга ранго-ранг чироқлар ўрнатилган. Фонтан ишлаганда чироқлар ёниб, сувни камалақдай товлантиради...

Совхоз директори Абдусалом Маматов кекса раҳбарлардан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Катта тол тағида хангомалашиб ўтирибмиз. Абдусалом ака совхозининг бугунги ишларидан гапирди.

«Улуғнор»нинг 10 минг гектарча ери бор экан. Лекин ҳозирча 2300 гектарига экин қилади. Одам кам. Бор-йўғи 800 ишчи. Улар ҳам Чинобод, Балиқчи, Избосқандан келишган. Кейин-кейин яхши бўлиб кетса керак. Ҳали мактаблар битмаган, шийпон етишмас экан. Аммо сув ташвишидан қутулишибди.

Машиналарни кўргани совхоз гаражиға бордик. Улкан қўрада «пўлат отлар» икита-учтадан бўлиб потраб ётибди. Баъзи «ХВС»лар атрофида механизаторлар ўралашиб юрибди. Қаердандир бош инженер — новча норғул йигит етиб келди. Абдурашид ака унга бир-икки савол берди, айланиб ремонтдан чиқётган машиналар билан танишиди, кўнгли тўлмади чоғи, қовоғини солди:

— Ишлар чатоқ-ку, оғайни?

Бош инженер куйиб-пишиб нималяриндир тушунтира кетди. Бироқ секретарь бу гапларни илгаридан биларканми, эътибор бермади. Ерда ётган кўҳна балонни этгининг учи билан тепиб кўрсатди:

— Бу бўлмайди. Ботқоққа ботиб кетади... — Бу бош инженерга қаради. — Ҳўш, айтинг, нимангиз етишмайди?

Инженер қўйиндан бир варақ қоғоз чиқарди, мадад кутаётган кишидай, жонлиб ўқий бошлади:

— Кардан, аккумулятор, баллон...

Секретарь унинг гапини эламади:

— Бунинг ҳаммасини биламан, «Сельхозтехника» айтганмиз. Лекин баҳона қилмай, ишлаш керак, оғайни! Эрта-индин дефолиация бошлайми. Ҳақлиғана ўттиз тўрт машинадан биттаси тайёр эмас... Йўқ, оғайни, бунақада афаллашиб қоламиз. Тезроқ битиринг ремонтни.

— Ҳўп... — Бош инженер бошқа сўз котмади.

Жўнадик. Абдурашид ака киприк қоқмай бир нуқтаға тикилиб борарди. Хаёлидан нималар кечяпти экан! Эҳтиёт қисмлар танқислигини ўйлаётгани, «Узсельхозтехника»дагиларнинг бепарволигидан койиналгани, районнинг ижир-чикир ташвишлари, хусусан одам етишмаслиги эсига тушиб кетди... Ахир, Бўзада ишчи кучи кам... Машинаға зўр берилмаса бўлмайди. Мана, беш йилдирики секретарь. Беш йилдан буюн узлуксиз план тўлиб келяпти. Айниқса, бу йил қийин. 40 минг тонна пахта сотишга ваъда беришган.

Андижоннинг гигант совхозларидан бири «Мингбулоқ»қа кириб борялмиз. Икки тараф кўкимтир, бўлиқ пахтазор. Шохлаб кетган гўзалар орасида қордай оппоқ, лўппи қўсақлар жилмайди. Унда катта тахта. Унга зархал ҳарфлар билан «Хаётиниз кўрки бўлган онани эъозлайлик!» деб ёзилди. Бу лавҳаға Абдурашид аканинг ҳам назари тушди шекилли, чеҳрасиға табассум қалқди.

Пахтазорлар тугаб, кичик-кичик ҳовиллар, бир-бириға туташиб кетган уйлар бошланди. Мевали дарактлар гувала деворларға ёнбошлаб, кўчаға салом қилиб ётибди. Кўча кимсасиз, одағда кийкириб, тўпроқ чангитиб юрадиган ўйиңқароқ болалар ҳам кўринмайди. Дарҳақиқат, Бўза ҳозирча одам кам. Буни секретарьға айтдим.

— Ҳали «Улуғнор»даги тарвузларни кўрдингиз, — деди у, — йиғиб оладиган одам йўқ. Қани энди ортиқча куч бўлса, нобуд қилмай давлатға ўтказилса. Қолхозға қанча даромад бўларди. Бу ҳам қолхозчининг насибаси. Яна бир масала. Ҳозир ҳар гектар ердан икки тонна, нари борса уч тонна помидор олялмиз. Уша помидорларни парварниш қиладиган одам бўлса, эртагидан 50—60 тоннагана олиш мумкин. Бу қолхоз билан қолхозчиға қўшимча даромад деган сўз. Бу йил мева шунчалик кўпки, териб улғуриб бўлмайди. Одам керак. Одам кам, бори ҳам пахтада. Терилгани терилиб, қўл тегмагани қолиб кетяпти меванинг. Агар пахтачилик юз процент эмас, 70—80 процент механизациялашиб, аёллар дала ишларидан сал озод бўлса, қолхозда кичкина-кичкина цехлар очиб мумкин. Консерва қиладиган, қоқи қиладиган цехлар очилса, ҳам мева-мева увол бўлмайди, ҳам халқ фойдаланади, ҳам давлатға фойда.

...«Мингбулоқ» совхозининг идораси йўл четиға тушган кўржимсизгина бинода экан. Идорода ҳеч ким йўқ, ички ҳовлида қоровул қуймаланиб юрибди.

Абдурашид ака директор хонасидан қаёққадир телефон қила бошлади. Эшикда кекса бир киши кўринди.

— Ассаломуалайкум...

— Келинг.

— Ука, биз Намангандан. Сиз директормисиз?

— Йўқ, — деди Абдурашид ака, — директор ҳозир келиб қолади. Чўтирмамо кимси тинмасди:

— Биз узум олгани келдик. Стандарт тарвуз бўлса ҳам оламиз, Секретарь илжайди:

— Келиб қолар, дедим-ку, ака. Сал сабр қилинг.

Харидор ортиға тисарилди:

— Ҳўп, кутамиз.



— Стандарти нима? — деб сўрадим секретардан.

— Йўлда кўриб келдингиз, биз ерларни пахтага тайёрляпмиз. Шунинг учун ҳозирча Андижондаги энг кўп қовун-тарвузни бизнинг район беради. Шу «Мингбулоқ»нинг ўзи 500—550 тонна қовун-тарвуз сотади. Бироқ колхоз-совхозлар ўзларича дўконга чиқаролмайди, район савдо идораларига ўтказади. Савдо ходимлари тарвузни олдин сўйиб кўришармиш. Агар эни 18 сантиметр чиқса олишаркан — стандарти шу экан. — Секретарь истеъзоли кўлди.

Директор Мадрохимов кириб келди. У ўрта ёшлардаги, бўйдор, қорамғиз киши. Ҳаракатлари вазмин, сипо, Сулаймон ака ҳам столга қозоғларини ёйди. Ползидан гап очилди. Директор шикоят қилди: совхоз жўнатган қовун-тарвуз яна қайтиб келибди. Бунни эшитиб секретарнинг қовоғи уюлди:

— Қанақа ўзи бу одамлар?

«Бу одамлар» Андижон савдо тармоғидаги, очкироғи шаҳар озик-овқат бошқармасидаги баъзи раҳбар ўртоқлар экан.

— Улар билан бақамти гаплашиб олмасак бўлмайди, — деди секретарь, — деҳқоннинг меҳнатини кўзга илмай кўйди. — У райкомга, ёрдамчисига телефон қилди:

— Иннокентий Романович, илтимос, область савдо ташкилотларининг бошлиқларига телеграмма берсангиз. «Улуғнор», «Мингбулоқ» совхозлари олиб борган тарвузлар қайтариб юборилибди дег, тажрибали мутахассис жўнатилсин, далада мол сифатини аниқлаб берсин, дег...

Бошдан бери қозоғ қоралаб ўтирган Сулаймон ака бошини кўтарди:

— Бунни қаранглар, — деди у, — уч тоннали машинанинг бир кунлик кираси — 37 сўм. Бу пулга 5,5 тонна тарвуз олиш мумкин. Ҳолбуки, машина ўз кирасини кўтармайдиган юкни Бўздан Андижонга, Андижондан Бўзга ташиб юрибди.

— Нима, шунчалик... текимми сизларда тарвуз?

— Илгари қовун — 5 тийин, тарвуз — 4 тийин эди. Биз масала кўтардик. Энди қовун — 9 тийин, тарвуз 7 тийин бўлди, — деди Абдурашид ака.

Секретарь директордан теримга тайёргарликни суриштирди. Аҳвол қаноатлангирмади шекилли, ярми чин, ярми ҳазил қилиб деди: — Агар ўзларингиз эпلاءгмасангизлар, Ҳафиз полвонни қақирамиз. Териниб юборади.

Директор қизариб, кўлди:

— Йўғ-э... Узимизнинг механизаторлар далада пойлоқчилик қилиб ётишибди қачон барг тўкишар экан, деб.

— Унда эртаданок дефолиацияни бошлаш керак. Ҳаш-паш дегунча ўн беш-йигирма кун ўтиб кетади. Ҳаво айниб қолса ишинг пачаваси чиқади... Келишдикми? — Абдурашид ака икки кафтининг столга тираб ўрнидан турди.

...Тельман номидаги колхозда ҳам гўза баргларини тўкишга киришилмаган экан. Абдурашид ака бунинг сабабини суриштирган эди, агроном шундай жавоб берди:

— Уртоқ Исмоилов, гапинг очиги, баъзи бригадаларимиз яна бир оз ҳосил тўплансин, деб дефолиацияни бошламай туришибди. Сал кечроқ бошламоқчимиз.

— Бу нотўғри фикр, — деди секретарь, — эндиги гул билан кўсакка ишонсак, нақд ҳосилдан куруғ қоламиз. Эртадан барг тўкиш пайда бўлинлар.

— Хўп, — деди оҳиста агроном. — Бошла, десанглар, бошлай-верамиз...

Машинага чиқмоқчи бўлиб эшик дастесини ушлаган Абдурашид ака ялт этиб агрономга қаради. Изига қайтди. Итоаткорона руҳда айтилган бу сўз унга қаттиқроқ боғандай эди. Гўё унинг кўрсатмасини тўғри бўлганлиги учун эмас, райком секретари айтгани учун бажаришадигандай туюлди.

— Қани, ўшандай бригадалардан биронтасига борайлик-чи, — деди секретарь агрономга юзланиб. — Бунақа бир-биримиздан гап яширмасдан, орани очик қилиб кетганимиз дуруст.

Пахтазорга ётиб бордик. Дефолиацияни бошламай, «ҳосил кутиб» ўтирган бригадир ҳам келди. Абдурашид ака шатир-шутир гўза оралаб кетди. Пахтага сув қуйиб юборилибди. Бригадир уни болаларга тўнади. Пахта чамандай очилган. Бироқ шاپалоқдай қуноқ япроқлар соясида унча кўзга чалинмайди. Ҳали лойи қуримаган эгтарларда нуқрадай пахталар сочилиб ётибди. Абдурашид ака уларни териб олди, ҳаяжон билан гапира бошлади:

— Бу ерларни мен биламан. Кўкламда биринчи шу ерга чигит экилган эди. Мана, қаранглар, ҳосилнинг асосий қисми етилибди. Энди нимани кутамиз? Бу туришда пахтанинг гози йўқолади. Узларингизга зиён-ку. Тўсатдан ҳазо айниб қолса-чи? Бугун биринчи сортага ўздан пахта, яна ўн кундан кейин иккинчи ё учинчи сортага тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

Секретарь, шоклаб кетган бир гўзанинг саргимтил, кичкина гулкини юлиб олиб, бригадирга кўрсатди: — Мана шундан ҳосил кутиб ўтирибсизларчи? Бу қачон кўсак бўлади, биласизми?

— Биламиз, — деди бригадир, — қирқ-элик кунда.

— Ҳа, балли! Энди менга қаранг. Мана шунақа гулларни кўсакка айлантириб қанча фойда кўрамузу, теримни кечиктириб, пахтанинг гозини йўқотиб, сортини бузиб қанча зиён кўрамуз?

Бригадир тан олди:

— Зиён бўлади ҳамаси...

Кун ботиб, қоронғи тушди. Район марказига қараб кетаяпмиз. Абдурашид ака билан хайрлашадиган вақтимиз яқинлашмоқда эди. Шунинг учун мен учрашувинг охирига асраб қўйган саволимни бердим:

— Бўзда ишлаганингизга олти йилча бўлибди. Бу ернинг одамлари ҳақидаги таассуротларингизни айтиб берсангиз.

— Бўзнинг одамлари олтин одамлар, — деди секретарь вазмин. Содда, ишчан, самимий. Районимизда 12 колхоз, 2 совхоз бор. Деярли ҳаммасига ёш кадрлар раҳбарлик қилшади. Биз колхозчиларга 800 та янги типдаги уй солиб бердик. Илгари йилига 300 хўжалик кўчиб келиб, 300 хўжалик кўчиб кетарди. Энди ҳамма ўтроқлашиб қолди.

Райкомга етиб келдик. Абдурашид акани эшик олдида уч-тўрт киши кутиб турибди: пахта ийғим-терими ҳақида кичкина маслаҳатлари бор экан. Мен секретарь билан хайрлашиб, сал нарида мени кутиб турган ҳамроҳимни излаб кетдим. Борсам, у «Москвич»нинг радиосини ванг қўйиб ўтирибди. Диктор ҳар бир сўзини чертиб гапирапти:

— Ҳар кунги ваъхонликдан бир кунги жонбозлик яхши!..

Дикторнинг бу сўзлари ҳозиргина хайрлашганим — тиниб-тинчимас, ўторак коммунист Абдурашид Исмоиловга қарата айтилаётгандек эди.

А

НДИЖОН манзаралари жуда антиқа. Кўм-кўк воҳалар, яшил пахтазорлар, боғ-роғ, обод ва чароғон қишлоқлар бирига туташиб кетган. Ана шу ям-яшил боғ-роғлар орасида ўт-ўлани сомон ранг адирлар чўзилиб ётибди. Воҳаларда дехқонлар, боғбонлар ҳар йили экин ўстирадилар. Адирлар эса яқин-яқингача ташландиқ ва унумсиз ҳисобланиб келарди.

Адирларимиз асрлар давомида ўз бағрида катта бойлик — нефть ва газ запасларини яшириб келаяётгани дастлаб 1937 йилда маълум бўлди. Адирлар бағрида аввалига яккам-дуккам, кейинча ўнлаб нефть қудуқлари қазилди. Мана, бугун Андижоннинг қайси адирига боқманг, ҳаммасида нефть вишкалари ва оппоқ ўлган резервуарларга кўзингиз тушади. Бугун Андижон областини шуларсиз тасаввур қилиш қийин. Дарҳақиқат, Андижон — кейинги ўн йиллар ичида республикамизнинг муҳим нефть базасига айланиб қолди. Республикаида ишлаб чиқарилаётган нефть хом ашёсининг ўндан олти қисмини Андижон области бермоқда.

Шу пайтгача Андижонда тўрт-беш кон идораси бор эди. Нефтичилар ўзларининг байрамлари арафасида бу идораларни ягона бошқармага бирлаштирдилар. Эндиликда «Андижон-нефть» бошқармаси собиқ кон идораларининг вазифаларини ўз зиммасига олди. Бундан кўзланган мақсад — нефть участкаларига раҳбарлиқни яхшилаш ва ортиқча штатларни қисқартиришди.

Андижон нефтчилари шу кунларда КПСС XXIV съездида астойдил тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар йил бошидан бери планга қўшимча 30 минг тоннага яқин нефть, 12 миллион кубометр газ чиқардилар. Меҳнат унумдорлиги ошди, нефть билан газ чиқариш таннархи арзонлашди. Бу ютуқларни биз прогрессив технологияни, нефть чиқариш усулларини кенг жорий қилиш ҳисобига қўлга киритдик. Булардан айниқса қатламга сув ҳайдаш, қудуқларни электр йўли билан иситиш ва бошқа усуллар кенг қўлланилди. Биз илгари ташлаб қўйилган қудуқларни қайтадан ишга солмоқдамиз.

Андижон нефтчилари нефть оқимини кўпайтириш борасида мамлакатимизнинг турли районларидаги ҳамкасбларининг тажрибаларидан илоҳи борица кўп фойдаланмоқдалар. Уларни ҳам янги-янги технологик усулларни жорий қилмоқдалар. Айниқса нефть тортиб олиш

жараёнини бир жойдан туриб бошқаришни механизациялаштиришда андижонлик нефтчилар катта маҳорат кўрсатдилар. Илгари ҳар бир оператор ёзининг жазирама иссиғида, қаҳратон қишда 600 метрли чуқур қудуқлар олдига бирма-бир бориб, насослар ҳаракатини текшириб қайтар эди. Эндиликда бунга эҳтиёж қолмади. Оператор махсус жиҳозланган хонада ўтириб, бир неча километр нарида ер қаъридан нефть сўраётган насосларнинг ҳаракатини, хом ашё миқдорини кузатиб туради. Ақлли

ТУГАНМАС ХАЗИНА

механизм бутун бир кондаги неча юзлаб қудуқларнинг ҳаммаси ҳақида тўла маълумот бериб боради. Навбатчи оператор махсус тугмачани босиб бир насоснинг дам олишига «руҳсат беради», бошқасини ишга туширади. Бу қулайликлар кон операторларининг меҳнатини анча енгил ва завқли юмушга айлантирди.

Ҳозиргача кончиларимиз палеоген ва неоген қатламларидан хом ашё олиб келдилар. Техника такомиллаша бorgan сейин пармаловчиларимиз ёрнинг чуқур қатламларига қўл солмоқдалар. Бу нарса нефтчиларимизда янда катта ишонч ва умид тугдирмоқда. 1967 йилдан бунён «Фарғанабуғи нефть» трестининг пармаловчилари ҳозирги конлар остидаги бўр, юра қатламларида нефть ва газ борлигини аниқладилар. Бундан ташқари, Ғарбий Бурдалиқда 4500, Чуст — Поп оралиғида 5800, Учқўрғон яқинида 4200 метр чуқурликда қазилган қудуқлар нефтчиларда катта умид уйғотмоқда. Ҳозир синов учун Марказий Фарғонада 6500 метрлик қудуқ қазига тайёргарлик кўриляпти. Олимлар ва мутахассисларнинг Фарғона водийсининг чуқур қатламларида нефть ва газ бўлиши керак деган тахминлари тўғри чиқмоқда.

Бўстон, Андижон, Жанубий Оламушук, Хўжаобод участкаларида янги қатламлардан очилган нефть миқдори Андижон «қора олтин»ини яна ҳам кўпайтириш имконини беради. Хўжаобод, Бўстон, Жанубий Оламушукда очилган янги нефть булоқлари Ғарбий Ползонтош, Хартум, Андижон, Қўрғонтепа, Шимолий Оламушук каби майдонларда қимматбаҳо хом ашё мўллицидан дарак бермоқда. Шунинг учун зўр ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда ҳозир олинётган нефтдан бир неча баравар кўпроқ хом ашё чиқариш мумкин.


Энди Андижон нефтини кўпайтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган азаматлар ҳақида икки оғиз сўз. Булар — янги конларни қидириб топаётган пармаловчи-разведкачилар. Булар — нефть қудуқларининг самарали ишлашини таъмин этаётган операторлар. Булар — нефть оқимининг камайиб кетишига йўл қўймаётган ер ости ремонт бригадаларининг жонкуяр аъзолари. Булар — нефтни инженерлар, геологлар, иқтисодчилар ва бошқа ишчи-хизматчилар. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасини сидқидилдан адо этиб, беш йиллик топшириқларини мuddатида олдин бажаришга бел болаган.

Мен уларнинг отларини фахр билан санаб чиқар эдим: Отабола Қамчев, Ҳасан Мадрохимов, «Ползонтош» майдонида меҳнат қилаётган Холмамат Нишонов, Фахри Осмонов, «Хўжаобод» участкасидан Назиржон Ҳожибоев, Мамазулун Тўйчибоев... Афсуски, уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш учун бу саҳифаларда жой етмайди.

Назиржон Ҳожибоев «Хўжаобод» участкасида нефть ва газ чиқариш оператори. Бу кишига бириктирилган қудуқлар зулуксиз ишлади, уларнинг механизмлари ҳаммаша тоза. Назиржоннинг ота-боболари ҳеч вақт қўғилим нефтчи бўлади, шундай катта чуқурликдан нефть чиқаради, деб ўйламаган. У ҳозир кексалар кўзига бир мўъжизакордек кўринади. Назиржон йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида мана шу «Хўжаобод» участкасида ишлаб келади. Шу вақт ичида илмий-техник билимини оширди, ишончли нефтчиларимиздан бўлиб қолди. Коллектив Назиржоннинг кўрсатган хизматларини ҳисобга олиб, уни район Советига депутат қилиб сайлади.

Андижон нефть конлари бундай аjoyиб кишилари билан ҳақли равишда фахрланади.

Юнусали ПИРИМҚУЛОВ,
«Андижоннефть» бошқармасининг бош геологи



Андижон Машинасозлик заводидан Урта Осиёда энг йирик металл қуйиш цехи ишга туширилди.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Халким олқасига даст кўтаради:

Тўрт миллион

тўрт юз минг...

зўр хирмон!

Бу бонг олам бўйлаб таралди,
Саҳар бедор қалблар шодумон —
Тўрт миллион тўрт юз минг...

зар хирмон!

Жўякларда қувнаб шилдирайди сув,
Шиддат билан ерга санчилар кетмон.
Терлар тупроқ узра кўйлар дув-дув,
Хирмонда шақирлаб қайнайди қумгон —
Тўрт миллион тўрт юз минг,
зўр хирмон.

Радио, газета

қутлар.

мадҳ этар.

Шаҳар кўчаларида шнорлар бесон.
Мажлислар,

олқишлар,

мажбуриятлар...

Янги марраларга сўз берар деҳқон:

Тўрт миллион

тўрт юз минг...

Ҳа, олтин хирмон!

Тоғлар, океанлар,

қитъалар оша

Оқ карвон бормоқда, сўнги йўқ карвон!..

Карвонбоши ўзбек йўлда ҳамиша,

У йўллар ойдиндир,

чексиз

ва

равон —

Тўрт миллион

тўрт юз минг

зар хирмон!

Ер шарини чулғар қуёшнинг шуъласидай,

Қуёшга чиқса инсон у — илак нарвон.

Олам бўйлаб янграйди дўстлик ашуласидай

Бу қўшиқ узилмас

ҳеч қачон,

ҳеч қачон —

Тўрт миллион

беш юз минг,

... беш миллион!..

Қамчибек КЕНЖАБОВ

Муҳожир

Беллари букчайган, соқоллари оқ,
Ҳассага таяниб туради — гарант.
У зимдан сўнлардан бизларга узок,
Саломга лаблари жуфтланур аранг.
Кўп йиллар бўлибди юртдан кечмиш,
Кўрар «пешанага ёзилган неки...»
Аммо у тинчимас, тарқатар миш-миш,
Гадолар рақиб — «бекларнинг беги...»

Олимжон ХОЛДОР

ҲИММАТ

ЭРГАШ ота ҳар куни адирга мана шу сўмоқдан чиқиб кетади. Гира-шира қоронғи тушганда яна шу сўмоқдан уйига қайтеди. Иш қизиган пайтда эса ёш-ялангга бош бўлиб, қирдаги шийпонда тунаб қолади. Илгари колхозга аралашиб турарди-ю, лекин Ербошидан четга чиқмасди. Икки йилдири, ота ўзгарди-қолди. Тўқсон ёшга кирганида кўнглида бир ҳавас уйғонди. Колхозчилар неча замонлардан бери қакраб ётадиган адирларга пўлат қувурларда сув чиқариб тонна-тонна пахта ундирляпти. Шийпон ҳам қуршибди. Уша шийпон атрофида озгина боғи бўлса нур аъло нур эди-я!

Ота бу фикрини раисга айтди. Раис ҳазилга олди:

— Пенсия пули камлик қиялпими, ота?
— Камлик қиялбатгани йўқ, ука. Бизни бу дунёга боғлаб қўйгани йўқ, инсондан ном-нишон қолиши керак-да,— деди Эргаш ота жиддий оҳангда. Раис кўнгил овлади:

— Шунча боғлари ном-нишон эмасми? Меваларини бутун колхоз еяпти, қолаверса, мамлакатнинг ҳаммаёғига жўнатылмиз.

— Бу гапингиз тўғри, лекин бир кўнгилладим-да, раис. Раъийини қайтарманг, ўша қирда беш гектаргина боғ қилиб берай. Эслаб юрасизлар...

Бу сафар раис гап қайтармади. Отанинг қўлини олиб, маҳкам қисди.

Бу бултурги гап эди. Эргаш ота ток қаламчаларини ўтқазиб бўлиб боғ ичига чигит экди. Йил охирида ҳисоблаб кўришса беш гектар ердан 34 центнердан ҳосил кўтаришибди.

Бу йил яна ўша боғда пахта етиштирмаган, деб, звено бошлиғи бўлди, раис билан гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга қўл олишди.

...Эргаш отани қирдаги боғдан топдим. Ҳаммаёқ тоқзор-пахтазор. Табиатда ўхшаши йўқ. Отанинг боғ-пахтазори шу қадар баланд-даки, у ердан бутун Андижон, сўлим боғлар, ўмровли тоғлар, нефть ҳавозалари баралла кўзга ташланиб туради. Майин қир шамолли эсади. Кучли насослар тортаётган сув ариқларни тўлдириб оқиб ётибди. Бир неча метр пастандан адир қиялаб тепаликка тирмашган катта қувурларни кўрмаган одам қирда бунча мўл-кўл сув оқишига ишонмайди.

Эргаш ота пайкалдан бир этак пахта кўтариб чиқди. У баланд бўйли, содда бир киши. Бутун ҳаёти меҳнат билан ўтаётган бобо деҳқон. Унинг олпоқ соч-соқолига, ажин босган бугдойранг юзига боқиб меҳнатқаш Андижонни, суяғи меҳнатда қотган андижонликларни

кўрдим, ҳис этдим. Андижонда Эргаш ота сингарилар камми?

Отанинг бу ҳиммати ёшларга ибрат бўлди, уларни ўйлашга мажбур этди. Унинг оғир ишга қўл урганга ҳамма тасанно айтади. Қариган чоғида ўзини қийнамай, тинчгина ётаверса бўларди-ку! Бу одам қариган чоғида шунақа ишласа, ёшлигида қандай меҳнат қилди экан! Юрагида ўти бор кишиларгина шундай қилишади. Меҳнат барча ноҳушлиқнинг давоси, меҳнатдан қувончлироқ нарса йўқ, деб биладиганлар шундай!

Эргаш ота воқеаси менга Исомиддин Арабов, Манноп Жалоловларни эслатади.



Фурсат ганимат.

С. БЕЗНОСОВ фотоэтойди

Анорбой ҚУРНОБОВ

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Съезддан съездгача

РЕСПУБЛИКАМИЗ ёзувчиларининг V съезидан буён беш йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу давр ўзбек совет адабиётининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Кўп миллатли совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиёти, барча қардош адабиётлар қатори, қаҳрамон халқимиз билан ҳамisha ҳамнафас, унинг буюк ишларида актив иштирокчи, ёрқин орзуларининг ифодачиси, коммунистик тарбиянинг ақтуал вазифаларини бажаришда коммунистик партиямизга содиқ кўмакчи бўлиб келди. Бу давр ичида бўлиб ўтган буюк тарихий воқеалар, айниқса Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги, доҳийимиз, устозимиз Владимир Ильич Ленин тўғилган куннинг 100 йиллиги сингари унутилмас байрамлар ва бу муносабат билан халқимиз ҳаётининг мислсиз ижодий меҳнат пафоси адабиётимизнинг ҳам жанговар руҳини янада оширди, халқ ҳаётини кенг ёритувчи поплотноларнинг яратилишига олиб келди. Бу шонли саналарга тайёргарлик йилларида, бу тарихий кунлар муносабати билан эълон этилган ижодий конкурслар давомида майдонга келган салмоқли асарлар ҳозирги замоннинг энг ақтуал проблемаларини ёритиб билан бирга, ҳаётни санъаткорона таҳлил этиб, кенг ижтимоий, гоаяий-бадий умумлашлар беради. Гафур Ғуломнинг бу йил Ленин мукофотига сазовор бўлган поэтик асарлари; Неру ва «Нилудар» мукофотлари лауреати Зулфичининг ижодидаги кўтарилиш, Миртемирнинг Ленинга бағишланган шеърли туркумлари; Куддус Муҳаммад ва Мирмуҳсин, Туроб Тула ва Рамз Бобожон шеърлари; Сергей Бородин, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Михаил Шевардин, Назир Сафаров, Шомил Алядин, Раҳмат Файзий, Александр Удалов, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Тўлек Қаипбергенов, Одил Екубов, Ҳасим Назир ва Пиримкул Қодировнинг роман ва повестлари ҳамда бошқа кўпгина асарлар шундай етуқлик мисоли бўла олади.

Бу йилларда яратилган энг яхши асарларни таҳлил этиб дадил вайтш мумкинлиги, адабиётимизда социалистик реализмнинг энг муҳим принциплари — коммунистик партиявийлик, юксак гоаяийлик ва халқчилик яна ҳам чуқурашди. Ҳозирги замоннинг энг муҳим темалари — меҳнат ва коммунистик муносабатлар, ватанпарварлик ва юксак коммунистик ахлоқ, халқлар дўстлиги ва интернационализм — асарларимизнинг беш маззуини белгилайдиган бўлиб қолди. Замондошларимиз ва айниқса ленинчи коммунистларнинг ижобий образлари китобларида муҳим ўрн эгаллади. Шу билан бирга, тарихий-революцион темалар янада чуқур ишланиб, кекса авлоднинг шонли революцион традициялари эзил бадий ифода топилаётгани, бу келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг жанговар ватанпарварлик руҳида тарбияланишига катта ёрдам беради.

Сўнги йилларда адабларимизнинг зарбардаст устозлари Гафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода сафимиздан кетди. Бу оғир йўқотишлар ижодий кучларимизга мислсиз катта масъулият юклайди: биз, ёзувчиларнинг барча авлодлари аҳил ҳамкорликда ишлаб, устозларнинг гоаяий сабот ва маҳорат традицияларини давом эттириш билан бирга, уларни янада ривожлантиришимиз,

қардош адабиётларнинг ижодий тажрибаларини тинмай ўлаштириб боришимиз, адабиётимизнинг соф гоаяийлик, юксак бадийлик байроғини ҳеч қачон қўлдан бермаслигимиз керак. Бунинг учун бизда талантлар ҳам, барча ижодий-ташкилий имкониятлар ҳам бор; Бунга республика партия ташкилотларимизнинг доимий ғам-хўрлиги ва раҳбарлиги гаровдир.


Маданий ҳаётимиздаги яхши ҳодисалардан бири — ижодий ташкилотларимизнинг ўзаро актив ҳамкорликда ишлаб бошлаганидир. Бу кўп сонли санъат ва адабиёт ўн кунликлари ҳамда ҳафталикларининг муваффақиятли ўтишига ёрдам берди. УЗКП Марказий Комитети ташаббуси билан ўтган қўшма ижодий пленумлар санъат ва адабиётнинг мураккаб масалаларини ечиб берди. Ўзбек ижодий интеллигенцияси, шу жумладан ёзувчиларнинг халқаро алоқалари кенгайди, ўзбек ёзувчилари Осиё — Африка ёзувчилари прогрессив ҳаракатининг актив иштирокчилари бўлиш билан фахрландилар. Шу муносабат билан, адабиётимизда тинчлик ва дўстлик учун, колониализмга қарши кураш темаси кенг ёритила бошлаганини қайд этиб ўтиш зарур.

Сўнги йиллар давомида адабиётимизнинг умидли ёш авлоди етишиб чиқди. Энг яхши асарлари учун республика комсомол мукофотига сазовор бўлган Эркин Воҳидов ва Улмас Умарбеков, доҳийимиз Ленинга бағишланган яхши поэтик асарлар яратган Ҳусниддин Шарипов, шеъринг муҳлисларининг ихлосини қозонаётган Абдулла Орипов ва бошқа ёшлар энди адабиётнинг йирик масъулиятли муаммоларини ҳал этишга жазм қилсалар бўлади. Марксистик назарияни муттасил ўрганиб, халқ ҳаётига яқинроқ туриб, тематик доираларини тобора кенгайтирсалар — бу вазифа уларнинг қўлидан келади.

Ўзбекистон адабиёти — кўп миллатли адабиёт. Унда ҳамма жанрлар ривожланмоқда. Ҳозир республика ёзувчилар уюмаси ўзининг ижодий-ташкилий қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам фолдор қилолмай қила билиши керак. Хали баъзи соҳалар орқада, айниқса, адабиётнинг назарий масалаларини ишлашда, бадий таҳлилда, мезонлар белгилашда юзакилик бор, драматургия алоҳида эътиборни талаб қилаётир, бадий таржима ишида ҳам кўпгина нуқсонлар учрайди. Аминимизки, яқинда чақириладиган съездимиз бу каби ижодий масалаларни батафсил муҳокима қилажак.

Ўзбекистон ёзувчиларининг VI съезди ажойиб тарихий кунларда тўпланаятир. Ҳозир халқимиз баланд руҳ билан ғолибона беш йилликка яқун расомда, жонажон Коммунистик партияимизнинг тарихий XXIV съездига шонли меҳнат соғалари ҳозирламоқда. Республика ишчи синфининг, моҳир пажтакорларимизнинг ғалабалари ҳар бир санъаткорни янги илҳомбахш ижодга руҳлантириш билан бирга, унинг халқ олдидаги масъулиятини ҳам оширади.

Биз аминимизки, ёзувчиларимиз ўз съездларида энг муҳим ижодий вазифаларини аниқ белгилаб оладилар ва уларнинг тарихий XXIV съезд олдида зўр ғайрат билан бошлаган ижодий меҳнатлари муносиб самара беради, янги беш йиллигимиз эса янги ижодий юксалиш йиллари бўлади, халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатига муносиб юксак асарлар яратамиз.



УЙГУН,
Ўзбекистон халқ шоири

Ғўзаллик ахтариб...

Ғўзаллик ахтариб аллақайларга
Бориб юрадиган тентак эмасман.
Атрофдан ғўзаллик топа олмаган
Шоирни ҳеч қачон шоир демасман.

Ғўзаллик тегранги қуршаб ётибди,
Энг ғўзал ғўзаллик ҳаётнинг ўзи!
Халқнинг меҳнатига ғўзаллик сонсиз,
Ғўзаллик манбан — донолар сўзи.

Навоий ғазали, Пушкин шеърлар
Ғўзаллик чамани қулф урар ҳамон.
Ғўзаллик нақшида Ғўри Амрининг
Мавжуддир, — уни маҳв этолмас замон.

Ғўзаллик инсоннинг хулқи, дилида,
Ғўзаллик инсоннинг ақлу ҳушида,
Ғўзаллик инсоннинг муҳаббатда,
Дунёга зеб берган шонли ишида.

Ғўзаллик — яратиш, барпо этишда,
Ғўзаллик жўш урар июлда доим.
О, дилинг дарёдай чайқалиб кетар
Ғўзаллик кўзлардан боқса мулоим.

Бизни қуршаб олган табиатин сев,
Табиат азалдан ғўзалликка бой,
Дўстим, сени мафтун этмасми, ахир,
Ватан боғларидега яшнаган чирой!

Кумушни ҳайратга солган чаноқда
Қанча ғўзаллик бор, синчилаб қара!
Ғўзаллик жилмавр олтин бошқонда,
Ғўзаллик ёстанмиш чаманлар ора.

Ҳар ердан ғўзаллик топиши мумкин,
Кунт билан ахтарса шоирнинг кўзи.
Ғўзаллик тегранги қуршаб ётибди,
Энг ғўзал ғўзаллик ҳаётнинг ўзи!

Шоир қалби

Шоир қалби дарё, тўхташни билмай,
Ҳайкириб, қўпириб, қайнаб оқувчи.
Шоир билан бирга оқар, жўш урар
Шеър гирдобига тушган ўқувчи.

Тўлқинли денгиздир шоирнинг қалби,
Ҳўсси шалолалар, ҳаяжон сел.
Шеър билан дилга ҳаяжон, тўфон
Солмас шоирни севадимиз эл!

Шоир қалби қўлмак сувга айланса
Шеъринг йўқоли унинг дидидан.
Қўлмак сев ачийди, биқийди сасиб,
Инсон ҳазар қилар қўлмак ҳидидан...

Сендадир Хаёлим

Шухрат

Баъзи бир маддоҳнинг сўзига учма,
Маддоҳлик қилишдир маддоҳнинг иши.
Оқибат шухратдан қуруқ қолади
Маддоҳнинг сўзига алданган киши.

Шоир шухрат учун шеър ёзмайди.
Вақти билан шухрат ўзи келади.
Насллар ёнига асрлар оша
Шоирнинг ўзимас, сўзи келади.

Лабларинг...

Икки қизил гул япрогидан
Яралганми нафис лабларинг!
Галларингга муштоқман, гапир,
Дилга ором берар галларинг.

Сен гапирсанг ишқ мадхи бўлиб,
Лабларингдан сочилар галлар.
О, бу лаблар қаргаш учунмас,
Бўса учун яралган лаблар...

Сендадир хаёлим...

Сендадир хаёлим, сенинг хаёлинг
Узга бир одамда, яхши биламан.
Аммо, узоқламай кўнглимни сендан,
Толем ш бўлса қандоқ қиламан...

Сен яшаган шаҳар менга ҳам маскан,
Сен юрган йўллардан мен ҳам юраман.
Узинг хабарисизан, аммо ҳар кун
Ўтган-кетганида қараб тураман.

Мен ҳам сайр этаман сен юрган боғда,
Юзингга термушиб узоқ-узоқдан.
Дил ишқ тузоғига, қанча ўринмай,
Бўшата олмадим ўни тузоқдан.

Мусаффо ҳаводан сен нафис олган,
Мен ҳам қониб-қониб нафағ оламан.
Дайта олмасману кўнглимни, аммо
Ишқимда, аҳдимда содиқ қоламан.

Ишқимни айтганда нима дер эдинг!
Нима қилар эдинг! Билмайман, гўзал.
Аммо, нима десанг дегил, бари бир,
Севгига хиёнат қилмайман, гўзал.

Узоқдан бўлса ҳам кўриб юрайин,
Шу менга кифоя, шу менга мадор.
Донио омон бўл, шудир тилагим,
Салимий севгимдан хабарсиз дилдор...

Сенсиз

Юзингни қуёшга ўхшатдим, гўзал,
Энди сенсиз менга ёрур кун йўқдир.
Сенсиз хавф остида қолар ҳаётим,
Айрилиқ қалбимга отилган ўқдир.
Агар жилмаймасанг бахтим яшамас,
Толем гулшани сўлади сенсиз.
Узинг барпо этган севги эҳром,
Ҳеч шубҳасиз, хароб бўлади сенсиз.
Жамолингдан маҳрум этмагил мени,
Яшашим мумкинми қоронги тунда!
Сенсиз ўтган умр, тириклик, ҳаёт
Кўлга нишан эрур, оёққа кунда...
Сени қуёшим деб атадим, энди
Мен учун яшмоқ қийиндир сенсиз.
Кўз ёшларим тўфон, ҳасратим денгиз,
Оҳим алангали қунондир сенсиз.
Тинган шалоламан, сўнган вулқонман,
Кукунга айланган қояман сенсиз.
Инграган садоман, ишқингда гадоман,
Жисми йўқ шарпаман, сояман сенсиз.
Сени қуёш дедим, қуёшлик қилу
Мени маҳрум этма ҳароратингдан.
Мен чинки тибҳман сенга интилган,
Четда қолдирмагил саховатингдан.



Индамас...

Кўзи менга тушган захоти
Ловлағидай қизариб кетар.
Сабабини билмайман... Ахир,
Дайта қолса кўнглини, нетар!
Севганими, уялганими!
Билдирмасдан қолдирди доғда...
Уни пойлаб, кўзим тўрт бўлиб,
Ўтираман ҳар кун боғда.
Ҳар кун келар боққа, — индамас,
Мени кўриб қизарар ҳар гал.
Севганими! Уялганими!
Бу жумбоқни этолмадим ҳал.
Индамайди, мен ҳам индамай,
Орқасидан қараб қоламан.
Шунда юрак орзиқиб кетар,
Оғир-оғир нафас оламан.
Мени кўриб қизарар, аммо,
Дилдагини айтмас тил билан.
Балки айтмас кўнглини гўзал,
Сезиб ол деб, ўзинг дил билан!..

Бахтиёрман

Бахтиёрман, гулузорим, дунёда сен бор учун.
Айласам дунёни жаннат оз эрур сен ёр учун.
Бахтиёрман, энди бахтим кўрмағай фасли хаёзон,
Боғбон бўлдим сенингдек юзлари гулзор учун.
Койисанг бардош берурман, чулки бўлбул боғ аро
Кўксини қалқон қилармиш гулда битган хор учун.
Қанча меҳрим бўлса тўққайман оёғинг остига,
Жон нисор этсам ҳам арзир сен каби дилдор учун.
Дейдилар кўзлар қуёшга тоб беролмай ёшланур,
Кўзларим ёш тўкса не тонг кўзлари хумдор учун!
Мен муҳаббат қадрини кўкка кўтарилган мадҳ этиб,
Баъзи бир номард кўлнда эзгу севги хор учун.
Яхши инсонлар билан дунёга келдим, жонгинам,
Кўхна дунёга мурувват, яхшилик даркор учун.
Сен билан бу кўхна дунё менга жаннат, Уялганим
Дунёни тарк этмағай ҳеч, дунёда сен бор учун.

Б

УРҲОН ота муродига етди.
Мўъжазгина ҳовлиси
ҳар кунгидан кенгайиб кет-
гандек. Тўйга келайтган
меҳмонларнинг кети узи-
майди. Ота узоқ йиллар
фарзанд доғда куйиб,
нихоят кексайганида кўр-
ган яккаю яғона ўгли Қобилжонни уйлари-
тирляпти.

Дастурхон устидаги ноз-неъматларнинг
хиллини санаб адоғига етолмайсиз. Ҳа, бу-
гун кечкурун келин келади. Бурҳон ота-
нинг шинам ҳовлисига, бут рўзгорига яна
файз киради, барака қўшилади. Бурҳон
ота ҳовли айланиб меҳмонларга мулоза-
мат кўрсатаркан, беихтиёр ўзининг уйлан-
ган пайтини эслаб кетиб.

... Юрт бошига оғир кунлар тушган,
босмачилар кутурган давр. Омад ҳам,
ташвиш ҳам эгиз деганларидек босмачи-
лар тортиб олгани елмаганидек, уч йил
муттасил юз берган қуроқчилик эз тин-
касини қуритган. Кунинга бир маҳал қозони
қайнаган оила ўзинга тўқ саналади. Кўп хо-
надонларнинг қозони ўноқ бошига келмай
қўйган-гита бир неча ойлар бўлган. Киши-
лар кўксидан алам, қайғу-ҳасрат нечоғли
бўлмасин, очарчилик тинкасини қуритма-

ТҮЙ

ҲИКОЯ

син, турмуш ўз йўригида давом этар, қиз-
лар эрга чиқар, йигитлар уйланиб эдилар.

Куни кеча Бурҳонжоннинг тўйи бўлди.
Аммо тўйида ўзинга ош тегмади, деса му-
болагаси йўқ. Толганларини юрт катталар-
и, беш-олти оқ саллаларига тортдилар.
Келинчак Бурҳонжон сингари камбағал
оила боласи эди. Қош-кўзлаби қоп-қора.
Тўйиб овдат емаслигидан бўлса керак,
кўзлари ич-ичига ботиб кетган. Билакларай
оппоқ, момқидек, аммо кафтига қадоқлар
маржон солган. Келин-куёв эртасига эрта-
лаб чимилдикда ўтиришар, эшик томон
«тик» этса нонушта олиб келишартирмакча,
деб кўзлари олазарак. Буни бир-бирлари-
га сездирмасликка уринишарди.

Нихоят, ҳовли томондан гўзапоянинг
чирсиллаб сингани, тандирда гуруллаб ёна-
ётгани эшитилди. Бурҳонжон ўрнидан су-
рилди-де, эшикдан мўравади.

— Аям зогора нон ёпаяпти. Сиз ҳам нон
ёпишни биласизми?

Келинчакнинг нондек силлиқ ёноқлари-
га қизиллик югурди.

— Мен жўхори хамирига пиёз қориб
нон ёпишни ҳам, бугдой нон ёпишни ҳам
билман.

Бурҳонжоннинг кўзларига ғамгинлик
чўкди.

— Бултур дадам билан кўргончамига
ярим қоп бугдой сепган эдик. Қуроқчи-
ликда битмади.

Ҳаял ўтмай, келин-куёв ўтирган уйни
пиёз солиб ёпилган иссиқ зогора ноннинг
иштаҳани қитиқловчи ҳиди тугиб кетди...

Бурҳон ота кузда учиб юрган мезонга
ўшшаб хаёлида жонланган хотираларини
ҳайдамоқчи бўлгандек бошини бир сил-
кичга олди. Тўкин дастурхон атрафида
китизин суҳбат қуришайтган ҳушчақчақ меҳ-
монлар истиқболига юрди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ





Турдихон Мақмудова ўрта мактабни тугатгач, ота-боболари йўлини — деҳқон йўлини танлади.

У. РАҲИМОВ фотоси

КИРҚ қиз... Беихтиёр бири биридан сулув, қиличдай қизлар намоён бўлади кишининг кўз олдига. Уларнинг орасида Турдихон бир оз қисқа, ўйчан кўзлари, офтобда қорайган чеҳрасидаги ёқимли жилмайиши, ҳаммаша тўлқинланиб, тошиб гапиришлари билан ажралиб туради.

Турдихон ёшлигида دادасидан кўп ривоятлар, ҳикоятлар эшитарди. Бир куни دادаси Батрақобод тарихидан гапириб берди.

Батрақобод инқилобдан илгари қақраб ётган, қовжираган янтоқзор экан. Қачонки, инқилоб бўлгандан кейин бу ерга Избоскан (ҳозирги Маданият) қишлоғидан асрлар бўйи ерсиз ўтган батрақлар оқиб кела бошлабдилар. Улар сув чиқариб, бу ерда деҳқончилик қи-

либдилар, колхоз тузибдилар. Даштнинг қиёфаси ўзгариб обод бўлибди. Шундан қишлоқнинг номи Батрақобод бўлиб кетган экан. Аммо уруш бошланиб, энди гуллаётган ер қаровсиз қолибди. Батрақободга инсон қадами уруш тугагач етибди. Яна Батрақободга жон кирибди. Бироқ деҳқонлар бу ерга экин-тикин қилишар экан-у, кузда ҳосилни йиғиштириб, жўнашаркан. Муқим яшаб ишлашга ҳеч кимнинг тоби йўқ экан....

Дадасининг гаплари Турдихонга тинчлик бермай қўйди: наҳотки инсонларнинг асрий орузси рўёбга чиқмаса? Ерга номгагина экин экиб, банд қилиб юрилса? Бунга барҳам бериб бўлмасмикан?

Бу орада Турдихон ўрта мактабни тугатди. У битта йўлни танлади — деҳқон йўлини. Бу йўлнинг ҳамма машаққатларига чидашга аҳд қилди. Унинг юрагига пахтакор бўлиш, ота-боболарининг касбини давом эттириш орузси туғён урарди. Аммо бу орузларини кимга айтишни билмасди. Бир куни пайти келиб қолди.

1968 йилнинг баҳори. Тоғлардаги оппоқ қорлар эриб, ариқларда шоқкин сувлар бўтана бўлиб оқа бошлади. Қиш бўйи беозор уйкуда ётган ерга амал кирди. Экин-тикин яқин, вақт зиқ. Колхоз ёшлари Маданият массивидаги ҳар йили колхознинг ўн саккизта бригадасига бўлиб бериладиган ерларга пахта экиш масаласини ҳал қилиш учун тўпланган эдилар. Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Раҳмиддин Иномиддинов шу масалани ўртага ташлади. Музокарага чиққанларнинг аксарияти бу ердан ё воз кечиб, ё бошқа, оз меҳнат талаб қиладиган экинга алмаштириш кераклигини, бу массив қишлоқдан 20 километр узоқликда бўлганидан қатнаб ишлаш учун ноқулайлигини айтишди. Бу гапларни бир четда тинглаб ўтирган Турдихон тутакли кетди, беихтиёр ўрнидан қўзғалганини ҳам сезмади.

— Уртоқлар, биз ёшлар шундай деб, қўл қовуштириб турсак уят бўлмайми? Оталаримиз, ака-укаларимиз нима дейишади? Менда бир таклиф бор, балки уни амалга ошириб бўлмас, балки кулгили туюлар. Шундай бўлса ҳам айтиб олмасам кўнглим тинчмайди. Хўш, Маданият массиви узоқ экан, кексаларимиз, болали аёлларимиз у ерга бориб ишлашга қийналишар экан, биз ёшлар-чи.. Мен ўйлардимки, ана шу массивда қизлар бригадаси тузсак, бориб деҳқончилик қилсак, фақат колхоз раҳбарлари қизларнинг дидига лойиқ шариоат яратиб берса..

Мажлис ҳайъати ҳам, ўтирганлар ҳам жим бўлиб қолишди. Улар мана шу ушоққина қора қизнинг юраги бунчалар қайнар булоқ эканлигини энди кўришлари эди.

Салдан кейин ғала-говур бошланди. Кимдир: «Қизлар энди чуст дўппи кияр экан-да», деб кесатса, кимдир: «Турдихон тўғри айтади, деб қиқирди. Хуллас, тортишув ниҳоясига етиб, мажлисининг ўзидан-ёқ ўттиз қиз: «Мана, биз бориб ишлаймиз у ерга, бизни ёзинглар», деди.

Орадан беш-олти кун ўтгач, массивга бориб ишлаш хоҳишини билдирган қизларнинг сони эллик бешга етиб, Турдихоннинг таклифи колхоз правлениеси ва партия ташкилотига ҳам маъқул бўлди. Колхозда қизлар бригадаси тузилди.

Уша йили эллик бешта сара қиз Маданият массивига келди. Қизлар нозик таъб эмасми, дала шйпонига фэйз кирди. Узлари Бадий ҳаваскорлик тўғариғи тўздилар. Колхоз правлениеси ҳам уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб турди. Республика Қишлоқ ҳўжалик министрлиги эса уларнинг бунчалик ғайрат-шижоатидан мамнун бўлиб, қишлоққа қатнашлари учун битта автобус совға қилди.

Қизлар белни маҳкам боғлаб, уч юз гектар ерда деҳқончилик қила бошладилар. Олти ой тўқилган тер кузда лўппи-лўппи чаноққа айланди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан дурдона етиштирилди. Эл олдига қизларнинг юзлари тўлин ойдек ёруғ бўлиб «қирқ қиз» номи билан донг чиқардилар.

Кейинги йили қизлар Турдихонни бригада бошлиғи вазифасига кўтардилар. Колхоз правлениеси унинг бригадасига 70 гектар ер ажратиб берди. Турдихонлар бу йили ҳам зафар кучдилар. План ошириб бажарилди. Бригадир қизнинг ўзи пўлат бункердан юз тонна «оқ олтин» тўқди.

Яқинда қизлар ҳузурда бўлди. Бу бригада иккига бўлинибди. Иккинчи бригаданинг бошлиғи Инобатхон Исҳоқова Турдихон Мақмудова билан бир сафда ишлаган экан.

Иккала бригаданинг пахтазори бири-бирига тўташ иккови бири-бири билан мусобақадор, иккала бошлиқ бири-бири билан бамаслаҳат иш қилади. Турдихоннинг бригадаси 71, Инобатхоннинг бригадаси 61 гектар ерга пахта экибди. Ҳар иккисининг пахтазорига қараб завоқингиз келади: шохчаларда ҳали етилиб улгурьман шигил кўсақлар, чаноқларда қаймоқдай тошиб турган пахталар. Бу ҳосил қизлар кўзлаган қирқ центнерлик маррадан ҳам ортшига қаноат ҳосил қиласиз.

— Менинг бирдан-бир ҳавасим доктор бўлиш эди, — дейди Инобатхон. — Ҳозир медицина билим юртининг кечки бўлимида ўқияман. Мана, Турдихон опамнинг ўзлари Андихон пахтачилик институтининг иккинчи курсида сирдан билим оляптилар. Қизларимиздан Қаноатхон Давлатова, Матлубахон Мақмудова, Ҳодисахон Шерматова, Мухтасархон Шерматовалар — механизатор. Улар бу йил 80—100 тоннадан пахта теришмоқчи.

Офарин сизга, қирқ қизлар! Жасоратингиз дostonларда қуйлашга лойиқ.

А. ТУЛАНОВ

Избоскан районидаги «Правда» колхози

ҚИРҚ ҚИЗ

Б

УНДАН чорак аср муқаддам қаттол фашизм устидан қозонилган ғалаба одамзодни чексиз қувонтириш билан бирга, айнаи вақтда унинг инқилобий ва тараққийпарвар вакиллари зиммасига истиқбол учун буюк масъулият бурчини ҳам юклади. Қўнча замин ҳамон ў: ичида ёнар, Европа, Осиё ва Африканинг ўнлаб мамлакатлари вайрон; мотамзада хонадонларнинг ҳисоби йўқ; миллион-миллион юраклардан қон сизиб ётар эди...

Фашизмнинг дунёнинг қаерида бўлмасин яна бош хўтармаслигига, қонхўр мустамлакачилик аждаҳосининг тобора хуруж қилмаслигига қатъий қафолият берадиган чоралар кўриш, бунинг учун, аввало, жаҳон афкор оммасининг, эркин ва эркталаб халқларнинг ҳақли марғур овозига йўл очиб бериш зарур эди.

Фашизмга қарши узоқ ва оғир курашда фақат Европадагина эмас, бошқа қитъаларда ҳам соф виждонли шoirлар, адиблар, санъеткорлар мардона иштирок этдилар. Қанчадан-қанча нодир истеъдод эгалари ҳалок бўлди. Юлиус Фучик осилди... Муса Жалил қатл этилди... Лион Фейхтвангер қувгин қилинди... Нозим Ҳикмат ҳибсда тутилди... Файз Аҳмад Файз зиндонга ташланди... Султон Жўра жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...

Фашизм қурбонларини санаган билан ҳисобига етиб бўлмайди. У мудҳиш тарих тақдорланмаслиги керак. Фашизмни туғдирадиган вабо ўчоғи — империализм, мустамлакачилик йўқотилиши зарур. Бунинг учун ер юзидagi барча соф виждонли кишилар, шу жумладан курашувчи тараққийпарвар адабиётларнинг илгор арбоблари уюшишлари, курашишлари даркор.

Урушдан кейин эрксевар инсоннинг олий мақсадлари — озодлик, тинчлик, интернационал қардошлик, социализм учун, империализм, мустамлакачилик ва «янги мустамлакачиликка» қарши курашга бел боғлаган жуда кўп халқро муассасалар: Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Жаҳон касаба союzlари уюшмаси, хотин-қизлар, ёшлар, ҳуқуқшунослар, журналистлар, ёзувчилар уюшмалари ва бошқа ташкилотлар вужудга келди. Осиё ва Африка мамлакатлари тараққийпарвар ёзувчилар ҳаракати ана шулар қаторидаги жанговар ижодий ташкилотлардан биридигар.

Осиё ёзувчиларининг 1956 йилда Деҳлида ўтказилган Биринчи конференциясида ўзбек шoirлари Сулфия Совет ёзувчилари делегацияси номидан сўзлаб, навбатдаги анжуман икки буюк қитъа — Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияга бўлсин ҳамда у Тошкентда ўтказилсин, деб таклиф киритди. Бу таклиф қизгин маъқулланди. Уша кунларда Деҳлида ўтказилган мушоирада Шарқ шoir-

Ҳамид ҒУЛОМ

МУШОИРА ДАВОМ ЭТАДИ

лари эрксевар, курашувчи қалам аҳлининг бирлиги ва дўстлигини маъф этдилар. Севимли шoirрамиз Сулфиянинг «Мушоира»си ҳам уша кунларда туғилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари тараққийпарвар ёзувчиларининг 1958 йил октябр ойида Тошкентда ўтказилган конференцияси мазмуни ва қозонган эътибори билан бебаҳо аҳамият касб этди. Конференцияда Осиё ва Африканинг 37 мамлакатидан 204 ёзувчи ҳамда Европа ва Американинг 13 мамлакатидан 22 ёзувчи қатнашди. Жаҳон тараққийпарвар адабиётининг машҳур арбоблари Мулк Раҷ Ананд, Файз Аҳмад Файз, Нозим Ҳикмат, Мао Дунь, Хироси Нома, Лакшми Девкота, Марио де Андреаде, Марселино дос Сантос, Сембен Усмон, Ангел Тодоров, Уильям Дюбуа, Ян Дрда, Франсиско Колоане, машҳур совет ёзувчилари Тихонов, Симонов, Полевой, Софронов, Чаковский, Махди Ҳусайн, Мирзо Турсунзода, Ираклий Абашидзе, Мухтар Авезов, Берди Ғербобоев, Ойбек, Ғафур Ғулом, Расул Ҳамазтов, Мустай Карим, Георгий Леонидзе ва бошқаларнинг фаол иштирокида ўтган конференция мазкур халқро ёзувчилар ҳаракати катта кучга айланганлигини далолат беради.

Конференцияда «Тошкент руҳи» деган тарихий ибора туғилди. Бу — озодлик ва дўстлик, тинчлик ва ижодий ҳамкорлик руҳи; зулм ва истибдодга қарши, бахтли ҳаёт ва нурли истиқбол учун кураш руҳи эди.

Конференциянинг рамзий аломатида қудратли беш қўл бирлашиб тургани нақш этилган. Бу тасвир беш қитъа халқлари ва ёзувчиларининг бирлиги, ҳамнафаслиги ва ҳамкорлигини ифодалайди. Дарҳақиқат, Тошкент конференциясида ҳам, ундан кейин ўтказилган Қоҳира ва Байрут конференцияларида ҳам Осиё ва Африка ёзувчиларидан ташқари Европа, Америка, Австралия қитъалари ёзувчилари ҳам қатнашдиларки, бу яна бир бор мазкур ёзувчилар ҳаракатининггинакам ин-

тернационал моҳияти ва аҳамиятидан далолат беради.

Биз, ўзбек ёзувчилари, барча совет ёзувчилари билан бир қаторда Осиё ва Африка адабиётлари, айниқса ёш вама адабиётлар тараққийтига қўшаётган ҳиссаси билан фахрлансак арзийди. Икки буюк қитъа ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет Комитетиغا Шарқ Рашидов, Сулфия, Сарвар Азимов кўп йиллар давомида раҳбарлик қилдилар. Деҳлида ўтказиладиган навбатдаги IV Конференцияга қизгин тайёргарлик курилатган шу кунларда эса; бу мўътабар ижодий ташкилотга Комил Яшин раҳбарлик қилмоқда.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг адабий-бадий журнали «Нилуфар» ва улар учун тасвир этилган «Нилуфар» мукофоти адабий ҳаракатчилик ривожини авж олдиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Биз бу мукофотнинг дастлабки лауреатлари сафида халқ шoirрамиз Сулфия борлиги билан фахрланамиз.

Бизнинг мамлакатимизда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари асарларининг таржима қилиниши, нашр этилишига ҳар доми катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон нашриятлари ҳам ҳар йил ўнлаб китобларни босиб чиқармоқдалар. Худди шунингдек, совет адабиётининг, шу жумладан, ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари ҳам Шарқ халқлари тилларида кенг тарқалиб, бизнинг социалистик воқелигимиз, коммунистик курилишимиз ҳақида нақл этмоқда.

Мушоирамиз давом қилади. Учрашувларимиз, китобларимиз, мажлисларимиз, мактубларимиз дўстлар билан дийдорлашувгина бўлиб қолмай, булар, аввало, буюк Шарқ курашувчи қалам аҳлининг бирдмчилиги, ҳамкорлиги — зулм ва истибдодга қарши, уруш ва жаҳолатга қарши, эрк ва адолат учун, тинчлик, ҳамжихатлик ҳаракатидир.

Бу ажиб мушоирамизнинг истиқболи порлоқ.



Осиё ва Африка ёзувчиларининг 1958 йили Тошкентда қарор топган яндиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда.

Биз енгамиз

Менга дерлар: «Кел мавзун и ўзгартайлик,
Куйлагин
Юлдузлару гул ҳақида, ёмгир ҳақида».

Эҳ, дўстимам,
Қандай куйлай юлдузларни?
Тунд булутлар қоплагандир уларни.
Қандай куйлай ёмгини мен!
У Ал-Ариш, Ал-Қунайтир ва Наблуснинг
Ўқмларига сингиб кетган!

Сан дастурхон ёздинг менга,
Аммо Синай йўлларига, Иорданнинг ортида,
Сурна тоғларида ва Қунайтрада
Сингилларим кўз ёшидан,
Совганларим қонларидан
Ивиб кетган бурдаларини қандай олай
оғзимга!!

Уз уйдан икки бора қувгин этилган,
О, муқаддас тупроғининг жигарбандлари,
Сиз очликка, азобларга маҳкумсиз!
Ғарқ этилган боғлар ичра, аммо, изғир
бўрилар...

Агуштинью НЕТУ
Ангола

Нгуен Динь ТХИ
Вьетнам

Африка шеърятини

Унда, ҳув уфқда,
Аланга
Ва қўллари кўкка чўзилган
Баобабларнинг қоп-қора кўланкаси.
Ҳавода
Офтоб қовжиратган хурмолар ҳиди...
Африка шеърятини...
Йўлда
Маниока унига тўла қопларнинг
Залвари остида тизи титраган
Турна қатор ҳамлом балундлар?...
Хонада
Кўзлари ёқимтой мулат қиз
Элик, гуруч упасин
Юзига сурар,
Кийиб кўрар қуроқ латта-путтасин...
Тўшақда
Мажоли етмасдан ҳатто мудрашга
Халё бандасидир бир киши,
Ахир, у ҳам тебратмоғи керак рўзгорин,
Ташлаб кўйган дастурхонини очмоғи керак...
Осмонда аланга сурати
Ва қўллари кўкка чўзилган
Рақсага тўшаётган занжилар кўланкаси.
Ҳавода
Қайноқ маримба наволари...
Африка шеърятини...
Йўлда ҳаммоллар...
Хонада қиз...
Тўшақда киприк қоқмай
Халё сурган бир киши...
Жазиллатиб пуркайдн оташ
Оловли уфқца қўшилиб ер ҳам...
Африка шеърятини...

1 Баобаб — Африкада ўсадиган катта тропик дарахт.
2 Балунд — Анголада яшовчи халқлардан бири.

Қандай куйлай мен ёмгини!
Қумда қолди сингилларим паноҳсиз, нонсиз.
Қандай куйлай мен гулларини!
Босқинчининг пошнаси пайхон этди уларни.


Мен шу қадар истардимки, ўғлим,
Кўриб ўлсам ҳақиқатнинг тантанасини!
Лекин, афсус, у — виждони мудроқ дунёда
Сўйилмоқда бир қумда минг бор.
Мен шу қадар истардимки, Яффа ила
Ал-Жалилнинг

Тупроғини ўпмоқни
Ва Қуддусни бағримга босиб,
Ал-Халилдан ўтмоқни!
Эйлатда портлашларнинг юлдуз ўпар садоси,
Баниас жанглирида
Оловга қалқон бўлган йигитларнинг

Қуддусдаги, Наблусдаги,
Тоғлардаги ўқларнинг ҳуштаклари —
Ҳаммаси дилимга қувонч қуяди.
Қонларимга ишонч қуяди.
Биз енгамиз, биз енгамиз!

мардлиги,

ҲИКОЯ



Фу-лоӣ одамлари

Кўз ёшлар — юзларни куйдирган олов,
Сиртмоқдай қисади бўғизни ҳамон.
Ҳайқирчиқ учадн — туппордек асов
Сукунат қўйндан Жануби томон.

Биз шундай чорлаймиз дўстларини букун,
Ёвларга йўл бермас ўқлар жаласи.
Ватан осмонини бўғувчи тутун
Бамисли сим-сиёҳ қарга галаси.

Ана ва сингиллар, жанг қилдингиз запл!
Айтинг-чи ўзингиз, нечанчи йил бу —
Оҳанка қорилган гурунчин чайнаб,
Ичасиз қўланса кўлмаклардан сув!..

Пўст ташлаб иссиқдан баданингиз чўғ,
Қийноққа солади беҳудлик, алам...
Унда ҳаёт ҳам йўқ, яхшилик ҳам йўқ,
На бир йилт этган нур, қоронғу олам!

...Ғазабдан кўзғалган халқ, аммо, нотинч,
Қаҳридан ёғлар ёв устига тош.
Биз еган бир сиқим, бир ошам гуруч
Тазмидан томади оғу ва кўз ёш.

Гўдак овози ҳам, ёқимтой кўл ҳам,
Ғамдан кутқаролмас, кўнгиллар беҳуд...
Қандай ухлайкин биз тўшақда беғам,
Янқилар устидан бўлмайдик суд!

Қасоскор дилларда қасамдон шу ўй:
Охириги ёвузни йўқ қилмай туриб,
Қасос алангаси, шохиддир Фу-лоӣ,
Ловуллар вужудни қондан қўздириб.

Эргаш МУҲАМЕДОВ
таржималари

ДЕҲЛИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Осиё ва Африка мамланатлари ёзувчиларининг Деҳли конференциясини совет ёзувчилари жамоатчилиги зўр тайёргарлик билан кутиб олди. Байрут конференциясидан (1967 йил) кейин Совет Иттифонига Осиё ва Африканинг қирқ мамлакатидан уч юзга яқин адиб таширф буюрди. Шу ўтган давр мобайнида совет наشريётларида икки қитъа ёзувчиларининг 250 номдаги китоблари 11 миллион нусхада босилиб чиқди. Осиё ва Африка адибларининг Биринчи конференцияси бўлиб ўтган Тошкент шаҳрида эса бу дўстлик маслаҳатига айниқса зўр тайёргарлик кўрилди. Янгида ҳозирги замон араб ва ҳинд шеърятининг икки жиғидини антологияси нашрдан чиқди. Жазоир ёзувчиси Муҳаммад Дибнинг «Жазоир ҳиссаси» романи, Покистон адиби Саодат Ҳасан Минтонинг «Қиз орусчи» ҳикоялар тўплами, африкалик ёзувчи Питер Абрахамнинг «Қабрдаги гулчамбар» романи, Ангола адибларининг «Қуёшга интиланам» номли ҳиссалар тўплами ва бошқа нўплаб асарлар ўзбек ҳамда рус тилларида чоп этилди. Биргина Гафур Ғулум номдаги адабиёт ва санъат нашриётида икки қитъа ёзувчиларининг 34 номдаги асарлари 800 минг нусхада нашр қилинди.

Очиб қўйинг юрехларнинг эшикларини.
очинг осмон деразаларин,
Худди баҳор шарроси каби,
Мовий ғазо нурлари билан
сугорингиз заминимизни,
жафодийда заминимизни!
Кийинтиринг унга байрам либосин,
тининг либос хошияларин
орзуларин, тилла рангли иллари билан,
қўйинг уни, кюкиллариға
хиталарининг, сандолларининг бўйини,
зафарбардор тонг нуридан
кийдириңиз унга тоқ!..
Келинг, дадилликнинг,
муқаддас орузларнинг
кунга тўлган қўлларин
шу ўзгарган заминнинг
вукудини силасин —
униң оқимлари — томиларини,
униң жингалак соч ўрмонларини,
униң оқ, муссаффо қорли қўйсини,
униң она ворийларини —
тоқи, ишонч билан жилмайси;

Янги йил

Тоқи, қувонч билан шўх купсин...
Йўқолсин худбинликнинг, ёмонлик,
огули ғаразларининг,
сурбет очофатликнинг,
ёвларча яқалликнинг
ўрмалаган қўланчалари,
Нур сочин бошимизда софликнинг,
тортинчоқ назокатнинг,
гўдакдек маъсумликнинг,
манмангирининг,
ҳамдардгикнинг,

дўстона очиқликнинг
чарақлаган кундузлари!
Аллақачон сирли Ойга етди қўлимиз,
нафасимиз Зухронинг ҳам юзларини силади,
Миррхнинг кумуш қуббаларида
жанг жарчиси — ноғоралар гўмбурни эмас,
сеҳрловчи найинг овози;
эшитмоғи мўмкин ҳар ким, итаса, унинг
юлдузларининг жаранги каби
комнатни қамраб олган оҳангарини.
Келинг, ўша оҳангарнинг остида
қувонч билан,
буноқ бир шукўх билан,
худди тўйга отлангандек
дўстона йўл олсин бор инсоният —
мангу навқирон,
бир тану бир жон,
худди бутун ирмоқларини
бирлаштирган дарёдай,
дўстона йўл олсин бор инсоният
тарих белгиланган олис сафарга!

Абдулла ШЕР таржимаси

бўлган эди. У нимадир қилиши, бирор йўл
топиши зарурлигини сезарди. Фақат бу йўл
қамоққа олиб бормайдиган бўлсин. Ахир, хоти-
ни, бола-чақаси оч ўтирган бир пайтда
униң қамоққа тушиши мўмкинми? «Йўқ,
йўқ, ҳар нарса бўлганда ҳам, қамоққа тушиши
мўмкин эмас!» дерди у ўз-ўзига қайта-қайта.
Ёгинасидан гандираклаб бир оқ танил
ўтди. Афтидан, у маст. Бир неча қадам юр-
гач, орқасига ўтирилди-да, Тимига маъносиз
тилиб қолди. Кейин қўлидаги бренди ши-
шасини узатганча, Тимига яқинлашди.
— Ҳой, Жон, ма, ич. Янги йилингни кўтлуг
бўлсин!

Тими бош чайқаб, рад қилди.
— Ич, ноз қилаверма, бир зумда очилиб
кетасан. Қара, бу ерда полициячилар йўқ,
сени ҳеч ким тутиб олмайди.
Тими яна бошини чайқаб, қўлини силтади.
— Ҳа-ҳа, бу ҳайвон Янги йил учун ичгиси
келмайпти. Ана, ҳоло! Бўлмаса йўқол, қо-
рангнй ўчир!

Оқ танил шартта бурилди-да, шисани сил-
китанича жўнаб қолди. «Қани энди, бренди
ўрнига пул берганидан, деб алам билан йў-
лади Тими.

Автобус келиб тўхтади, Тими шундагина
уйга бориши кераклигини эслади-да, шахт
билан автобусга чиқиб олди.

Автобусда байрам кайфияти ҳукмрон эди.
Бекатларда дам-бадам «Янги йилингни кўт-
луг бўлсин!», деган хитоблар эшитиларди.

Тимининг қаршисида ўтирган қандайдир
йигит гитара чаларди. Қуй мақомига мослаб
бир қиз шўх рақс тушарди. Гитарачи бир қў-
ли билан торларни гоҳ силар, гоҳ тимдалар,
гоҳ ғазаб билан чолғуни урар эди. Бошқа бир
қўлининг узун бармоқлари эса, тор устида
енгил ва тез-тез ҳаракат қиларди. Қиз тивст
куйига мослаб шамол билан ўйнашаётган на-
виҳолдек маънодор эшилганда йигитнинг
пастки лаби осилиб, қизга ўқрайиб қаради. У
худди гитаранинг сеҳрли овозини янада яхши-
роқ эшитишга уринаётгандек бошини борган
сари чолғу томон эгарди, ким билсин, балки
унга дил розини, кўнгил қувончини изҳор эт-
моқчидир.

Автобусга икки аёл чиқди. Улардан бири-
нинг ранги докадек оппоқ, касалга ўшарди.
Аёллар Тимининг ёнига ўтиришди-да, униң
ёғинасига чамадонларини қўйишди.

Автобус тўхташи биланоқ, аёллар ўринла-
ридан туриб, тушиб кетишди. Тими эса улар
қолдириб кетган чамадондан кўзларини уз-
мас эди. Лекин автобус ўрнидан қўзғалиши
биланоқ, Тимининг орқасидан кимдир:

— Ия, анави хонимларнинг чамадонни қо-
либ кетди! — дея қичқирди.

— Йўқ, — деди шоша-пиша Тими, — бу
чамадон меники.

— Нега ёлгон гапирасиз! Автобусга чама-
дон кўтариб чиқишганини ўз кўзим билан
кўрдим-ку!

Мана, мана ўша бахтли тасодиф!..

— Мен яна қайтариб айтаман: бу чамадон
— меники! Автобусга чамадон кўтариб чиқ-
қанимини наҳотки кўрмаган бўлсангиз?

Узича эса: «Ишқилиб, ҳаяжонланаётганим-
ни билдириб қўямасам бўлгани, акс ҳолда...»
деб ўйларди.

— Қўйсангиз-чи, яхши йигит! Кимни лакил-
латмоқчисиз?


— Ҳой, нега мунча менга ёпишавердингиз?
Энди унга ҳамма йўловчилар қарашиб ту-
рар эди. Эҳ, худойим, энди нима қилса
экан?

— Қўйсанглр-чи, уни, — деган кекса
одаминг овози эшитилди автобуснинг на-
риги бурчагидан. — Чамадонни хоним кўта-
риб кирганини бир кишигина қўрибди, бир
кишигина чамадон меники, деяпти. Бир ки-
ши бир киши билан тортишяпти. Шундай
экан, бас, чамадон ўша одамда қолаверсин.
Бошқа киши эса, чамадон хонимга тегишли,
деган фикрида қола қолсин. Вассалом.

Қаққаҳа эшитилди. Тортишув тўхтади. Ян-
ги йил кайфияти ёғиб келди.

Тимининг елкасидан тор ағдарилгандай
бўлди. Ахир, у ниҳоят, енгиб чиқди-да! Ав-
тобус тўхтаганда Тими тушиб қолди. У хур-
сандлигидан ҳатто кимдир орқасидан:

— Худо ҳаққи бу чамадон кимники экан-



Рассом Э. РҲЗИБОЕВ

лигини ҳали ўзи айт-б беради — деб бақир-
ганини ҳам эшитмади.

«Нега одамлар ҳар нарсага тумшугини тик-
каверади!» деб ўйларди Тими ҳозиргина унга
автобусдан қараб қолган одамларни эслар-
кан. Бесабрлик ва хавотирдан юраги тарс
ёрилиб кетай дерди. Тезроқгина уйга етиб,
чамадонда нима борлигини қўра қолса!

Омадни қаранг, ниҳоят ўша тасодиф рўй
берди-а! У ҳам фурсатни қўлдан бермади,
қойил! Тавақкалига ташланган қадам уни мак-
садаг етказди. Чамадон Тими орзуларининг
мужассам тимсоли каби туюларди.

Тими оломон ўртасига тушиб қолай деган
экан. Икки оқ танил полициячи кимнидир қи-
дираётган эди. Тими бир зумдаёқ, ўзини ап-
лаккимини боғчасига урди. «Худойим ўз па-
ноҳида асраятяпти», деб ўйлади Тими. У ба-
ҳайбат темир дарвоза орқасига яширинди,
юраги қиндан чиқиб кетгудай дукилларди. У
энди кўчада бўлаётган воқеаларни кузата
оларди, бу ерда чорак соатча яшириниб тур-
са бас. Гуд-стритга ҳос бўлган одатий шов-
қин-сурон бугун негадир кучайгандан кучаяр,
кескин ва таҳликали тус олиб борар эди.
Бирдан унга кўчадаги бугунги шовқин-сурон-
нинг «Кувла! Ушла!» каби қичқирқларининг
сабабчиси ўзи эканден, гўё у марказу, бу-
лар униң атрофида айланётгандек туюлиб
кетди.

Бир дақиқкагина умидсизликка тушди, ҳатто
ҳозир чўнкайиб ўтирган жойига чамадонни
ташлаб кетмоқчи ҳам бўлди. Ҳа, чамадондан
шартта қўлини, йўқ, яхшиси, кўнглини узса
зўр бўларди! Ахир, автобусдаги бутун маш-
маша чамадон бировники бўлганлиги учун
келиб чиқди-да. Уйга шошилатганлигининг
боиси ҳам чамадон ўзиники эмаслигидан-
да! Шунинг учун ҳам бу ерда биқиниб ўти-
ришга мажбур. Чамадонни шу ерда қолдириб
кета қолса-чи? Шунча уринишлардан кейин-а?
Чамадон қимматбахо қозоларга тўлага ўх-
шайди, бўлмаса бу қадар оғир бўлармиди?
Шундай бўлса ҳам ажабмас. Бундан бошқана
бўлиши мўмкин эмас, тангрининг лутфу ка-
рами беҳуда кетмағай. Бу, албатта, Тими аж-
додлари руҳининг унга, бетоб хотинию оч-
яланғоч болаларига кўрсатган марҳамати.

Тимини аллақандай саркаш ўжарлик, бош-
лаган ишни охирига етказишга кўр-кўрона ин-
тилиш ҳисси қаираб олди. Фожианин олди-
ни ўз вақтида ола биладими, йўқми, бунинг
аҳамияти йўқ. Чамадондаги қозоларга қим-
матини ёки ҳеч нарсага ярамайдими — бу-
нинг ҳам фарқи йўқ. Йўқ, у чамадондан вон
кечмоқчи эмас!

Полиция машинаси келиб ушланганларни
олиб кетди. Кўчада одам сийрақлашиши би-
ланоқ, Тими беркинган жойидан чиқди-да,
орқасига қарашга ҳам юраги бетламай, йўл-
кадан юриб кетди. Бунақа ишларни унга ким
қўйибди.

Рўпарасидан Питсо келарди. Э, худойим-
ей, нега энди бу гавия Питсо билан худди
шу пайтда учрашиши керак экан! Бу ма-
мадона ва гийбатчи, ўтаетган қачимчи одам
қайси даврага аралашмасин дарҳол ошга туш

ган пашадек ҳаммининг таъбини тирриқ қиларди.

— Яхшимисан, Тими? Мунча шошилмасанг?— дея шилқимлик билан шаниллаб гапира бошлади Питсо. — Бирор ердан келяпсанми ёки кетяпсанми?

— Кечирасан, Питсо, хотиним бетоб ётибди, тезроқ боришим керак.

У йўлида давом этди. Питсо тиржэйганича ошнасининг орқасидан қараб қолди.

«Шевроле» кўринди, Тими ёнида бир зум тўхтади-да кейин моторини ўчириб қияликдан шошилмай туша бошлади.

— Ҳой!
Тими ўтирилиб машинага қаради. Юраги орқасига тортиб, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди.

— Тўхта-чи, ҳой учар! — рўлда ўтирган полициячи кўлини силқитди.

Икки оқ танли полициячи... Оддий кийимдаги бир африкалик орқа ўриндиқда ялғайиб ўтирибди... Тими қочиш фойдасиз эканлигини англади. Бунинг устига кўлида чамадон. У тўхтади. Полициячи Тимига яқинлашди-да, кўлидан чамадонни тортиб олди, бошқа кўли билан Тимининг елкасидан чангаллаб машина томон судради ва машинага ниқтаб киритгач, орқа эшигини ёпди. Машина ўрнидан кўзгалди ва полиция участкаси томон елдек учиб кетди. Ёнида ўтирган одамга яхшилаб қараганда Тимининг тиззалари қалтираб кетди. Бу ўша, автобусда у билан чамадон хусусида тортишган одам эди.

Э, худоё! Наҳотки бу одамда адолат истаги шунчалик кучли бўлса, ҳатто худони ҳам ўз томонига огдириб олса! Яна Янги йил ара-

фасида-я! Еки айғоқчимикан? Йўқ, агар бундай бўлганда автобусдаёқ қўлга оларди. Ҳозир бўлса Тимига ҳатто қиё ҳам боқмади. У фақат тўрига тикилиб борар, Тимининг назарида, ўзидан гоят мамнун эди.

Тимига жуда-жуда алам қилди, унинг гашига тегмоқчилар, майли, у эътироз билдирмайди. Ҳар ҳолде бирор қор-қол бўлиши керак эди-ку! Тақдир унга кулиб боқиши керак эди, лекин бундай бўлмади. Энди омад ундан юз бурмасқчи.

Полициячилар чамадонни бир кичик хонага олиб кириб кетдилар. Бир неча дақиқадан кейин яна қайтиб чиқдилар. Тимига улар бир-бирларига маъноли қараб қўйишгандек туюлди.

— Қани, бери кел-чи, учар! — деди полициячилардан бири, унинг сўзлари мулозимдек эди.

Улар чамадонни Тимининг олдига қўйдилар.

- Кимнинг чамадонини?
- Меники.
- Унда нима бор? Сенинг буюмларингми?
- Йўқ, хотинимнинг буюмлари.
- Қанақа буюмлар?
- Назаримда, қўйлақлар бўлса керак.
- «Назаримда» деганинг нимаси?
- Биласизларми, хотиним буюмларни шошиб-пишиб жойлаб, чамадонни холамниқига олиб бор, деган эди. Нималарни солганини кўрмаган эдим.
- Ҳм. Хотинингнинг нарсаларини танийсанми ўзи?
- Баъзиларини танийман.
- Нега у билан бу қадар осойишта гаплаш-

моқдалар? Нега бу оқ танли одамларнинг кўзларида шодлик учкунлари чақнапти?

Полициячи чамадонни очди-да, ундаги буюмларни бирма-бир ола бошлади.

— Бу хотинингникими?
Полициячи йиртиқ кўйлакни кўрсатди.
— Ҳа.
— Бу-чи? Мана буниси-чи?

Жулдур-жулдур латта-путта. Улар бу нарсаларнинг кимникилигини нега суриштириб қолдилар экан? Ҳар бир буюмни полициячи чамадондан олиб, Тимига кўрсатарди. Тимининг хаёллари қорчишиб кетди. Тақдир уни яна қандай ҳазил билан калака қилмоқчи? У бу ерда аллақандай сир борлигини сезиб турарди. Балки уни лақиллатишавтгандир?

Нихоят, полициячи чамадондан ҳамма латта-лутталарни олиб бўлди-да, унинг тағида ётган қандайдир нарсани ишора қилди.

— Бу ҳам хотинингга тегишлими? — деб сўради у Тимига ҳаҳл билан тикилиб.

Тими яхшироқ кўриш учун бўйинини қўзди. Унинг кўз олдидидаги манзара даҳшатли эди. Чамадонда ўлик қақалоқ ётарди! Қаршида яланғоч, оппоқ, жингаласоч соч қақалоқ жасади ётарди. Тимининг кўз олди қоронғиллашиб, гандирақлаб йиқилди-да, хушидан кетди. Полициячилар уни ўрнидан турғизиб, столга яқин келиб гувоҳлик беришига кўмаклашдилар. У бор гапни сўзлаб берди. Бундай ишга қўл уриб, таванқалчилик қилганини, бунинг бадалига ўн сажикс ой оғир ишларга ҳукм этилганини билар эди.

Ҳикоят МАҲМУДОВА
тарғимаси



Қўша қаринглари

У. РАҲИМОВ фототўюди

Кексалардан эшитдимки...

Эй кўнгил, инсонлик эт, дерларки, инсонлик — шараф, Кимки инсонлиқни билмас, бу сифат эрмиш касаф. Қадринг ортар одамийлик фазли қадрин англасанг, Қадри оз бўлмай жаҳон бозорида дурсиз садаф. Умринг инсонлик учун, инсон учун сарф айлаким, Бунга сарф этмаслик — этмақдир уни гўё талаф. Коми инсонни ширин этмак ари мақсудий гар, Диққатин тортмоқ учун ҳид тарқатар гул ҳар тараф. Таъбинг инсон таъбидир, бермоқ керак сайқал янга, Негаким, дунёда ҳар инсонга инсондир салаф. Кексалар фикрини, Боқир, англа дастур-амал, Шодлик баъзида чапгайсан ҳаммаша чангу даф.

БОҚИР



Истасанг

Эй кўнгил, жон ўйнагил ишқ ичра, жонон истасанг. Бўлмагай ҳосил сенга жонон, агар жон истасанг. Чекмаса жонинг тикан захмиги, келмас қўлга гул, Ташла дарё ичра ўзни дурри ғалтон истасанг. Гўнча янглиғ чок қил кўксингни сен ҳам бог аро, Ким насилий субҳидан бўлмоқни хандон истасанг. Ёринг куйида бўл собит қадам, мардонавор, Ердан бу йўлда гар сен лутфу эҳсон истасанг. Меҳрдан гул эк, сочар оламга то бўйи вафо, Ким жаҳонда бўлгали бир яхши бўстон истасанг. Улфато, қилсанг талаб жонон василин, иста қўл, Қўлга охир келгуси борича имкон истасанг.

УЛФАТ


РАНГЛИ САҲИФАЛАРДА. Биринчи бетда: Ленин районидagi Ильич номи колхозининг пешқадам механизатори Ҳафиз Полвонов; «Савай» совхозининг моҳир сўт соғувчиси Султонхон Латипова; Андижон районидagi Киров номи колхозининг илгор теримчиси Матлуба Камолитдинова. Қўш саҳифада: Андижон Пахтачилик институтини битириб ҳаётга йўлланма олган ёш мутахассислар — Р. Қорабоева, М. Аҳмедова, С. Сотолдиева, В. Страхова ҳамда Х. Комилова; машина терими авжиди: Хўжаобод районидagi Киров номи совхоз ишчиси Садбар Холматова; Катта Фарғона каналининг Қуйганёр гидроузели: СоюзНИХИнинг ўсимликлар физиологияси лабораториясининг илмий ходими Мўътабархон Мўмин; ва тадқиқот олиб бормоқда. Полвонтош нефть қонида: Чунтақ — андижонликларнинг сеvimли оромгоҳи. Тўртинчи бетда: Охувобоев номидаги область музикали драма ва комедия театрининг бадий раҳбари, СССР Халқ артисти Аб. бос Баниров.

С. БЕЗНОСОВ фотолари





ИСОИ АНДИЖОН





ДЕНГИЗ МАВЖЛАНАДИ

КАМПИРРАВОТ. Бу жой қадим-қадимдан маълум эди. Лекин унинг довуғи инқилобдан кейин тез тарқалди. Туркистон ўлкасининг революцион ҳукумати сўғориш тармоқларини муҳофаза қилиш тўғрисида бир неча қарор ва буйруқлар чиқарди. Андижон Советининг 1918 йилги бир буйруғида Кампирравот тўғрисида бундай дейилган эди: «Зарурат туғилиб қолган тақдирда асбоб-ускуна этказиб бериш, ишчи кучи билан таъминлаш ва ариқларни муҳофаза қилишда миروبларга ёрдам берилсин. Миروبларнинг курсатмаларига амал қилмаганлар қаттиқ жавобгарликка тортилсин...»

Сув ҳавзасини муҳофаза қилишга Фарғона область партия ва совет ташкилотлари вакилларининг 1919 йил 29—31 мартда бўлиб ўтган фавқулодда йиғинида ҳам катта эътибор берилди. Йиғинда сўзга чиққан Андижон Советининг раиси Смирнов Кампирравот сув гақсимлагичини босмачилардан ва бошқа ёмон ниятли кишилардан қўриқлаш учун махсус отряд жўнатиш лозимлигини ўқирди. Андижон область ижроия комитети архивидagi хўжабалар Совет ҳокимияти Кампирравот сув ҳавзасини астойдил қўриқлаш ҳақида қайғурганидан далолат беради.

Граждeнлар уруши муносабати билан Кампирравотда бошланган қурилиш тўхтаб қолди. Бу ишга 30-йиллардагина қайтildi. Кампирравот тўғрисида қўриш масаласи СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги Пахтачилик бош бoш-

қармасининг илмий-техника конгашида кенг муҳокама қилинди. Кенгаш эски ҳавзани, талабга жавоб бермайди, деб топди ва уни тубдан қайта қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳани тайёрлашда машҳур совет олимми академик В. Глушков иштирок этган эди. Комиссарлик қурилиш учун 13 миллион сўм маблағ ажратди. 1940 йилнинг сентябрида эса, Кампирравот сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Мана энди ўша жойда мамлакатда энг катта сув омбори — Андижон денгизи барпо этилмоқда. Сийнесига қарийб икки миллиард кубометр сув сиздира оладиган бу суний денгиз туфайли қирқ минг гектар ер қониқ сув ичади. Эллик минг гектар янги ер ўзлаштириш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Фарғона водийсининг хўжаликлари йилга қўшимча 100 минг тонна пахта, 75 минг тонна сазавот, 150 минг тонна мewa ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштирилади.

Шу кунларда сув омбори тўғони жадал қурилимоқда. Унинг азамат қомати тобора юксалмоқда. Икки тоғ қўришиб турган Кампирравот дарасида куну тун сирена ҳайқирғи тинмайди. Бу ҳайқирқ ишни тагин ҳам евж олдириш, меҳнат кўламини яна кенгайтиришга даъватдек янграйди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Юқорида, теғ берида портлаш ишлари олиб бoриладиган бўлса, тўгон қуриладиган пастликда баҳайбат хартумли қранлар, қудратли машиналар тиним билмайди. Сув омбори қу-

рилишига уч минг киши жалб этилган. Уч-тўрт йилдан кейин бу рақам икки баравар ортади.

Бир гуруҳ одамлар уй-жой қурмоқда, бир гуруҳи катта бир қорхона, яна бири тўғон... Қалблари қуриш, яратиш ишчи билан ёнган азаматлар қисқа вақтда росмана шаҳарча — Қорабағиш ва Тополино посёлкаларини бунёд этидлар. Битган, қуриладиган мактаблар, маданий-مائийш бинолар саноғидан адашсан киши.

Қурилиш суръатини ошириш имконини берадиган ёрдамчи қорхоналар бирин-кетин ишга тушмоқда. Йилга 570 минг кубометр бетон ва 1 миллион 200 минг тонна қаттиқ буюмлар тайёрлаб берадиган бетон заводи махсулот бера бошлади. Натижанда бетон ётқизиш анча ортди.

КПСС XXIV съездини қақриш тўғрисидаги хабар ва уни муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа қурувчилар меҳнатига қанот бoғламоқда, ҳаётига янги, чуқур мазмун бағишламоқда.

Қурилиш ўз қаҳрамонларини яратмоқда. Бетон қуювчилар участкасининг бошлиғи Жамол Камоловнинг номи тилларда дoстoн. Бу ёш йигит бошлиқ бетончилар иш сифати билан Бирга суръатга ҳам зўр бермоқдалар.

Бетон қуювчилар киритган бир таклиф қисқа муддатда ишлаб чиқаришга жорий этилди. Илгари бетон қуйиладиган жой қўлда тайёрланарди. Йигитлар энди буни машина зиммасига юклядилар. Махсус мослама яратилди. У бульдозерга тиркак, компрессордан келадиган ҳаво оқимига уланади. Бульдoзeр таш ва тупроқни аралаш сураверади, мослама эса, тошни тупроқдан ажратиб бераверади. Янгилик қирқ ишчининг мушкулини осон қилди.

Ҳадемай икки тоғ учрашади. Андижон денгизининг тўлқинлари қирғоққа шўх-шўх уради. Бу кун узoқ эмас. 1975 йилда денгизнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилади.

Денгиз мавжланади! Юрт сувга серoб бўлади.

Н. МУҚИМОВ

КЕЙИНГИ йилларда механизациялашган кўчма колонна (ГМК), ёпиқ зовурлар деган иборалар тез-тез тилга олинadиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Негаки бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас бoғланган.

Андижон сув иншоотлари қурилиши трест қарамоғида Марказий Фарғона чўлқуварларига хизмат қиладиган 1-механизациялашган кўчма колонна ташкил этилгандан кейин янги ерларни ўзлаштириш ҳам, уй-жой ва жамоат бинолари қурилиши ҳам индустриал асосга кўчирилди. Айниқса, ҳозиргача хўжаликлар ўз кучлари ва механизмлари билан ўзлаштириб, экин экадиган майдонлар кўчма колонна механизаторлари томонидан қайтадан яхлитлаштирилмоқда.

Бўз райондаги областда шароитига кўра алоҳида ўрин тутади: шўрқоқ, ер ости сувлари юза, ишчи кучлари кам. Бу район Марказий Фарғонада бўлганлиги сабабли одамларда бошқача фикр юради: Бўзда ер кўп, истаганча экин экиш мумкин, деб ўйлашади. Аслида, бундай эмас. Чўлқуварлар Марказий Фарғонадаги асосий майдонларни аллақонан ўзлаштириб улгурганлар. Эндиклида эса район территориясидagi ботқoқ жойлар, қумлоқлар навбат кутмоқда. Кейинги икки-уч йил ичидa Марказий Фарғона ерларида «Улуғнор», «Мингбулоқ», «Шаҳрихон», «Оқ олтин», Максим Горький номи совхозлар тузилди. Яқинда В. И. Ленин 100 йиллиги ва Комсомол номидаги совхозларнинг директорлари тайинланди. Бу хўжаликлар ўзлаштириш қийин бўлган майдонларни экинзорларга айлантирадилар.

Демак, Бўзда ҳар бир гектар ер ҳисoбда. Шу сабабли район раҳбарлари, мутахассислар, хўжаликларнинг бошлиқлари кейинги пайтларда «ички имкониётлар», «қўшимча майдонлар» ҳақида тез-тез сўз очадиган бў-

ЁПИҚ ЗОВУРЛАР

либ қолдилар. Ажаб, район территориясидagi барча ерлар экинзорларга айлантирилган бўлсаю ҳосилдорлиқни оширишдан бошқа яна қандай «қўшимча майдон» бўлиши мумкин? Бунга қарангки, қўшимча майдонлар бор экан.

Бўзани ўзлаштириш бошлангандан бир неча юз километрлаб узунлиқда зовурлар очилган. Ана шу зовурлар ўрни, зовур ёқаларидаги тупроқлар банд этиб ётган ерлар ҳисoблаб чиқилганда, сатҳи энг қамаида иккита колхоз майдонича келар экан. Агар шу зовурлар қайта ёпилса-чи! Эммо сизот сувлар тинимсиз оқиб турган зовурларни бутунлай кўмиб юбориш мумкин эмас — ерлар захлаб кетади. Бордию Мирзачўл, Шерoбoд чўлида тажриба қилинганидек, зовур ўзланлиги қурурлар ётқизиби, ёпиқ зовурлар ҳолига келтирилса-чи?


Бу ниятни механизациялашган кўчма колонна коллективи рўёбга чиқариши мумкин. Кўчма колонна қурувчилари ишни Энгельс номи колхоздан бошладилар. Улар аввало ариқларга бетон ётқиздилар. Сўнгра Катта Андижон каналдан жанубга қарата 1800 метр узунлиқда нов ариқ ўтказдилар. Одат-

да нoв ариқлар ердан бир-бир ярим метр баянд кўтариб қуриладилар. Бу ерда эса шарoитни ҳисoбга oлиб, нов ариқни ер бағир-лeтиб ўтказдилар. Нов ариқ битгач, унинг этагидagi шoхoбча зовурлардан дастлабки тўрт километри ёпилди. Бунинг учун аввал зовур тoзаланиб, ўзaнга йирик шағал тўкилди, кейин илма-тешик қурурлар ётқизилди. Қурур устидан яна шағал тўкилиб, сўнг тупроқ суриб, кўмилди. Ҳар юз метрда эса нoзoрат туйнуклари қолдирилди.

Энгельс номи колхоз ёпилган тўрт километрни зовур вазига ўн гектар қўшимча экин майдонига эга бўлди. Бунга кетган харажати, иқтисодчиларнинг ҳисoбича, шу ўн гектар ердан олинadиган ҳoсиль тўрт-беш йилдаёқ қоплар экан.

Кўчма колонналар ёпиқ зовурлар қурилиши жадаллашиб, юз гектарлаб янги ерлар топиб беради. Бугина эмас, қишлоқ ва дала-ларимиз ҳуснини бузиб турадиган тупроқ уюмларини йўқoтaди, экин майдонларини яхлитлаштириш, механизациядан янада унумлироқ фойдаланиш имкониятини ҳам тугдиради.

А. ОТАБОВ



Коммунистик меҳнат зарбдори Санобар Раҳимнонова Андижон нефть конида диспетчер бўлиб ишламоқда.



Андижондаги Киров номили колхознинг илғор пиллачиси Маъфират Гафурова йилдан йилга мўл ва сифатли қумуш тола етиштирмоқда. У. РАҲИМОВ фотолари.

Саида ЗУННУНОВА

Янги шеърлар

Тиним йўқ, қўним йўқ бу оламда ҳеч,
Тиним йўқ, қўним йўқ еру самода.
Тиним йўқ, менда ҳам на эрта, на кеч,
Кунлардан гоҳ шодман, гоҳида доғда.

Баъзида чиндан ҳам бир глобусдек
Жаҳон жой бўлади қорачиғимга.
Баъзан Туполевининг хаёлларидек
Оташин бир қўдрат қалқир ичимда.

Хаёлини тутғувчи соқчилар қайда,
Хаёл билганмикан ҳеч қачон сарҳад!
Ишим бор ҳар юртда ва ҳамма жойда,
Менга одам бўлса нифоя фақат.

Одам бўлса фақат меҳриғиёли,
Кийгани ипақми, жулдур жандами.
Орзуда имлаган тотли иқболдек
Лабига қўндириб ўтсам хандани.

Одам бўлса фақат меҳриғиёли,
Ёвузлиқка исён бўлиб яшаса.
Наврўзининг бир тутам субҳ шамолдек
Юзу кўзларига руҳ бағишласам.

Ҳисларга на дину на тиллар тўсиқ,
Урфу одатлар ҳам беролмас бардош.
Бари бир тушунгум — ким шод, ким ўксик,
Дунёда бир хилдир қулги ва кўз ёш.

Ким қўлига олса ҳам, шарҳи дилим сўзлар дўтор,
Жон қатида асраган сиримни айлар ошкор.

Узга кўнглин овламоққа дostonимни очур,
Гоҳ қулиб айтар, яна, гоҳида йиглаб зор-зор.

Ҳисларимдан парда боғлаб олгани етмасиди,
Сочларимдан ҳам яна ул бераҳи боғлабди тор.

Соч-торим тирноғидан минг узилса розиман,
Бир қўлига олсам бир бор юзига босса ёр.

Севги даштида Саида танҳо незармен демагил,
Ҳар тўксини тингласанг, кўнглида бир армони бор.

Ой юзини аста чулғади булут,
Учди теракларнинг танга чамани.
Нохуш бир ғашликка ташлаб сан мани,
Наҳотки, бугунлай қилолдинг унут!

Ой-ку шўнғиб чиқар булут остидан,
Коинок беланар қайтадан нурга.
Севгисиз дил эса бошлайди гўрга,
Наҳот сен умримнинг қолдинг қасдида!..

Одамлар талашар ҳақс, ер, сувни,
Ҳатто талашади харобаларни.
Табиат яратган эди-ку уни,
Ахир, ҳамма учун у баробардир.
Хўнрайган тоғларнинг қалбида ҳам дарз,
Асов тўлқинлар ҳам минг пора-пора.
Исон-чи, гоҳ толиб, гоҳ қилиб фараз,
Кашфиёти билан доим овора.
Шундай жойлар борки, умрлар арзон,
Бир бурда нон учун жонлари гаров.
Баҳорни бемаварид кўмади ҳазон,
Исон инсон учун булар экан ёв.
Бир қўёш порлайди осмонда голиб,
Яхшики, одамнинг етмас оёғи;
Йўқса, олам ярами зулматда қолиб,
Нурни пулларимди бошқа бир ёғи!

Шунда ҳам, бари бир, бир ватандошим
Қалбини машъала қилиб жаҳонга,
Одамзод йўлига қўярди илиб.
Шунда ҳам барибир шу совет халқим
Занжирбанд қўёшим ҳимоя қилиб,
Қўшин тортар эди, ҳатто, осмонга.

Ҳасад нималигин билмайман ҳануз,
Ҳаёт бундан сўнг ҳам сийласин шундай.
Билмаганим учун қилмасман афсус,
Назаримда бу ҳис зимистон тундай.

Аммо севдим жонни ўзиб бергундек,
Ипақдан хаёлий тахтлар тўқидим.
Қалбим тиниқ сувада титраган нурдек,
Гуллар япроғидан қўшиқ ўқидим.

Ёмон кўрдим яна, жиркандим ҳатто,
Вужудим қақшэтди баъзида газаб.
Аммо кўролмаслик,— менинг наздимда,—
Ҳамма азоблардан огирроқ азоб.

Севгисиз ўтганда йиллардек ҳар дам,
Олам туюлганда бўм-бўш қўтидай,
Меҳнат оғушидан изладим ором,
Худбилликдан шундай олисда ўтдим.

Шундан кўнглим доим осойишта, тинч,
Бахтимнинг тожидир азиз ўйларим.
Шундан кемирмайди дилимни ўкинч,
Шундан, фақат шундан равон йўлларим.


Севги дарсида мени лол айлади Лайло тамом,
Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз авом.

Чарх канрафторининг хар шеваасидан очди сўз.
Сўнг деди: умримни энди сен ўзини эткур давом.

Билмадим бу илтифотми ёки душманнинг иши,
Неки кўйга солса солди мени шу ўтли калом.

Ё ақл солди бошимга ёки олди борини,
Ичкизиб ашиқ қўшилган бодасидан битта жом.
Дил хазинам менга бўлсин, тақдирингчи олмағум,
Минг шукур, ёр васлидан обод уйим ҳар субҳи-шом.

Посбон бўлсин Саида бу тиниқ дил мулоига,
Бўлмасин копоқ пойидан покиза гулзор ҳаром.



ҒАЙРАТ ВА МАҲОРАТ

СоюзНИХИнинг Андижон бўлими тажриба станцияси атоқли уруғшунос Леонид Владимирович Румшесвич бошдаб берган катта анъаналарга эга. Бутун мамлакатимизга машҳур 108-Ф, 137-Ф, 149-Ф, 153-Ф пахта навлари худди шу ерда яратилган.

Станция ходимларини изловчилар деб аташди. Бу жуда тўғри таъриф. Сиз станциянинг қайси лабораториясига кирманг, қайси тажриба участкасига борманг, ўз ишига меҳр кўйган, ягона мақсад — ҳалқимизга янада кўп ҳосилли, тезпишар ҳамда узун толали пахта навлари яратиш учун жон куйдираётган изловчи олимларни, тажрибасизларни кўрасиз.

Филиалга қарашли каттагина бир пайкалдамиз. Ажойиб манзара: даярли ҳар уч-тўрт эгтада бошқа-бошқа ғўза. Бир хиллари одам бўйидан баланд, бир хиллари одатдаги ғўзадан ҳам паст. Баъзилари кўм-кўк бўлиб яйраб-яйраб ўсмоқда, айрим эгталардаги ғўзаларнинг барглари қуриб, ғўзапояга айланиб қолган. Бир эгтадаги ғўзада очилган пахта, ғуҗ-ғуҗ кўсақ, гул, бошқа бир эгтадагисида ҳосил кам.

— Ғўза шифохонаси деб атаймиз бу карта-ни,— дея туншунтирди филиал директори, кишлоқ хўжалик фанлари кандидати Обиджон Маҳмудов.— Бу ерда йигирма тўрт йилдан бери сурункасига пахта етиштириб келинади. Демак, бу майдон вилтнинг уяси. Шу кертда турли навдаги пахта етиштирилмоқда. Бундан мақсад қайси навнинг вилтга чидамлигини аниқлаш, оқпалакка бардош бероладиган нав яратиш.— Директор, нимадир эсига тушгандай бир оз ўйланиб турди-да, давом этди:— Яқинда шаҳарлик бир оғайнимиз келган эди. Оқпалак бўлиб кетган катта майдонга қараб бошини сарак-сарак қилди. «Бу вилт қачон йўқоларкан-а? Деҳқоннинг шўрини қурятяпти-ку», деб ачинди. Дарҳақиқат, деҳқонлар эрта баҳордан бери тер тўкиб қилган меҳнатининг зое кетмаганлигидан умидвор бўлиб турган пайтларида, шу касаллик пайдо бўлади-да, ҳосилнинг бир қисмини нобуд қилади. Наҳотки шу касалликни йўқотиш йўли топилмаса? Вилт ҳосилга жиддий путур етказмоқда. Ут-

ган йили областимиз бўйича саксон олти процент майдондаги ғўза вилт билан зарарланди. Бу хирмоннинг баракасини учирди, пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди.

Деҳқон қилган меҳнатининг меъаси зое кетмаганга ачинибгина қолмай, вилтнинг олдини олиш чораларини излапти, кўп йиллик тажрибасини қўллапти.

Олимлар ҳам бор имконларини ишга солиб, бунга чора кўрмоқдалар. Вилтга қарши катта илмий ишлар олиб бормоқдалар. Филиалда ўтказилаётган илмий тажрибалар билан танишган киши бунга қаноат ҳосил қилади.

Уруғчилик бўлимининг илмий ходими Музаффар Азизов пахта навлари етиштириш борасидаги ишларидан гапирди:

— КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми олимлар олдида ҳам катта вазифалар қўйди. Станцияимиз илмий ходимлари яқин икки-уч йил ичида энг юқори ҳосилли ва тезпишар навлар яратиш устида ишлаб, ҳозирда-ноқ анча муваффақиятларга эришди. 108-Ф



Кишлоқ хўжалик фанлари нандидати, УзССР Олий Советининг депутати Валентина Яковлева Буднова СоюзНИХИ Андижон бўлимининг пахта толаси технологияси лабораториясига бошчилик қилади. Ғўзанинг янги навлари етиштиришда Валентина Яковлеванинг ҳам ҳиссаси натта.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

пахта нави ҳосилдорликини оширишда муҳим роль ўйнади. Лекин бу нав энди талабга жавоб бермай қолди. Унинг эгталарга ётиб қолиши машина билан теричини қийинлаштирмоқда. Кейинчалик 137-Ф, 138-Ф, 149-Ф ва 153-Ф навлари яратилиб, мамлакатимиз бўйича 70 процент, республика бўйича 80 процентдан мўлроқ майдонда мана шу навлар экилди.

Филиал олимлари ўтган йили деҳқонларга 159-Ф пахта навини тасвია этдилар. Мазкур нав пахтакорлар ишончини қозонгунча озмунча илмий-тежширишдан ўтмади. Ҳосилдорлик ва технологик кўрсаткичлари жиҳатидан анча устуниликка эга бўшан бу нав оқпалак билан жуذا оз касалланган. Областиимиз пахтакорлари ўтган йили 11 минг гектар ерга шу уруғдан эккан эдилар, натижа кутилгандан ҳам зида бўлди.

Мутахассислар шуни ҳисобга олиб, бу йил 110 минг гектар ерга ўша уруғдан экинчи маспахат берган эдилар. Янгиликдан чўнйидиган баъзи колхоз раҳбарларининг айби билан фақат 80 минг гектарига 159-Ф экилди. Бу уруғ ҳозир ўзининг серҳосил ва соғлом пактаси билан ҳаммани хурсанд қилмоқда. Эскиликка ёпишиб олган кўп колхоз раҳбарли пушаймон бўлишди. Шуниси ҳам бори, бу йил 159-Ф уруғи бултур вилт билан энг кўп зарарланган майдонларга экилган эди.

Пахтачилик тараққиёти фақат янги навлар яратиш билангина белгилабмайди. Пахта агротехникасини юқори босқичга кўтариш ҳам муҳим вазифа. Музаффар аканинг ғўза агротехникаси юзасидан олиб берган тажрибалари, кузатишлари ҳам фойдадан холи бўлмаётир. У пахтани алмашлаб экиш, ўғитлаш, сугориш каби масалалар билан анча йиллардан бери қизиқиб келади.

Кишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликка қизиқувчи бўлажак олим кўп йиллик тажрибаларига асосланиб муҳим хулосага келди. Унинг алмашлаб экиш соҳасидаги тежширишлари шуни кўрсатдики, пахта беда билан алмашлаб экилса, айниқса яши натижа беради. Беда экилган майдон пахта экиш олдида биринчи йили 40 сантиметр, иккинчи йили 30 сантиметр, учинчи йили эса 20 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Уч йилдан кейин шу тартиб яна такоррланади. Шундай қилинганда тупроқда кўп азот йиғилади.

Музаффар Азизовнинг ғўзани сугориш борасидаги тажрибалари ҳам диққатга сазовор. Унинг фикрича, ғўза қатор оралиғига ҳар икки томондан сув тараш фойдали. Квадрат-уялаб экилган майдонларга икки томонлама с/в қуйиш натижасида тупроқдаги тузалар теки эриб, ғўза танасига кўпроқ тарқалади. Ҳозир Музаффар ака вилтга чидамли янги пахта нави яратиш борасида кандидатлик диссертациясини ёзмоқда.

СоюзНИХИнинг Андижон бўлимида қирққа яқин илмий ходим пахтачиликнинг равнақи йўлида тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Улар минерал ўғитлардан унулли фойдаланишнинг эффектив йўлларини топиш, алмашлаб экиш нормаларини белгилаш, пахта етиштиришда тупроқнинг потенциал имкониятини, янги пахта навларининг сув режимини аниқлаш, вилтни йўқотиш учун астойдил хизмат қилмоқдалар.

Т. АВВАЛОВ

ЭНГЕЛЬСНИНГ

ШОГИРДИ

ЮРТДОШИМИЗ

Фридрих Энгельс атоқли рус революционерлари — Плеханов, Лавров, Лопатин, Засулич, Степняк-Кравчинский ва бошқалар билан узоқ йиллар дўстона алоқада бўлган эди. У билан неча-неча бор учрашган, мактублар ёзишган, ундан маспахат ва кўрсатмалар, зарур китоблар олиб турган Герман Александрович Лопатин ўтган асрининг 80-йилларида Тошкентда яшади.

Бу ажойиб ҳамшаҳаримиз 1864 йили Лондонда ташкил топган I Интернационал Инжоня комитетининг аъзоси эди. Маркснинг «Капиталини» ҳам рус тилига биринчи бор Герман Александрович таржима қилган.

Г. Лопатин Тошкентда эканигида «Сибсий тўғараю» мажлисларида қатнашиб, маҳаллий демократларни ерли аҳоли ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилишга, уни озодлик курашига жалб этишга даъват қиларди. Унинг «Народная воля» революцион ташкилотини мустаҳкамлаш режаси ҳам шу ерда тутилган эди. У Маркс билан яна

учрашмоқ учун Лондонга отланади. Лекин Герман Александрович учун ўз уйдик бўлиб қолган дохий уйдига бу учрашув рўйбга қичмади. Оташн революционер чегарадан ўтаётган киши Маркс вафот этган эди.

Герман Александрович шаҳримизда экан, инглиз тилида босилган «Чанг ва саломатлик» китобини русчага таржима қила бошлайди. «Бу ҳам сизларга асқатиб қоллади», дерди у дўстлари бўлиши рус зиниларига. Улар орасида врачлар ҳам бор эди. Герман Александрович бу гапи билан маҳаллий аҳолининг сиҳат-саломатлигини ва истиқболини кўзда тутилган эди, албатта.

Тошкентнинг Герман Александрович Лопатин номи билан аталган обод кўчаларидан бири халқ бахт-саодати учун курашиш шаънига қўйилган тирик ёдгорликдек тобора янашмоқда.

ХАР сафар Марказий Фарғонага борганимда Манноп Жалолов билан суҳбатлашаман. Бутун борлигини, меҳнатини совет пахтачилигини юксалтиришга бағишлаган бу олижаноб инсондан ҳар сафар янги гап, янги фикрлар эшитаман. У доим янгиликка интилади, эртани ўйлаб иш тутайди, истибтоб иштиёқи билан ашайди.

Марказий Фарғона ерлари шундай ўзгариб кетдики, беш-олти йил илгари кўрган одам энди бу жойларни таниёлмайди. Инсон қадамга интизор, деҳқон меҳнатига ташна бўлган чўл ўрнида ажойиб ҳазина яратилди. Манноп Жалолов билан суҳбатлашганимда бутун Марказий Фарғона ерларининг олтин қалити шу деҳқоннинг қўлидадек туюлади менга.

Олтин куз. Ёз бўйи сарфланган билак кучи ўз самарасини кўрсатган палла. Бундай пайтларда Марказий Фарғона ерлари яна ҳам фақли бўлиб кетади.

Куз шамоли эсмоқда. Босволди, ананасларнинг ёқимли иси димоққа урилади. Боғларда мевалар фарқ пишган. Олтин чаноқлар кулиб боқайди. Хув анан пайкалда ўрта бўйли, тўладан кўлган, юзлари ёз офтобига қорайган деҳқон ўзаалари оралаб юрибди. Иттифоққа донг таратган пахтакор Манноп Жалолов ёз бўйи қилинган меҳнатдан мамнун. Ғўза бўлиқ, ҳосил мўл бўлди. Ҳадемай мана шу пайкалларда қудратли агрегатлар суза бошлайди.

Уни ҳаёл бир зум ўз қанотида чўлга келган дастлабки йилларига етаклайди. 1961 йилнинг ноябри эди. Манноп Жалолов зунининг кўп йиллик қадрдон бригадасини ташлаб, йигирма чоқли ўртоқлари билан Марказий Фарғонага келди. Уларга 200 гектар ер ажратиб берилди. Шу ернинг 120 гектарига чигит экиб, 7 центнердан ҳосил олишган эди ўша йили. Нега шундай паст ҳосил олинар эди? Чунки, деҳқончилик маданияти паст, ерни шўр босган, қамшизор, тўнғай эди.

Чўл ва деҳқон ўртасида кураш бошлади. Кураш бўлганда ҳам ҳақиқий кураш. Ленин районидagi Карл Маркс номи колхозда гектаридан 45 центнерга етказиб ҳосил кўтариб келган Манноп Жалолов Марказий Фарғона ерларида ҳам юқори ҳосил етиштириш мумкин ва зарурлигини исботлаш учун курашди. Ақил-иҳрод, инсон матонати енгиб чиқди. Чўл чекинди. Чўл ўрнида янги бог-роғлар, кенг пахтазорлар пайдо бўла бошлади. Шинам уйлар қад кўтарди. Ҳосилдорлик 30 центнерга етди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу кўрсаткич охиригача эмас... Бундан бўён Марказий Фарғона ерларининг жамоли очилмаверди.

Манноп Жалолов ана шулар ҳақида ўйлар,

бригаданинг келажаги ҳақида, пахтазорда си-наши керак бўлган агрегат ҳақида режа ту-зар эди. Асосий қийинчиликлар орта қолди.

Манноп Жалолов шийпонга етб келганда, кечкурун шу ерда йиғилиш бўлишини айтиш-ди.

Кечки пайт. Колхоз коммунистлари тўпла-нишди. Район партия комитетининг биринчи секретари Абдурашид Исмоилов ҳам шу ер-да. Биринчи бўлиб райком секретари сўз олди:

— Биз чўлқуварларнинг вазирамиз, масъу-лятиимиз ҳаммага маълум,—деди секретарь.— Бу ерга, чўлни ўзлаштирамиз, ҳосилдорлиқни кўтарамиз, хўжалиқни тиклаймиз, деб келган-ми. Лекин силарнинг колхозингиз мана бир неча йилдирки, бир жойда депсиниб қолди. Колхоз раиси ишдан бўшатиш ҳақида ариза берди. Унинг илтимосини қондирдик...

Ҳар бир коммунист райком секретарининг сўзларини диққат билан тинглаб, ўзича му-лоҳаза қилар эди. Дарҳақиқат, колхоз кейин-ги йилларда анча чўкди. Ҳосилдорлик псайиб кетди. Ҳар гектар ердан 16—17 центнерга етар-етмас ҳосил олинадиган бўлиб қолди. Нега шундай бўляпти? Ер ёмонми? Йўқ. Бир хил шароитда Манноп Жалолов бригадаси 30 центнердан ошириб ҳосил кўтаряпти-ку! Ер-нинг ёмони бўлмайди. Фақат у билан тўғри муомала қила билиш, унинг қадрига етиш ке-рак. Бунинг устига раҳбарга кўпчилик эрга-шиши лозим. Кўпчилиқни ўз изидан эргаши-риш, янги зафарларга руҳлантириш учун етарли билим, ташкилотчилик қобилияти ҳам бўлиши зарур. Собик раисда ана шулар етиш-масди. Шунинг натижасида колхоз фақат пах-тачилик соҳасидагина эмас, чорвачилиқда ҳам оқсаб қолди. Дарҳақиқат, хўжалиқни тиклаш керак эди.

— Биз колхознинг чўкиб қолишига бефарқ қараб тура олмаимиз,—деб сўзида давом этарди райком секретари.—Уни юксалтириш, тараққий эттириш керак. Коммунистлар иш бо-шида бўлишлари лозим. Колхозга янги раис тавсия этиш учун силар билан маслаҳатлаш-гани келдики.

Бир зум орага жимлик чўкди. Ҳамама ком-мунистлар ўзларича мулоҳаза билан банд. Ҳар бир колхозда ўз меҳнати билан хурмат қозонган, тадбиркорлиги билан кўпчилиқнинг диққатини ўзига тортиган одамлар бўлади. Ма-на ҳозир ҳам райком секретарининг гапидан сўнг коммунистлар ўз хўжалиқларидаги ана шундай кишиларни хавёларидан ўтказишар, улар орасидан колхоз раҳбарлигига муносиб номзод излашар эди.

Жимлиқни Бўлишбой Мирзақаримов бузди. У вазминлик билан сўз бошлади:

— Колхозимизда камтар, қамсухан, жоң-куяр раҳбар сифатида танилган, деҳқончилик рисоласини мукаммал эгаллаб олган комму-нист бор,—деди у.

Ҳамама унинг сўзларини диққат билан тинг-ларди. Бўлишбой сўзида давом этди:

— Бу, Манноп Жалолов. Уни раис қилиб сайласанг, ҳамма колхозчиларимизнинг му-даосини амалга оширган бўлаимиз.

Барча коммунистлар Бўлишбой Мирзақари-мовнинг фикрини ақидилик билан қўллаб-қув-ватладилар. Шундан сўнг умумий мажлис бўлди. Ҳамама колхозчилар янги раисни қар-сақлар билан олишладилар.

...Манноп Жалолов дала кезади. Илгари у фақат битта бригада ҳақида қайғурган бўлса, энди бутун колхозни ўйлайди, чўкиб қолган хўжалиқни кўтариш йўлларини қидиради. Колхоз кўп тармоқли хўжалик. Ҳамама соҳани



баравар юксалтириши керак. Юксалишнинг қалити эса ҳосилдорлиқни оширишда. Мўл ҳосил олингандагина даромад бўлади. Унинг бут-ун диққат-эътибори ернинг мелiorатив хо-латини яхшилаш, ундан тўғри фойдаланишга қаратилди. Колхоз аъзолари билан суҳбатла-шиб, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини синчковлик билан тинглади.

Маъмуржон Фозилов бошлиқ бригада аъзо-лари 70 гектар майдонда деҳқончилик қи-лашарди. Ҳосилдорлик 18 центнердан ошмас эди. Манноп Жалолов раисликка сайлангач, ана шу бригадага келди, аҳолини ўрганди.

— Бизда ҳам ҳосилдорлиқни кескин кўтар-са бўлади,—деди Маъмуржон Фозилов.—Ле-кин айрим ишларни амалга ошириш керак.

— Қандай ишлар экан?—сўради раис.

— Зовурлар тўлиб қолди. Уларни тозалаш, чўқурлаштириш керак. Мен бу масалани ил-гари правлениеда қўйганман. Баъзи пайтларда бригаданинг қўли қалталиқ қилиб қолар экан.

ДОНИШХОНА

АНДИЖОНДА янги типдаги ку-тубхона дастлаб Туркистон ге-нерал-губернаторининг руҳса-ти билан 1906 йили очилган. Лекин кутубхона Фарғона во-дийсидаги бошқа кутубхоналар сингари диққатига бўлиб, ташкил этилган йили тўрт юз-тача китоби бор эди. Ундан асосан, Чор ҳуку-матиининг чиновниклари, маҳаллий амалдор-лар, савдогарлар, бойлар ва уларнинг оила аъзолари фойдаланарди. Меҳнаткаш халқ бу ер-да қатнамасди, чунки биринчидан, бу ерда маҳаллий тилдаги китоблар бўлмади, иккинчи-дан, кўпчилик саводсиз эди.

Кутубхонада рус классик аъвучиларидан А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, А. Н. Островский, В. Г. Короленко, А. М. Горький асарлари ҳам бор эди, лекин диний ва буржуа маффаал-ларини мадҳ этувчи китоблар кўпроқ бўлиб, улар қўзғата кўринарли жойларга қўйилар эди.

Улуг Октябр Андижонда ҳам кутубхона ишнинг ривожланишига йўл очиб берди. Ян-ги-янги билим ўчоқлари, маданий-оқартув

муассасалари ташкил этилди. Область кутуб-хонаси ҳам кенгайди.

1966 йили ана шу кутубхонамиз 310 ўрин-ли улкан, чиройий бинога қўчиб ўтди. Бу би-нода олтига катта ўқув зали бор. Унга улўғ ҳамшаҳаримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобир номи берилди.

Ҳозир кутубхонамизда 350 минг нусхадан зиёд китоб бор, ундан 11 мингга яқин ўқувчи фойдаланмоқда.

Бу ерда илмий-методик, справка-библиогра-фия, хизмат кўрсатиш, фондини асраш каби бўлиmlар, кутубхоналараро ва сиртки абоне-мент, нота-музыка адабиётлари, чет эл адаби-ётлари секторлари ишлаб турибди.

Нодир китобларни танилаб, харид қилиш мақсадида билимдон адабиётшунослардан иборат комиссия тузилди. Комиссия аъзолари орасида Хошимжон Раъзоқов, Мирпошша Ҳа-бибов сингари адабиётшунос олимлар, О. Валихонов, И. Қосимов, О. Эгамов сингари адабиёт муҳлислари бор.

Биз аҳолидан нодир китоблар, қўлёзмалар сотиб олишни давом эттирмоқдамиз.

Классик адабиёт фондида Алишер Навоий-нинг 1905 йили Тошкентда босилган «Ҳамса»-си, 1907 йили Бухорода босилган «Махшуб ул-қулуби», Муҳаммад Ғиёсиддин Жамолид-дин бини Шарофиддин Мустафо Ободий-нинг 1842 йили Хиндистонда чоп этилган «Ғиёс ул лугат» асарлари сақланмоқда.

Кутубхонамиздаги нодир қўлёзмалар ораси-да Қўқон хонлиги адабий муҳитида ижод қи-либ, зунининг илгор қарашлари билан шурфат қозонган уфкан адиб мулло Муҳаммад Шариф Гулханнинг машҳур «Зарбулмасал» асарин-инг қўлёзмаси ҳам бор. Бу қўлёзма номая-лум китоб томонидан 1856 йилда кўчирилган. У Гулханнинг ҳозиргача маълум бўлган ҳам-ма қўлёзма нусхаларидан қадимийлиги ва тўлалиги билан устун туради. Китобнинг бирор ҳоким, амалдор ҳужми билан эмас, китобнинг ўз ихтиёри билан кўчирилгани аниқ сезилиб турибди. Хати мақтарли даражада чиройли эмас, анчагина саводли, эътибор билан кўчи-рилган. Китобнинг охирида китоб асаринг мазмунига мослаб:

Агар кўрсаиғ хатимда кўп хатони
Ўзимни сўқ, вале сўкма отомни,
— тарзида ўқувчидан ҳазиломуз уэр сўрайдики,
бундан ҳам китобнинг мутойибага мойил ки-ши эканлиги, китобни шоирга муҳлислик юза-сидан кўчирганлиги билиниб турибди.

Кутубхона фондида нодир «Гулшани ашъор» девони ҳам қабул қилинди. 1914 йили Тош-кентда босилган бу девон 150 ғарақ бўлиб,

— Тўғри,— бригадирнинг гапини маъқуллади раис,— бундай ишларни фақат бригадага ташлаб қўйиб бўлмайди.

— Яна шунини айтиш керакки, анча-мунча еримиз чиртинг-пиртингга чиқиб кетган. Агар асосий зовурларни чуқурлаштирсак, айрим ёрдамчи зовурларни текислаб, пахта ерига қўшиб юбориш мумкин. Мана ўзингиз кўриб турибсиз, зовурлардан чиққан тупроқ қанча ерни эгаллаб ётибди. Ана шу тупроқни суриб ерга ер қўшиб мумкин. Бунинг учун механизм керак...

Раис бошқа бригадаларнинг ҳам шароитини яхши ўрганиб чиқди. Илгор пахтакорларнинг маслаҳатини олди. Шунга қараб иш тутди.

Манноп Жалолов раисликка сайланган дастлабки — 1969 йилда колхоз пахтакорлари 620 гектар майдонда дехқончилик қилдилар. Хар гектар ердан 24,7 центнердан ҳосил олинди.

КАЛИТ

Бир йилда ҳосилдорлик гектар бошига 8 центнерга кўтарилди. Колхозчиларнинг хар бир меҳнат кунига 6 сўм 10 тийиндан пул тақсимлаб берилди...

Яқинда Бўзга йўлим тушиб, Манноп Жалолов билан учрашди.

— Бу йил 700 гектар ерда пахта етиштирдик,— дейди раис.— Мўлжалимиз колхоз бўйича 30 центнерли маррани эгаллаш. Даламизда ана шу ҳосил бор. Борди-ю, шу маррани эгалласак, бу йил пахтачиликда ишлаган хар бир одам ҳисобига 15 тоннадан ҳосил етиштирган бўлаемиз.

— Сизларда ўн кучи кам, ҳосилни йиғиб-териб олиш қандай ташкил этилган?

— Биз машинага таяниб иш кўраемиз. Далаларимизда ўн иккита машина ишлайди. Хар бир машина учун чқки кишидан механик-ҳайдовчи тайёрлади. Улар машиналарни унумли ишлатишапти. Биз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 30 процентини агрегатлар ёрдамида териб оламиз.

Машина терими ҳақида гап борар экан, Манноп Жалолов мийғида кулиб қўйди-да, бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

Машина терими айни авнига чиққан палла. Бригадалар ўртасида колхознинг Кўчма Қизил байроғи учун қизгин кураш борарди. Олдинда Аҳмаджон Қомиллов бошлиқ бригада аъзолари пахта топширидилар. Нуъмонжон Ҳошимов бошлиқ бригада эса уларга етиб қолган. Хар иккала бригадада ҳам иккитадан машина ишлаб турарди.

Раис дала айланиб қуёш тиккага келганда Аҳмаджон Қомиллов бошлиқ бригада даласига ўтди. Уни бригадир қарши олади.

— Ҳорманг, бригадир,— дейди раис.
— Саломат бўлинг!— дейди Аҳмаджон Қомиллов.

Бригадирнинг авзои бузуқ. Унинг юрагига қил ҳам сиймайди. Бригада пешқадамлик қилётган бир пайтда тунга 4—5 процентдан пахта топширилиб кўрилган доллар бақчаларда бутун бошлиқ битта агрегат арзиммаган камчилик учун тўхтаб ётса, бригадир ачинмайди-ми ахир?

— Нима бўлди?— деб сўрайди раис, пайкал ўртасида тўхтаб турган агрегатга ишора қилиб.

— Нимасини айтасиз, барабан шестернясининг иккита тиши синиб қолди.

— «Узсельхозтехника» район бирлашмасига хабар қилмадингизми?

— Ҳа, ўша заҳотиёқ айтганмиз,— деб жавоб беради бригадир. У рўпарадаги лўппи бўлиб очилган чоноқлардаги пахталарни териб олади. Кафтда нуқра пахталарни салмоқлаб кўриб, раисга юзланади: — Бу пахталарни етиштиргунча озмунча тер тўқдикми? Ҳамма иш битиб, энди териб олишга келганда ўртоқларимиз шундай бепарволик қиладиларми? Ахир битта агрегат 50—60 теримчиининг ишини бажаради-ку. Машинанинг обрўсини кўтарган сиздай механизаторга машинанинг аҳамиятини тушунтирмоқчи эмасман.

— Тўғри айтасиз,— дейди раис,— мен мана шу машина тўғрисида элда эътибор топдим. Унинг қадрига етиш керак, ундан кўз-қулоқ бўлиб туриш керак.

— Шунини айтман-да,— раиснинг гапини бўлади бригадир куюниб.— Машиналарни эҳтиёт қисм билан таъминлаш, ҳолидан хабар олиб туриш «Узсельхозтехника»даги ўртоқларга топширилган. Улар хар бир машинанинг унумли ишлашини таъминлашлари керак. Уларда ҳамма шароит мавжуд, кўчма устaxonалари бор. Ростини айтсам, уларни бугунги ишнинг унуми ҳам, маблағ жамғариш қизиқтиради шекилли. Кечадан буён ўзимни қўй-

гани жой топпайману, улар бамайлихотир юришибди.

Манноп Жалолов бригадада кўп туролмайди. Чунки кўчма устaxона қақриб, агрегатни юргизиб керак. У идорига йўл олади. Йўлда бораркан, Аҳмаджон Қомилловнинг сўзлари ҳамон кулгоги остида жаранглайди, уни ўйлашга мажбур этади.

Тўғри-да, битта машина 50—60 одамнинг ишини адо этсаю, арзиммаган деталь ишдан чиққиси билан соатлаб, ҳатто куналаб тўхтаб ётса. Ахир, битта теримчининг тоби қочса, дарҳол врач қақрилади. «Тез ёрдам» тўхтовсиз етиб келади. Уни доволайди, доволаб, оёққа турғизади. Бизда инсон қадрланади, эъзозланади. Пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш инсоннинг меҳнатини энгиллатиш учун-ку. Шундай экан, нима учун машинага бепарво қарайдилар. «Узсельхозтехника» ходимлари зийраклик билан ишлашлари керак. Колхоз далаларида ишлётган хар бир агрегат уларнинг ҳисобига, назарига туриши керак. Биронта агрегат тўхтаб қолгани, улар дарҳол етиб боришлари, худди «Тез ёрдам»дай бузилган машинани тузатиб, юргизиб юборишлари керак.

Манноп Жалолов «Узсельхозтехника» район бирлашмасига хабар қилади. Лекин, у ердаги ўртоқларнинг бепарволиги тўғрисида агрегат икки кундан кейингина юради. Натижада Нуъмонжон Ҳошимов бошлиқ бригада Аҳмаджон ака бошлиқ бригададан ўтиб кетади. Колхознинг Кўчма Қизил байроғи Нуъмонжон Ҳошимов бригадасига берилди.

...Раис ҳамон дала айланади. Қудратли агрегатларнинг мотори гуруллабди. «Оқ олтин» ортилган прицеплар тайёрлов пункти томон елади. Мана, яқинда юбилей ҳосили ҳам йиғиштириб олинади. Келгуси йил мўл ҳосили учун тайёрларлик кўришга киришляди. Ҳа, хайдов тракторлари, шудгор қилиш учун керакли механизмларни шайлаб қўйиш керак. Раиснинг назаридан ҳеч нарса қочиб қутулмайди. Фермада ҳам иш чакки эмас, хар бир сизгидан ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп сут соғиб олинди. Қуриш жадал кетмоқда. Колхоз қишлоқлари водопроводлаштирилди. Хонадонларга газ келтирилмоқда. Социалистик қишлоқ шаҳар қиёфасига кириб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мўмай даромад тўғрисида. Қишлоқ хўжалик махсусотлари етиштириш қанча кўпайса, турмуш шунча яхшиланади, қишлоқ кўркамлашади.

Бўз районидagi Партия XX съезди номидаги колхоз бундан буён ҳам юксала беради. Чунки бу хўжалик кележақнинг аниқ режаси билан иш тутадиган раҳбарлар қўлида.

Собир ШОКАРИМОВ

унда Урта Осиёда ном қозонган йигирма саккиз шоирнинг ғазаллари тўпланган. Девонда Лутфий, Жомий, Нодира, Увайсий, Фазлий, Махзуна, Гулханий, Хувайдо, Муқимий, Фуркат, Завқий, Хислат, Ривёзий, Акмал, Шавкий, Рақиб, Ходимий, Қори, Марҳума, Зиналий, Мискин ғазалларидан намуналар берилган.

Нодир китоблар бўлимида Кўқон хони Амир Умархоннинг 1880 йили Истамбулда босилган 222 саҳифали девони ҳам бор. Шоира Увайсийнинг 1864 йили Кўқон шаҳрида қўлда кўчирилган 120 ыарақли девониде хали эълон этилмаган ғазаллар бор эканлиги аниқланди.

Нодир китоблар орасида Мирсаид Шарифнинг 1889 йили қўлда кўчирилган «Олдузлар харакати» китобини, Муҳаммад Назар Нейматиллохон ўғли томонидан 1813 йили Ураеплада қўлда кўчирилган, муаллифи номаълум бўлган «Ернинг ости-усти сирлари ва ҳазиналари» деган китоб ва Заҳрирдин Муҳаммад Бобирга бағишланган «Рисола» каби асарларни учратиш мумкин.

Бобир номидаги Андижон область кутубхонаси қошида ташкил этилган нодир асарлар фондида тўпланётган барча қўлёзма ва босма асарларнинг мукамал библиографиясини тузмокдамиз. Бизнинг олдимида бу нодир қўлёзма ва босма асарларни ўрганиш, уларни халққа таништириш вазифаси туради.

И. ТЎХТАЕВ,

Бобир номидаги Андижон область кутубхонаси директорининг ўринбосари



Шу йилнинг ўрталарида жаҳон анатомларининг IX Халқаро конгресси бўлиб ўтди. Бу конгрессда Ўзбекистондан икки киши доклад қилиш шарафига муассар бўлди. Уларнинг бири Андижон Медицина институтининг доценти Иброҳимжон Қосимхўнаев эди.

Иброҳимжон ҳозир ўттизда. У медицина фанининг кўл урилмаган сирларини нашф этиш устида тинмай изланмоқда. Унга устози профессор И. Мардерштейн ва профессор А. Ханжин нўмаклашмоқда.

1966 йили Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган VII Бутуниттифоқ анатомлар съезиде И. Қосимхўнаевнинг «Одамдаги плевра чегараларини мерометрия усули билан ўрганиш» деган мавзудаги доклады делегатларда зўр қизиқиш уйғотди. Мавлақатимизнинг машҳур олимларидан профессор С. Михайлов ва доцент В. Забродская бу докладыни, жаҳон анатомия фанига қўшилган ҳисса, деб баҳоладилар. Уша йилнинг кузида Иброҳимжон кандидатлик диссертациясини ёллади. Ҳозир у докторлик диссертациясини устида ишламоқда.

У. РАХИМОВ фотоси



Истиқбол эгалари.

У. РАҲИМОВ фотоси

Исмоил ТУЛАКОВ

Қулаов

Емгир ёғиб, сувлар лойланиб,
 Узанидан тошганда анҳор,
 Қалдирғочлар, сўкда айланиб,
 Қўшиғини бошласа такор,
 Тонгда туриб йўл олса қизлар
 Қизгалдоқдан қирмизи қирга,

Қўкда ёлғиз қолган юлдузлар
 Қизлар билан йўл олса бирга
 Ё куйласа тонг олди биров,
 Эшитилса бўсалар саси,
 Келибди, дер кексалар дарров,
 Андижонга баҳор нафаси!
 Уйғонади шунда бог, дала,
 Қўшиқ куйлар томирларда қон.
 Хаёлларни қолдириб чала,
 Кетмонини олади деҳқон.

Бир дам туриб уват бошида
 Она-ерга айлайди таъзим.
 Олинажак эгат қошида
 Миллионларга қилади азм.
 Буюк мақсад сеҳри билан маст,
 Мўйсафидлар дейдилар такор:
 — Чойхўрликнинг фурсати эмас,
 Андижонга келибди баҳор!
 Қутолмадим, дўстлар, бу сафар,
 Андижонда фасли наврўзи.

Лекин насим қалбимга саҳар
 Олиб келди ажиб бир сўзни;
 Олиб келди хушбўй бир дoston —
 Андижондан гуллар атрини
 Ва йўлимга кўз тиккан жонон —
 Дудогидан қўшиқ сатрини.
 Бошим узра қўшлар чарх уриб,
 Мушда бериб, такорлар бедор:
 — Қарши олгин постингда туриб,
 Андижонга келибди баҳор!

УСМОНОВНИНГ ҒИРОТИ

Бу ҳикоя атоқли адиб ва драматург Виктор Станиславович Витковичнинг «Узун мантублар» китобидан олинган. Сизга қўпдан таниш бўлган «Насриддиннинг кечмишлари» фильми сценарийсининг ва «Ўзбекистон бўйлаб» деган саёхатноманинг аuctори бу асарда республикамиз тарихи, маданияти, атоқли кишилари ҳақидаги хотиралари, ўй-фикрларини баён этади.

Бу воқеа Андижонда бўлган. Бироқ аввал мен ўзим қандай қилиб Андижонга бориб қолганимни гапириб берай.

1923 йилнинг баҳори. Тўққизинчи синфга ўтдим. Уқишларим тугаб, ёзги каникул бошланди. Тошкентдан Фарғона водийсига босмачиларга қарши курашадиган алоҳида отряд жунуб кетаётган эди. Асосан ёшлардан тузилган экан. Тўсатдан хабар топдиму етиб бордим. Мени ҳам бирга олиб кетишларини сўрадим. Калака қилишса ҳам олишди.

Андижонда полк штабига менга бошдан-оёқ разм солишди. Ешим ўн бешда, бўйим пастаккина. Овозим чийиллаб чиқади. Комиссар мени қуриб ўғлини эслаб кетдимикан... Ё, ёш бола деб раҳм қилишдимий!. Хуллас, мени бошқа ёққа юбормай, штабда чопар қилиб қолдиришди.

Казармада яшай бошладим. От тазалашни ўргандим. Пакет ташийман. Хуллас, асирга тушганларни ҳисобламаганда, ҳақиқий босмачини кўрмаган бўлсам ҳам, ўзимни олий адолат чўққисининг посбони деб билардим.

Бизда Усмонов деган ажойиб чавадоз, отбоз киши бўларди. Босмачилар унинг қишлоғига босиб кириб, ўт қўйиб юборишибди ва Усмоновнинг ифтихори бўлмиш Ғиротини тортиб олишди. Уша босқинчилардан ўч оламан, деб Усмонов бизга келиб қўшилган экан.

Усмоновнинг тўғри сўзлиги ҳаммага ёқарди. Лекин унинг бир ишидан полкдагилар доим кулиб юришарди: асир олинган босмачиларни сўроқ қилиш пайтида таржимон сифатида иштирок этаркан, гап орасида албатта ўзининг Ғиротини ҳам сўраб қўярди. Шундай қилиб, у ўзининг оти қаерда эканлигини, уни ким миниб юрганини ҳамма вақт аниқ биларди. Усмоновнинг энг улуғ армони Ғиротини миниб юрган ўша босмачи билан юзма-юз тўқнашиш эди. Шунда у шартта... йўқ, босмачини отмайди. Доим эгарига боғлаб юрадиган кўруқни баланд кўтарари-да, шадта газанданинг бўйнига ташлайди. Уни отдан тортиб туширади ва шармандай шармисор қилиб, судраб кетади.

Лекин, тасодиф ўз амрича иш қўриб, бу орада қизиқ воқеа рўй берди. Босмачилар билан тўқнашувда Ғиротни Қизил Армиянинг бошқа бир қўшилмаси кўлга киритди. Буни эшитиб Усмонов жуда қувонди ва дарҳол отини қайтариб олгани жўнади. Аммо ўша қисм командирига Ғирот ёқиб қолган экан. Қолаверса, отни жангда ўлжа туширгани учун бергиси келмабди.

Усмонов ўша командирнинг олдига қайта-қайта борибди, ялиниб-ёвориб отини сўрабди, сотиб олмақчи бўлибди, ўрнига бошқа от берай, дебди. Командир, бермайман, деб отини тираб туриб олибди. Шундан кейин бир кунги кечаси Ғиротни ўғирлаб келибди. Табиий, Усмонов от ўргиси сифатида жиний жавобгарликка тортиладиган бўлди. Уни революцион ҳарбий трибунал суд қилиши керак эди.

Бутун эскадрон йиғилиб Усмоновни қутқариб келгани бордик. Биз уни қутқариб олардик ҳам, негаки суддан илгарийёқ бор гапни трибуналга тушунтирган эдик. Усмоновнинг оқланшини ҳам, унинг отини қайтариб беришларини ҳам билардик. Бироқ Усмоновнинг ўзи бундан беҳабар эди.

Хуллас, ўз отини ўғирлагани учун суд қилаётганликларига камоли таажжубланганиданми, ё ори келганиданми (қизил чойхонада очик суд борар, атрофда тумонат одам йиғилган эди), ҳарқалай, прокурор айбонмани ўқиб бўлмасданқо Усмонов, сал қарида, яғринига қўнган пашшаларни думи билан беозоргина қўриб турган Ғиротга (у далилий ашё сифатида келтирилган эди) сакраб минди-да, бир зумда чанг-тўзон кўриб кўздан ғойиб бўлди.

Уни қувиб етолмадилар. Иш ҳиддий тус ола бошлади. Ҳарбий трибуналдан қочиб

кетганлиги учун энди Усмоновни оғир жазо кутарди.

Усмоновни қўл изладилар, лекин натижа чиқмади. Полк штабига, у душманларга қўшилиб кетган, деган қарорга келишди. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди. Уша вақтларда ҳаёто шунанга ҳам бўлардикми, босмачиларга қарши жон-жаҳди билан курашаётган кишининг ўзи босмачи бўлиб чиқар, фақат бошқа бир тўда вақили эканлиги аниқланар эди...

Аммо, Усмоновни яхши билганимиз учун, биз бу таҳминларга ишонмасдик. Шунинг учун гоҳо командиримизнинг қилиғига кулиб қўярдик. Негаки, у Усмоновнинг босмачи эмаслигига ишонса-да, бироқ асирларни сўроқ қилаётганда, Усмоновни ҳам сўраб қўярди. Ҳазил-ҳазил билан анга вақт ўтди. Бир кунги командир...из охири тўқнашувда асир тушган босмачи а Усмоновнинг совмили сазолини бериб, Ғиротни сўради. Босмачи тўсатдан, «Миш-мишларга қараганда, Ғиротни Полвонкул қўрбоси миниб юрганиш», деди. Бу гапни эшитиб, ҳаммаимизнинг кўнглимиз хиралашди. Усмоновнинг бошига кулфат тушгани аниқ эди. Ғиротники бегона одам миниб юрган экан, демак Усмонов оламдан ўтибди. Собиқ қуролдошимизга ачиндин, гапнинг рости, ўша ўжар командирдан хафа бўлдик. Ахир, қайсарлик қилмай, бечора Усмоновга Ғиротни қайтиб берганида, у тирик қолармиди...

Орадан бир ой ўтди. Август кунларининг бирида худди афсонадагидек ҳодиса юз берди. Кечаси эди. От кишнаганини эшитиб уйғониб кетдим. Кетма-кет гувиллаган товуш келди. Бундай товуш одатда фақат йилқи уюрлардан келади. Югуриб казармадан чиқдим. Ойдаида бир гала от ер депсиз, кишнаб турарди. Зинапояда эса, командиримиз. Унинг олдига эса... қозикдай қаққайиб... Усмонов турибди! У оппоқ тишларини ярқиратиб доқлад қилляпти:

—...уларнинг юз чоғли қиличи бор, аммо биронта ҳам оти йўқ!

Усмоновнинг жасоратига одам ёқа ушларди. У ўша суддан қочган кунги Ғирот эвазига босмачиларнинг бир уюр отини олиб келишга қасд қилган экан. Босмачиларнинг ичига кириб борибди. Уларнинг ишончини қозониш учун бор ан кунийёқ Ғиротни Полвонкулга инъом этибди. Босмачилар Усмоновга астойдил ишониб қолишган, бир кунги тунда уларнинг отларини ўлатгани олиб чиқибди. Уша кечасиёқ Ғирот билан бирга ҳамма отларни ҳайдаб келибди.

Ярим соатдан кейин карнайчимиз ҳарбий тревога сигналинни чалди. Усмонов эскадронимизни тоққа бошлаб кетди. Полвонкул шаклеси қисқа мuddатли қаттиқ жангда тормор этилди. Қочган-қутган босмачилар эса кейин бирма-бир тутиб олинди.

Яна шуни айтишим керакки, бир неча кундан кейин Усмоновни революцион ҳарбий трибунал суд қилди. «Ўғуноҳини енгиллаштирувчи шарт-шароитларни ҳисобга олиб» трибунал уни йигирма кунлик қамоққа ҳукм қилиш билан чегараланди. Усмонов қамоқдан чиқиб келгач, командиримиз батальонни сафга тизди. Усмоновга кўмондонлик номидан ташақкур эълон қилди ва унга номи ёзилган олтин соат тақдим этди.



Андижон районидagi «Ўзбекистон» колхозининг илгор чўлони Тожибой Мамасолиев,
У. РАХИМОВ фотоси

ШУКУР БУРХОН

4

«Икки коммунист» ҳам Ҳамза асарлари сингари худди ҳозир ҳаётда содир бўлиб турган воқеалардан ҳикоя қилар эди... Маълумки, инглизлар «шарқнинг Наполеони бўлишга даъвогар» деган Анвар пошшо бундан тўрт йил муқаддам Афғон чегарасида қизил аскарлар ўқидан жон берган бўлса-да, унинг ислом лашкарларидан қолган-қутганлари ҳали Фарғона, Сурхондарё тоғ оралиқларида соғдай судралар, кундузлари оддий қишлоқ либосида халқ орасида юриб, кечалари талончилик қиларди. Саркарда Фрунзе маҳаллий халқдан кўнгиллилар ва қизил гвардия отрядлари тўзиб, босмачиларнинг сўнгги қароргоҳларини тор-мор этмоқда эди.

«Икки коммунист»да худди мана шу воқеалар тасвирланарди. Коммунист Арслон босмачилар қўлига тушиб қолади, у ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун ўлимга ҳам тайёр... Ана шунда босмачилар қароргоҳда мачит мезанасига чиқиб олган кўнгилли Деҳқонбой олисдан қизил аскарларни имлаб ёрдамга чақиради. Жанг бошланади...

Шукур асар ўқиб бўлиниши биланоқ ўзи Арслон ролини ўйнай олишини таҳмин қилди ва беихтиёр Абдор Ҳидоятовга қаради, «бу роль шу кишига берилади-ку», деб, руҳи тушди.

У асабийлашиб ўтирганда, режиссёр унга Деҳқонбой ролини тавсия қилиб қолди.

Шукур ўз қулоқларига ишонмагандек, ўрнидан сакраб турди.

— Хўп,— деди ҳаяжонда, секин жойига ўтирди, бошини қуйи солиб, ўз ўйи билан машғул бўлди: «Кичина роль... Мунча ҳаяжонланмансам?» Студия машғулотига Алексеев Станиславскийнинг машхур гапини эслатган эди: «Ролнинг катта-кичиги бўлмайди, артистнинг катта-кичиги бўлади!» Шунда Шукур ролни ўзинга хос, бошқалардан тамоман ажралаб турадиган таразда ўйнашга ҳасд қилди.

Асарнинг бир нусхасини шу кечаёқ ётоқча олиб кетиб, қайта-қайта ўқиди, Деҳқонбойни кўз олдига келтиришга уринди.

Қизиқи, Шукур ролни тайёрлашга унча қийналмади: Деҳқонбой содда йигит, аяни чоғда мард... Арслонни жуда севади. Бу хислатлар Шукурнинг ўзида бор эди. У Ҳидоятовга сал ҳасад билан қараса-да, уни севиниши ҳис этди. Шундай қилиб, у қийналмасдан Деҳқонбой қиёфасига қира олди.

Уч ойлик меҳнатдан сўнг спектакль тайёр бўлди. Самарқанд кўчаларида афишалар кўрина бошлади. Спектакль қўйиладиган кунни эса театр олдига одатдагича карнай-сурнай чалиниб, халқ томошга даъват этилди.

Саҳна очилди.

Гал Шукурга ётар экан, у ўзини худди имтиҳондагидек сезди: артист бўла олиши ёки бўла олмаслиги ҳозир билинади: бу сўзсиз саҳналарда чиқиш эмас, бу «Касабалар боғи»даги томоша ҳам эмас, бу ердаги томошабин ҳам бошқа.

Лекин Шукур саҳнага чиқибоқ ўзини унутди — Деҳқонбойга айланиб қолди.

Ниҳоят, гулдурос қарсақлардан ўзига келди, томошабиннинг қистови билан таниқли артистлар сафига саҳнага қайта чиқди: у бир роль биланоқ тажрибали артистларга тенгшаркан эди...

Эртаси «Шарқ ҳақиқати» газетасида «Икки коммунист» спектаклига бағишланган мақола чиқди. Мақола автори Фафур Гулом Абдор Ҳидоят-ов ёнида номалълум ёш артист Шукур Бурхон пайдо бўлди, деб ёзган эди.

Шукур шу газетани отасига ўқиб бераётган Убайни кўз олдига келтирди. Назариди, ота унинг «айби»дан ўтадигандек эди...

Шу кеча у уйига хат ёзиб, ахвол суради ва ўзи учун артистлигидан бошқа ҳунару келажақ йўқлигини билдирди.

Давоми. Боши журналнинг 10-сонига.

Пьесада ўйналган воқеалар ҳаётда шафқатсизроқ бир тарзда давом этар эди...

Театрнинг талантли артисткаси, Москва драмстудиясининг солиҳ талабаси Турсуноӣ Сайидзимовани ёт унсурлар бўғизлаб кетишди; фаннинг, санъатнинг душманлари, инқилоб туфайли озодликка чиққан заҳматкеш халқнинг душманлари Ҳамза Ҳакимзодини — янги ўзбек драматургиясининг асосчисини, халқнинг асл фарзандини ваҳшиёна тош-бурон қилиб ўлдирилди.

Бу оғир жудодик театрни қаттиқ қайғуга солди. Артистлар зиммасига янада катта масъулият юкланди. Халқ театрга оташин Ҳамза номини берди, бу билан ижодий коллективнинг руҳи равшанлашгандек бўлди.

Бу воқеалар ёш Шукур Бурхонга айниқса қаттиқ таъсир этган эди. У артистлиқни ўз ички эҳтиёжини қондиришига эмас, маърифат талаб халқнинг эҳтиёжини қондириш ҳам эканини чуқур тушунди.

Бир оз вақт ўтиб, Ҳамза театри коллективининг Москвага, миллий санъатлар олимпиадасига тақлиф қилингани ҳақида хабар тарқалди, Шукур буни қувончу ҳаяжон билан қаршилаб, кетадиган кунларини сабрсизлик билан кута бошлади. Ёш артист у ердаги машхур театрларни тасаввур қилишга уринар, орауларига аста-секин етаётганига ишониб, ич-ичидан қувонар эди.

Москва. Бедий Академик театрга қардош халқлар олимпиадаси очилди. Шукур орау қилгани — Москваингига эмас, артистлар тилидада тушмайдиган бу машхур театрни ҳам кўрди.

Кейинги икки кун ичида ўйналган Горькийнинг «Тубанликда», Толстойнинг «Тирилиш» асарларини томоша қилди, бу спектаклларда бош ролларни ижро этган Молчанов ва Толчановларга узоқ тикилди, буларнинг ўйинидаги эркилик, табиий ҳаракат уни мафтун этди.

Ажаб, санъатнинг сехри шунчами?..

Шу кеча артистларнинг Маннон Уйғур бошлиқ бошқа гуруҳи Вахтангов театрида «Гамлет» спектаклини кўрган эдилар. Икки группа меҳмонхона майдонида учрашди. Шукур кўплар Маннон ака атрофини ўраб бораётгани, у киши ҳам ён-веридигилардан кўрган асарлари ҳақида таассурот сўраётганини пайқаб, шуларга эргашди. Уйғурнинг тақлифи билан унинг хонасига кирдилар.

Маннон ака графиндаги сувдан қуйиб ичди-да, пастак курсига ўтирди, бошқаларни ҳам ўтиришга тақлиф этди.

— Хўш, Абдор, сenga ёқдим, Гамлет?

— Йўқ, менга Чеховнинг ўйини ёқмади,— деди у кишини ноқулай аҳволга соладиган хотиржамлик билан.

Гарчи Абдор Ҳидоятов бу вақтда анча таниқли артист бўлиб, спектаклларда аксар вақт бош ролларни ўйнаб келаётган бўлса-да, унинг москвалик актёрга, ўзлари таълим олган вахтанговчиларга эътирози ҳаммани ҳайрон қолдиради.

— Нима учун?— деди Уйғур бирдан хўмрайиб.

— Менинг тушунишимча, Гамлет телба эмас. «Онажон, мени телба деб ўйламанг», деб ўзим айтди,— жавоб берди Ҳидоятов.

Давра режиссёрга қаради.

Шукур Бурхон ўзининг «Гамлет»ни кўрмаганига ич-ичидан ачинди. — Жуда тўғри, Абдор,— деди Ога ўйчан.— Биз бу асарни «Ҳамза»да ҳам кўямиз, Гамлет ролини сен ўйнасан.

5

Уйғурнинг актёрлар Оғаси, саҳна устаси бўлиб етишувига ўзининг бу соҳага табиий қизиқуви, рус, татар, озарбайжон артистлари билан яқин мулоқотлар ва қатор омилардан бошқа, яна икки ҳол, яъни Ҳамза билан дўстлиги ҳамда ўзи ишлаш бошлаган майдондаги зиддиятлар сабаб бўлган эди.

Зиддиятлар...

Маълумки, рус санъатию маданиятидан таъсирланиш, бусиз халқнинг маданиятини кўтариш мумкин эмаслиги ҳақидаги гоёни илк бор шоир Фурқат кўтариб чиққан эди. Аммо, кейинчалик буржуа ақиллари «жадидилар» бу гоёга доғ туширдилар, улар масалага ўз синфлари манфаатидан ёндашиб, илм-маърифатни ривожлантириш билан бирга мавжуд тузум билан келишувчиликни тарғиб этишди, Туркистонни Россиядан ажратиб олириши хаёл қилишди. Кейинчалик эса «турк», «улуг мусулмон империяси тузиш» гоёларини кўтариб чиқишди.

Инқилобнинг дастлабки кунларида жадидалар «Турон» труппасини ташлаб кетганларида Уйғур артистлар билан қолди ва труппани қайси йўлдан бошлаб бориш ҳақида ўйлаш бошлади... Ана шундай кунларнинг бирини унинг Ҳамза билан учрашуви содир бўлди. Ҳамзанинг ўзи Қори Еқубов ва Ҳожи Сиддиқлар билан бирга Уйғурни излаб топиб, узоқ суҳбат қилди. Кейин ўн саккиз кишидан иборат коллективнинг Қудратийла Махсум уйдаги йиғинида труппанинг номини ўзгартиб, «Карл Маркс» деб аташни тақлиф этди. Бу номнинг ўзбекча энди Уйғур труппасининг гоёвий йўлини белгилар эди. Ҳамза труппанинг репертуари масаласида ҳам кўп ўйларди. Кейинчалик унга ўзининг «Бой ила хизматчи», «Захарий ҳаёт» асарларини тақдим этди. Уйғур труппасининг Оренбург fronti сиёсий бўлими ихтиёрига ўтишига ҳам унинг шу репертуари сабаб бўлди. Труппа билан фронтдан қайтганда, Уйғурнинг дунёқараши шаклланиб битган, театрни халққа, жамиятни ўзгартиришга, янги тузумга хизмат қилдириш иштиёқи билан банд эди.

Зиддиятлар...

Уйғур ҳаётидаги кучли зиддиятлардан бири Ҳамза театри Москва олимпиадасидан қайтга бошланди.

Театрга бош режиссёр бўлиб, В. Витт деган шахс келди, кейин унинг атрофига О. Девисшова, В. Тихонов каби режиссёрлар тўпланди. Улар ўша йиллари саҳнада пайдо бўлган формализм ва натурализмни «Ҳамза» театрига ҳам олиб киришга уриндилар. Уша йиллари булар саҳналаштирган кўплаб асарлар тамоқила «ўзбеклаштирилган» эди. «Икки бойга бир малай» асаридида италян ишчилари ўзбекча чопон кийиб, белбоғ боғлаб, чойхонада ўтириб сузлардилар, ўзбекча ашула айтардилар, ҳатто номлари ҳам ўзбекчага таржима қилинган эди; Го-

голнинг «Уйланиш» ва «Ревизор»и ҳам булар тахририда обғи осмондан бўлиб сахнага кўйилди...

Бу борада жамоатчилик иштирокида бўлган мунозарарада Уйғур сўзга чиқиб, шундай деди:

— Формалист Витт Гоголь комедиясининг ҳаммага маълум бўлган текстини олмасдан, аввалги хом вариантларига мурожаат қилди. Ваҳоланки, Гоголнинг ўзи бу хомаки вариантлардан воз кечган эди. Витт Авдотья, Соқчи ва Поп сингари персонажларни тирилтириб сахнага олиб чиқди, ўзича айрим эпизодлар тўкиб, Гоголнинг ўлмас комедиясини шундай аяч аҳволга солди. Театр коллективи ҳақидан ошган бу формалистни ёмон йўлдан қайтаришга, спектаклни реалистик йўлга солишга уриниб кўрди. Лекин режиссёр ноўрин ўжарлиги билан формализм ва натурализмнинг энг кўпол шаклларини бошлаб кирверди...

Жамоатчилик Уйғур ва театр коллективи қарашларини ҳимоя қилди. «Қизил Узбекистон» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталари жиддий танқидий мақолалар билан чиқиди. Шундай қилиб, театрда Ҳамза бошлаб берган, рус илғор санъати таъсирида шаклланган реалистик йўл ғалаба қозонди.

Ҳамза билан Уйғурнинг мулоқотлари борасида яна кўпдан кўп сўз юритиш мумкин, лекин биз масаланинг бошқа бир жиҳати билан қизиқамиз.

Ҳамза шарофати билан тўғри изга, кўнгли сезиб юрган йўлга тушиб олган Уйғур устозига астойдил меҳр кўйди. Уйғур Ҳамза билан Шайхантахурда яшаганлари хусусида гапириб, шундай деган эди:

«Ҳамза ижод қиладиган кунлари на овқат ейишни, на уйқуни биларди, у ҳудди савдойи кишидек кўринарди. Бирон сахнани ёзиб битириши билан тўғри ҳужрамга келиб, баъзан ётган жойимдан тургазиб бўлса ҳам, ёзганини ўқий бошларди. Бундай ҳоллар кўпинча азонага яқин, соат тўртлар чамаси юз берарди. Биз ҳар бир сахнани батафсил муҳокама қилар ва кейин уни ўзимиз ўйнаб кўрардик. Ҳамза мулоҳазаларини доимо эътибор билан эшитар, баъзан эса мендан асарни тушунганимча овоз чиқариб ўқиб беришини сўрарди. Шундан кейин у дарҳол бирор нарсани кўшимча қилар ёки, аксинча, олиб ташлар эди...»

Шундай қилиб, Ҳамза ҳам Уйғурга дўстона меҳр кўйган эди. Маннон Уйғур ўз труппасида саҳналаштирган «Бой ила хизматчи»да Гофир ролини ўйнаб юрганида, Ҳамза ўз труппасида саҳналаштирган Уйғурнинг «Туркистон табиби» асарида табиб ролини ижро этарди.

Бу шуни кўрсатадики, Ҳамза Уйғурга ўз дунёқарши, режиссёрлик маҳорати билангина таъсир этиб қолмай, ундаги ижодий уйғонни ҳам сабаб бўлди.

Олимпиададан қайтиб, театрда пайдо бўлган хато йўлга қарши кураш олиб бораётган бир пайтида Уйғур Лопе де Веганинг «Кўзибулоқ» ва Комил Яшиннинг «Тор-морини сахнага кўр экан, Баҳоидир ролини ижро этаётган Шукур Бурxonнинг бош қаҳрамон ролини ўйнаётган Аббор Ҳидоятовга сўзсиз муомалаларини кўзатиб, бир кунги Етим Бобожаонга шундай деди:

— Шукур ўз устида кўп ишласа, артистик маҳоратини, маданиятини ошириб борса, етук санъаткор бўлади. Унда ҳамма имкон бор...

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— деди Етим Бобожаон.

— Лекин сезишимиз, у Абборга ҳасад қиладими...

— Топдигиз, мен бунини Москвадаёқ сезган эдим.

— Менинг фаҳмимча, бу ёмон ҳасад эмас, қайтага фазилат, ўзидан етук кишиларга интилиш яхши ҳислат. Баъзида бу — муваффақиятнинг замини ҳам бўлади... Шукурнинг бундай тез ўсаётганига Аббор билан ижодий муносабати ҳам сабаб бўлгани назаримда.

— Лекин бунинг хавфли томони ҳам бўлади, Маннон ака.

— Бўлади... лекин Шукур бошқа одам.

Театрга Яшиннинг «Ёндирамиз» пьесаси келди. Кейин, унинг атрофида Уйғур орзу қилган драматурглар пайдо бўла бошлади: Туйғун, у ўзининг «Хужум» пьесасини олиб келди; Зиё Саид ва Назир Сафаров, булар «Тарих тилга кирди» асарларини тақдим этишди; Зиннат Фатхуллин «Ниқоб йиртилди» асари билан келди...

Умаржон Исмоилийнинг қаҳрамоннинг ҳақиқат излаш борасидаги саргузаштларини ҳикоя қилувчи, бир қадар чўчмал, аммо эҳтиросли монологларнинг кўпчилиги билан томошабинга манзур бўла олган «Рустам» асари ўқилди. Шунда Маннон ака:

— Бош қаҳрамонни Аббор ўйнайди, Шукур унга дублёр бўлади!— деди ҳўмайиб ва иккисига ҳам қия қараб кўйди.

Шукурнинг дили ҳаприқиб, вужуди азобли қувончдан зирқиради. «Мен бу киши билан ўйнасам... бу кишига тенг бўлиб қолибман-да! Элгизюлмасам-чи!» Михаил Чехов ўйинини тан олмаган, Гамлет ролини банд қилган артистнинг салобати босиб, энди бу асар устида ишлаш унинг хавлини тамом банд этган эди.

Шубҳасиз, Шукур Бурxon театр артистлари орасида ҳам Аббор Ҳидоятлов кетидан бораётган, лекин ундан ўзининг «темпераменти» ва қизиқончилиги билан фарқ қилувчи артист сифатида танилган эди.

Режиссёрлар иккала артист билан ҳам навбатма-навбат репетиция қила бошлашди ва ҳар иккаласи ҳам ўз роллари, вазифаларини бир-хил тушунганлари учун, ўйинлари бир-бириникидан фарқ қилмаётгани сезиლა бошлади. Маннон ака «дублёрлар бир-бирига мос тушганидан мамнун, бироқ улар ўйинидаги бир хиллик уни гоҳо ташвишга солар эди: бу ҳол икки хил артистнинг ўзига хос тараққийига ғов бўлмасмикин?

Биринчи кунги Аббор, иккинчи кунги Шукур ўйнади. Режиссёр актёрларнинг бир-бирдан ошириб ўйнаш учун тиришганларини кўриб, кўнгли таскин топди.

6

Бир кунги Яшин «Номус ва муҳаббат»ни олиб келди. Асар ўқилгач, худди унинг илк пьесаси ўқилган вақтдаги вазият содир бўлди. Асар таниш, образ тушуниш борасида катта тажрибага эга бўлиб қолган артистлар авторни яна қизгин табриқлашди.

Маннон Уйғурнинг чеҳрасида эса кучли ҳаяжон ифодаси пайдо бўлди.



— Яшин профессионал драматург сифатида бизнинг театрга яқин турувчи бирдан-бир автордир,— деб бошлади у.— Мана янги пьесасини ўқидик. Мен бу асар билан авторни ҳам, театр коллективини ҳам табриқлайман! Пухта, ҳаётий асар!

Бу асардаги воқеа ҳам кундалик ҳаётдан, колхоз қурилиши зафарларидан, қулқларга қарши кураш лавҳаларидан ҳикоя қилар эди. Пьесанинг бош қаҳрамони Фуломжон. У мироб. Хотини Онахон—бригадир. Шулар орасида қарама-қаршилик пайдо бўлади. Бунга авваламбор Фулом сабаб. У ичкилини хуш кўрадиган, табиати энгил, шунга қарамай, хотинидан устун бўлишга уринадиган йигит. Фуломжоннинг табиатини яхши билган қулқ Яхшибой унинг нозик жойига тегади, «Эркак-лигин қайда қолди, хотининг сенга бўйруқ берса!», дейди ва уни Онахонга қарши қўяди. Фулом бригада пахтасига сув тошириб юборади, ҳатто хотинини ўлдиршига ҳам қасд қиладими...

Кейин, коллектив уни қайта тарбиялашга муваффақ бўлади. Фулом образи артистдан кўп асабият, ҳаяжон, шу билан бирга, соддалик ва чапанилик, керак бўлганда, ўз фикрини ўтказишга қайсар интилиш каби бир-бирига зид хусусиятларни талаб этарди.

Шукур образини ичда таҳлил қилиб, ўзи қандай ўйинини ўйлаб ўтирар экан, Уйғур:

— Энди ролларни тақсим қиламиз,— деди ва тантанали овозда билдирди:— Фуломжон ролини Шукур ўйнайди.

Бу Шукур Бурxonнинг муваффақияти, унинг яна бир бор тан олиниши эди.

Шукур яна бир оғир, мураккаб ишга киришиб кетди...

Шунда театр ҳаётида тагин бир янгилик содир бўлди. Театрга Академик театр унвони берилиб, у Тошкентга қўриқилдиган бўлди, пойтахт ҳам Тошкентга кўчаётган эди.

Шукурни ота билан учрашув — ҳаяжонли дақиқалар ташвишга соларди. «Наҳотки ярашмас!»

Тошкентга келиб тушдилар. Машина уларнинг юкларини Ҳамза театри учун белгиланган бинога олиб Борди. Тошкентлик артистлар уй-ўйларига тарқаб кетишди, Шукур эса «мусофирлар» билан қолди. Ҳа уйи шу шаҳарда бўлгани холда, унга Борломаслигидан беҳад ҳафа эди. Алам устида ижарога уй излашга тушди.

Мўйин-қобил зивели бир одамнинг ҳовлисидан қўноқ топди. Бу оила санъатни хуш кўрадиган тоифадан экан... Шукур улар билан иноқ бўлиб кетди.

Шундан кейин театр янги бинода, янги томошабинлар орасида фаолият бошлади. Шукур янги таниш-билишларини ҳам кузатиб, Фулом образига зеб берар экан, «Рустам»да ҳам чиқар эди. Кўнларнинг бирида спектакль бошлангич олдидан артистлар ҳовлидаги чойхонада ўтиришаркан, Аббор Ҳидоятлов Уйғурнинг қошига келиб:

— Ога, мен бугундан бошлаб «Рустам»да ўйнамайман,— деди.

Артистлар таажубланиб унга қарашди.

Маннон ака гап нимадалигини тушунди: бу талантли артистда ҳам Шукурга нисбатан ижодий рашк уйғота олганига ишонди, демак, «бу яна ўсади... кўп ўсади», деб ўйди. Сўнг Ҳидоятовга тикилиб:

— Ихтиёринг,— деди.

— Мен Гамлетни тайёрлайман.

— Мен ҳам шунини айтмоқчи эдим, вақт

етди, Аббор.

Шу дақиқада буларнигина эмас, буларга фахр ва эҳтиром билан қараётган артистларини ҳам кузатиш мароқли эди. Шукур Ҳидоятовга ташаккур аралаш шубҳа билан қаради, сабабини суриштирмоқчи ҳам бўлди-ю, нима учундир ботинмади.

Шундай қилиб, Рустамни Шукур Бурxon ўйнай бошлади. Бу унинг чинакам камолот сари бораётганидан далолат берар эди.

Кўнларнинг бирида у отаси билан ҳам ярашди.

Бурxonхўжанинг бир неча оғайинлари Шукурни тутиб, уйга боришини қаттиқ тайинла-



дилар. Шукур отасидан ҳайқиби боришдан бош тортиди. Сўнг театрга излаб бир неча марта келган Убайга ҳам, онасига ҳам шу гапини айтди.

Орада нима гап ўтган, бизга қоронғи, бир оқшом Бурҳонхўжанинг оғайниларидан бири театрга келиб, Шукурни йўқлади, уни қоровул-хонага чақириб:

— Бу кеча дадангиз театрга келадилар,— деди.

Шукур Бу зумда энг ашаддий томошабин олдида имтиҳон топшираганидай ҳолга тушди.

— Майли... яхши... деди овози бўйлиниқираб.— Жой олиб кўяман.

У киши қайтиб кетди. Шукур отаси театрга ўзини қандай тутишини ўйлаб, бирдан миясига келган ажойиб фикрини эшик оғасига айтди:

— Кечкурун мана шу одам билан менинг дадам келади спектаклга кўйворинг, бошлаб кириб, ложани курсатинг.

— Катталар ўтирадиган ложаними?

— Ҳа.

Ниҳоят. спектакль бошланди. Шукур саҳнага чиқар экан, парда ортдан мўралаб ложада ўтирган оқ саллали, қора камзул устидан чопон кийган отасини кўрди ва келганиданоқ унинг ҳузурига уэр сўраб бормаганига ачинди. Бу ҳолат унинг саҳнадаги ҳолатига тасодифан мос тушиб, образга ажойиб жилава берди. Спектакль тугагач, қарсақлар аралаш завдан кимнингдир «Отанга балли!» деб қичқиргани эшитилди.

Пардозхонада шошиб-пишиб артирар экан, эшикдан мўралаган қоровул:

— Сизни йўқлашяпти, Шукур ака,— деди.

— Дадамини?

— Шериклари йўқлашяпти... Ҳовлида.

Шукур ҳовлига чиқди, ишқом остида турган кишига йўлиқди. У Шукурнинг даст панжасини қўш кўйлаб ушлаб силкиди-да:

— Раҳмат,— деди.— Отангизга раҳмат!.. Энди дада-ғизнинг истаги шулки, эрта оқшом уйга борар экансиз.

— Албатта бораман.

Шундай қилиб, эртаси кечкурун Шукур Бурҳон маҳалласига оралади, уйга борди. Уни ҳовли юзюда отаси қарши олди, бағрига секин босиб кўришди. Супада она дуч келди, кейин Убай...

Бурҳонхўжа бу оқшом ёру дўстларини уйга чақирган экан. Улар олдин ўзларини қизиқтирган масалаларда: киш-бахор, савдо, кўчат хусусида гаплашишди. Сўнг дадасини театрга бошлаб борган киши:

— Қани, Бурҳонхўжа, мана, ўлгингиз қошингизда ўтирибди, бола бўлса шунча бўлади-да... Бу ёни қандоқ бўлди энди, сўзланг,— деди.

— Нимаям дер эдик,— деди ота.— Замонанинг зайли экан. Энди кўча дарбадар бўлиб юрмай, уйларига келсинлар.

Шукур отадан шу гапларнинг чиқиши ҳам катта ютүк эканини тушунар эди, хурсанд бўлиб кетди.

— Раҳмат, дада. Мендан ўтган бўлса, уэр.

У шу кеча ётиб қолди, индини кўчиб келди, ҳовли тўлди, ҳеч нарса ўзгармагандек эди...

Ниҳоят, «Номус ва муҳаббат» ҳам тайёр бўлди. Диди, бадий эҳтиёжи кўтарилиб қолган тошкентлик томошабин бу спектаклни ҳам яхши қабул қилди.

Шу йили театр яна Москвага таклиф этилди, Коллектив ўбдан тайёрланиб йўлга чиқди.

Москва томошабини!

Бу томошабин «Роҳат боғча»даги, Самарқанддаги, ҳатто Тошкентдаги томошабин ҳам эмас... Бу томошабин классик драматургия дурдоналарини кўрган, таъби-диди жуда баланд томошабин.

Бирок Уйғур ва Етим Бобоюндек санъаткорлар бошчилигидаги таланти коллектив ўз маҳоратини кўрсата олди.



Шукур Бурҳон — Анқабойнинг «Шодмон» (1934 йил), В. Биль-Белоцерновскийнинг «Чегарачилар» (1938 йил) пьесаларида бош ролларда.

Шукур Бурҳон бу гапга сафар маҳалида ҳам бўш вақтларини Москва Бадий Академик театри, Вахтангов театри ва «Ленин комсомол» театрларида спектакллар кўриш, актёрлик маҳорати ҳақида мулоҳаза юритиш билан ўтказди.

Айниқса МХАТда кўргани спектаклдаги бири лаҳзалик ҳолат унинг артистлик Бобида эришган таърибига кашфиёт бўлиб қўшилди:

Саҳнага турли тоифа одамлар қатори бир жулдур кийимли кишини кириб келди. Шукур уни кўриб: «Бир гадо-да», деб ўйлади. Аммо у томошабинга орқа ўтирган маҳалида унинг фатила-фатила соҳига илашиб турган узун ҳасни кўрдию энтикиб кетди: «Бу одам сомонхонада ётган, ҳозир туриб келяпти, усти-бошини қоқишга ҳам ҳарсаласи йўқ... йўқ, у ўрганиб кетган, унга бари бир». Саҳнада ўйин давом этди ва у киши худди Шукур Бурҳонда қолдирган таассуротини ўз хатти-ҳаракати ва сўзлари билан ҳам тасдиқлади...

— Қизиқ,— деди у, спектаклдан қайтиб келишаркан Уйғур акага андашиб.— Бир кичик деталь қанча нарсани очиб ташлайди...

— Қанақа деталь?— сўради режиссёр.

Шукур ҳикоя қилиб берди.

— Гап шунда, Шукур,— деди Уйғур.— Бу маҳорат белгиси. Шу бир деталь билан қаҳрамоннинг таржимаи ҳолини ҳам тиклаб ола билади. Албатта бу детални ишлаб билиш учун артист қаҳрамоннинг биографиясини яхши билган бўлиши керак. Бу актёрнинг ижодкорлигидир.

— Ижодкор...

— Ҳа, актёрлик аввало ижодкорлик. Асарда ҳамма нарсанинг айтилган бўлиши шарт эмас. Режиссёр ҳам ҳамма нарсани айтиб беролмайди.

Москвадан қайтиб келгач, Шукур ўзининг Рустамига ҳам, Фуломига ҳам бошқача кўз билан қараб, қайта таҳлил қилди ва ўйинидан кўп нуқсонлар топди.

Фуломдаги камчиликларни-ку тугата олади, Рустамдагиларини-чи?.. Шунда у таҳлика билан бошқа бир сирни очди:

Рустамни Аброр Ҳидоятлов каби ўйнашди, ана шундай ўйнаверадими, нега? Узи... ҳозир бошқача ўйнаши мумкин-ку?

7

Артистларнинг маҳоратини ўстириш, «Ҳамза»ни Иттифоқ даражасида театрлар сафига чиқариш мақсадида бўлган Маннон Уйғур билан Етим Бобоюн классик драматургияга дадил мурожаат қилишди. Улар Шекспирнинг «Гамлет» ва Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»ни кўлга олдидлар. Асарлар воқеаси ўтган даврларни, унинг одамларини, образларини саҳна тарихини чуқур ўргандилар.

«Гамлет» ўқилиб бўлгач, Маннон Уйғур асар ва унинг бош қаҳрамони хусусида шундай тушунтириш берди:

— Классик асар «Гамлет»ни саҳнага қўйиш — катта ижодий ҳодиса. Гамлет эски феодал тузумнинг бузуқлигини кўриб йиғламайди, балки уни охиригача бузиш, пучга чиқариш мақсадида куч сарф қилади. Бир неча замонлардан бўён Гамлетни фақат хёлпараст, қоғил, мулоим, сўзгагина уста бир зот деб талқин этар эдилар. Бу фикр тўғри эмас. Гамлет ҳаракатга, мардона ҳаракатга қобилдир. Биз буни пьесада ўйнаган «қолқон»дан, Клавдий деб Полонийни ўлдиришдан, Розенкранц ва Гилденстернларни ўлимга юборишдан, Офелия учун жон кўйдиришдан, дуалга сўзсиз қатнашишдан биламиз... Шундай эмасми? Вахтангов театрнинг «Гамлет»ида бу образ тахт учун курашувчи ҳис қилиб олинган. Биз бундай талқин этишга қаршиямиз, чунки Гамлет тахт учун курашмайди, аксинча,— кўрдиларинг,— шу тахтнинг эгасига қарши нафрат туйғулари билан тўлиб-тошади... Шунини ҳам айтмоқчиманки, «Гамлет»ни талқин этганда, уни тарихдан устун қўйиб, ҳозирги замон кишига айлантириб олишни олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз.

Гамлетнинг «Дания мен учун зиндондир» деган сўзлари спектаклнинг ғояси ва ҳал қилувчи асоси бўлади.

Барча образ, хатти-ҳаракат, характер, мимика, грим, костюм, нуқт ва мизансценаларда сохта классик усуллардан қочиб, постановкага ҳаққоний бўёқ берамиз...

Режиссёр тушунтиришини тугатгач:

— Гамлет — Аброр!— деди.— Унинг дўсти Хорақони Шукур ўйнайди.

Бу — руҳшунос Оганинг навбатдаги «ҳийласи» бўлиб, ижодий «рақиб»ларда ўзаро муҳаббат уйғотиш ҳам мўлжалланган эди.

Дарҳақиқат, асар мазмуни ва Гамлетга бир умр содиқ бўлиб қолган Хорақоннинг кимлигини яхши билиб олган Шукур Бурҳон бу шаҳзода дўстига худди Деҳқонбой ролини ўйнай бошлаганида унинг азиз кишиси Арслонга нисбатан ҳис қилган муҳаббатидан ҳам кучлироқ муҳаббат ҳис этди.

Бу асарда ўйнаркан, Шукур Бурҳон ўзи учун бошқа муҳим бир ҳолни ҳам кашф этди:

Қаҳрамоннинг ўз тили, гапириш тарзи, хатти-ҳаракати ва ўзигагина хос хусусиятларини артист маълум даражада ўзлтиришга хос қилиб ўзлаштирди. Унинг руҳий оламига кира олиши, бус-бутун кира олиши лозимлигини ҳам англадики, ўз қаҳрамонининг пьесадан ташқаридаги воқеалар гирдобига тушганида ҳам, унинг нима дейишини ва ўзини қандай тутишигача тасаввур эта олди эди.

Шукур шу нуқтага назардан аста-секин Гамлет образини ҳам ўзича таҳлил қила бошлади, энди ўзининг Ҳидоятловдан фарқ қилувчи хусусиятлари — темпераменти ва қизиққан эканлигини онгли равишда идорқоқ этиб, Гамлетни ўзича, ўзига хос қилиб ўйнаш истаги туйғила бошлади.

Бир кун у бу ҳақда устозларига маслаҳат солди.

— Мен ҳам Гамлетни ўйнасам, Оға.

— Аброрча ўйналасанми?

— Мен... ўзимча ўйнайман,— деди Шукур Бурҳон.

Устоз истеъдодли шоғирдини сўзсиз табриқлади.



«Ешлик» мактаб-магазинининг бosh сотувчиси, совет савдоси аълочиси Мунонатхон Расулова харидорларнинг жони.

У. РАҲИМОВ фотоси

ҲАМ МАГАЗИН, ҲАМ МАКТАБ

«Ешлик» магазини аввал республикаимиздаги, кейинчалик Иттифоқимиздаги савдо муассасаларида тез-тез тилга олинган мактаб-магазин бўлиб қолди. Бошқа озиқ-овқат магазинларидан қилишмайдиган бу мактаб-магазиннинг донг чиқаришига сотувчиларнинг оддий ташаббускорлиги сабаб бўлди. Оддий ташаббускорлик билан ҳар қанча мактабда ғризулик муҳим ишларни амалга ошириб юборишди улар.

... бу воқеага ўн йилча бўлди. Совет савдоси аълочиси, мактаб-магазин директори Олимжон Сиддиқов Андижоннинг шимоллий томонидаги сановат районига ўтиб қолади. Йўл-йўлакай ошхонага кириб, ишчиларнинг овқатланиш шароити билан қизиқди. Ошхонадаги таомларнинг бир хиллиги, анча қимматлиги, ҳамма ишчиларни бирваракайга таъминлай олмаслиги Олимжон акани ранжитди. Лекин ўша куннинг эртасига оқ халатли қизлар катта саватларда нон, сут, паррақлаб кесилган колбаса, пишлоқ, қатиқ, лимонад кўтариб цехларга киришганда аввалига ҳайратланиб қолган ишчилар бир оздан кейин қизлар келтирган таомларни ея бошладилар. Бу ташаббус «Ешлик» ходимларининг магазиндан харидор томонга қадам қўйиши билан бошланди. Кейинчалик корхоналарга сават кўтерган сотувчилар ўрнига усти блиц аравачали мотороллерлар қатнайдиغان бўлди. Моторавачада заводнинг ўзиде овқатланиш учун келтирилган таомларни эма, балки ишчиларнинг биюртмаси би-

лан уйга олиб кетиш учун ғўшт, ёғ, нон ва бошқа озиқ-овқат моллари ҳам ташиларди. Кейинчалик бундай ўзгичор «магазинчалар» уй бекаларининг ҳам кунларига яраб қолди. Уларнинг илтимоси билан хонадонларга ҳам турли озиқ-овқат маҳсулотлари элтиб берилмоқда. Эндиликда Андижоннинг турли томонларига ғизиллаб кетаётган, одамларга ноз-неъмат улашайтган моторавача ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Қизиғи шундаки, магазиннинг юқори малакали сотувчиси бир ойда 5 минг сўмлик мол сотса, мотолавка ҳайдовчиси 15 минг сўмлик озиқ-овқат тарқатиб улгуради. Кейинги пайтда бу усулда савдо қилиш Москва, Ленинград, Киев, Львов, Свердловск каби шаҳарларда ҳам ташкил этилди.

Совет савдо маданияти бўйича Бутун Иттифоқ жамоатчилиги кўригиде иштирок этаятган «Ешлик» гастрономи Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, Узбекистон Касаба союзулари Советининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланган.

«Ешлик» савдо муассасасигина эмас, бу ерда малакали савдо ходимлари ҳам тайёрланади. Магазиндан ҳар орти ойда ўттизга яқин янги савдо ходими шаҳар гастрономларига йўлланма олади. Таълим олаётган ёшларга магазиннинг тақрибали сотувчилари, совет савдоси аълочилари Жонан Раҳмонова, Мунонатхон Расулова, Маъсуда Алиева, Раъно Ҳа-

санова каби мутахассислар доимо бош-қош. Улар ёшларга маслаҳатгўй, тақриба ўргатувачи устоз. Ж. Раҳмонова ва М. Расулова юбилей медал билан, М. Алиева ва Р. Ҳасанова Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар.

«Ешлик» сотувчилари яхши хизмат қилиш, харидор кўнглига фақат савдо орқали йўл топиш билангина эл хурматига сазовор бўлган эмас. Магазин ходимларининг шўхратини дoston қилган яна бир нарсa — гастроном қoшида ташкил этилган ашула ва рақс ансамблидир. Мана беш йилдири, ҳаваскор санъаткорлар шаҳарликларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Магазиннинг ҳар икки сотувчисидан бири ансамбль аъзоси. Жуда қисқа вақт ичиде «Ешлик» ашула ва рақс ансамбли област ва республика кўриқларида биринчи ўринларни эгаллаб юқори даражали дипломларга муяссар бўлди. Яқинда ҳаваскорлар тўғраги «Халқ ашула ва рақс ансамбли» деган номи олишга муваффақ бўлди. «Ешлик» ансамбли мамлакатимиздаги савдо ташкилотлари ҳаваскорлик коллективлари орасидеги биринчи халқ ашула ва рақс ансамблидир.

«Ешлик»да элга сидқидилдан хизмат қилаятган сотувчилар бундан кейин ҳам энг шимарли меҳнаткашларимизга бекинанг хизмат қилиш, ҳамшаҳарларини қўшнуд этишга бел боғлаганлар.

Т. САИДОВА,
Т. СИДДИҚОВ

«Гамлет» муваффақият билан ўйнала бошлади. Бу ҳолдан ҳар нечук тавжубга тушган муҳбирлар саволига жавоб бериб, Уйғур шундай деди:

— Бу асар бизде ўз ишимизга янада маъсулиятли қараш туйғуларини уйғотди. Биз энди драматургларимизга ҳам талабни катта қўйишни ўргандик... Биз маданият зинасида яна бир босқич кўтаридик. Биз ўсдик.

Диди-савияси, талаб-эҳтиёжи камол топиб қолган томоша аҳли учун ҳам Шекспир билан танишув — ўсиш, катта ютуқ эди.

Ҳамза юбилейи олдидан коллектив «Бой ила хизматчи»ни қайта қўйишга қарор берди. Лекин энди уни илк мувоҳида кўрсатиш мақбу бўлмади эди. Ҳамзага улкан ҳурмат билан қаровчи театр бу асарни ким, қандай ишлаши хусусиде маслаҳатлашиб, Комил Яшинга топширишга келишдилар. Комил Яшин бу маъсулиятли меҳнатни бажонидил қабул қилди ва орадан бир неча ой ўтган, асарнинг янги нухсасини театрга тақдим этди.

Коллектив асарни ўқишга ййғилганда драматург изох берди:

— Мен асарни театрларимиз талабига мувофиқ ривизде кенгайтиришда фақат устознинг ўзига суя-дим. 1926 йилда Ҳамза ака томонидан ёзилган «Бурунги сайловлар» асаридан Қодиркул додхо, қози, имом, Ҳасан эллиқбоши, Далли кампир каби образлар ва уларнинг сўзлари, монолог ва диалоглари, сайлов воқеалари, ҳоқим тўрага бўлган зиёфат сажнеси, кучер Холматнинг ўз хўжайини Қодирқулнинг хотинлари билан бўлган «ошиқона» сажналари, уйни супуриб туриб айтаядиган монологлари, имомнинг омилигини фoш қилаядиган сажналар —

ҳаммаси «Бой ила хизматчи»га киритилди... Хуллас, «Бой ила хизматчи» асарини Ҳамза аканинг ўз ижодиға таянган ҳолда ўзи қолдирган образлар, фактлар, характерлар, иборалар билан бойитилди.

Театр асарни ўқиб, бадий камолот жиҳатидан фoл мақсада мувофиқ деб топди. роилар тақсим этилди. Уйғур артистларга муваффақият тилар экан, Ҳамзани эслаб, хомушланди:

— Ҳозир ҳаёт бўлганларида, балки асарни ҳозиргидан ҳам кучлироқ қилиб ишлаб берадилар. Эсларингдами, Москвадан таътилга келганимизда Марилон борган эдик. «Ревизор»дан парчалар намойиш қилганимизда, Ҳамза ака залдан Охунбобоев билан чиқиб келиб, бизни кутлаган эдилар. «Энди бўйларига яраша пьесалар ёзаман», дегандилар...

Артистлар худди олисда қолган қалдронлари билан қайта учрашгандек бўлдилар.

Ғофир роли Аброр Ҳидоятовага берилган эди. Орадан бир-икки йил ўтган, бу роль Шукур Бурҳонга топширилди. Ниҳоят серҳажон ва оташин бу образни бутун тажрибасио ижодкорлигини ишга солиб, илк марта сахнада ўйнаган Аброр Ҳидоятов яна:

— Буни Шукур ўйнайверсин энди! — деди.

Ана шунда Шукур Бурҳон ўзи севадиган, ҳамд қилаядиган бу санъаткорнинг мардлиғига қойил бўлди ва ўзи ҳам шундай бўлишни оруз этди.

Охири нелгуси сонда

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

МАМАЖОН ЎНБИР

Андижон деганда, гўзал во-
дийнинг учдан бир бўлаги — бу-
лик пахтаси, ширин меваси билан
қадимдан ном чиқарган, бағри
кенг, одамлари танги, хирмону
дастурхони баракали дехқон ўл-
каси, шеърятга иштиёқли, санъ-
атга мухлис кишилари, иродаси
мустақкам, зукко, серазвқ қан-
чадан-қанча дўстларим кўз ол-
димдан бирин-кетин ўта бош-
лайди.

* * *

Улуғ Ватан уруши бошланмас-
дан икки йилча олдин сентябрь
бошларида андижонлик дўстлар
билан маслаҳатни пишириб, ко-
вун сайли баҳона, шоир Ҳабибий-
ни кўриб ва суҳбатлашиб қайтиш
учун Каттамўғул қишлоғига йўл
олдик.

Мамазокир ақани ўша қишлоқ-
даги мухлис дўстлари кўчириб
олиб кетиб, колхоз раҳбарлари
озиқ-овқат ва қисман саноат мол-
лари билан савдо қиладиган бир
кичик дўконга ўрнатириб қўй-
ган эдилар. Унда ҳар оқшом ке-
саю ёш Ҳабибийни ўраб олиб,
шеър эшитиш, ҳикоя ва афсона-
лар тинглашга одатланишган экан.
Биз борган кунлари ҳам кундузи
қовун қапада, кечин пахта пункти
олдидаги майсазорда шоир Ҳа-
бибий ташаббуси билан газазхон-
лик қиэиб кетди.

Шундай тансиқ суҳбатларнинг
бири. Енимда ўтирган Ҳабибий
кўзлари билан кўпчилик ораси-
дан кимнидир излайди, қидирган
кишисини тополмагач, тиззасига
уриб ўкинади.

— Хўш, Мамазокир ака, нега
безовтасиз? — деб сўрадим.

— Қишлоқдан ҳамма бору бир
одам йўқ! Оти Мамажон, лақаби
ўнбир, ўзи колхознинг боғбони,
кекса, қулоғи оғир, аммо шеърга
жуذا ўч, бутун вужуди билан
тинглайди, тебранади.

— Олдида турадимми?

— Унча олис эмас, бир чақи-
рим чамаси. Керасиз пайтларда
лип этиб рўпарангдан чиқадиган
Ўнбир, бугун мени интизор қил-
ди! Дарвоқе, хотиним нотоб дея-
ётган эди, овора бўлиб қолдими-
кан... Хабар олдириш керак экан-
ну эсим..

Шеърхонлик оқшоми пўнвига
етиб, пашшахоналарга тарқалдик.
Ҳабибий тагин Мамажон Ўнбир
ҳақида гап бошлади:

— Бу ажойиб одам сизларни
гойибона танийди, хўрмат қила-
ди. «Қачон келишадиган» деб, тез-
тез сўраб туради. Уни кўрмай
кетсаларинг мени балога кўясиз-
лар! Яхшиси, эрта нонуштадан
кейин бир бориб, бошини кўкка
етказиб қайтинглар, шунда бу

одамнинг кимлигини биласизлар.

Қишлоққа етмасдан, ўннга бу-
рилиб, Мамажон-ўнбирнинг боғи
томон йўл олдик. Тор дала йўли
билан юрар эканмиз, ўнг томон-
да товланиб турган шолпоя, чап
томон — остида қуми кўриниб
турган, икки ёқаси яллизор шўх
анҳор бизга йўл кўрсатиб борар,
анҳор чети бора-боргунча паҳса
девор билан ўралган ўрқизор,
узумзор эди.

Колхозчи йигит бизни орқада
қолдириб жадалроқ юрди-да,
кўприқдан ўтиб, пастқамгина эшик
олдида тўхтади, эшик ҳалқасини
қочиқ қичқирди:

— Мамажон тоғал.. Очинг, меҳ-
монлар келди..

«Хозир...», деган жавобни эшит-
гач, йигит хотиржам кулимсираб
келди-да, сув бўйига кулимсир қа-
торимизга чўнкайди:

— Ҳайрият, Мамажон тоға уй-
да эканлар..

Орадан салкам ярим соат ўтди,
биз бир-биримизга маъноли қа-
раб қўйдик, сөзгир йигит хижолат
чекиб бўғилди, ўзича: «Астағфи-

рулло!.. Бу нимаси?..», деб тўн-
гиллади.

Эшик гийт этиб очилиб, ёши
олтмишдан ошган, ўрта бўй, сар-
гимтил соқолли, қулча юз, истара-
си иссиқ бир кекса чикди, қуло-
чини кенг очиб, хижолат билан
узр айтиб, ҳамма билан қуюқ кў-
ришди ва ичкарига йўл кўрсатди:

— Сизларни жуذا ҳам кутдир-
дим. Қани, марҳамат! Она-болага
қози бўламан деб, ҳаялладим,
икковини икки кўшниккига чиқа-
риб, аранг тинчидим! Хўш келиб-
сизлар, азизлар!..

Урқизор ўртасидаги супага
ёзилган кенг, озода пологса тў-
либ ўтириб, фотиҳа тортидик. Ма-
мажон ака елиб-югуриб, боғ тў-
ридаги уйдан дастурхон, нозу
неъмат ташир экан, холи-жонига
қўймай сафимизга олдик.

Қувончини ичига сиғдирилма-
ган Мамажон Ўнбир ўтирган ери-
да нарида кавш қайтариб ётган
семизгина қора қўйни ишора
қилди:

— Бу қўй кўпдан бери сизларга
маҳтал, ижозат берсаларинг!

Биз баб-баробар қаршилик
кўрсатдик. Шоир Анисий Мама-
жон акага тегишди:

— Қўйни сўядиган бўлсангиз
ҳам, бу билан қутулмайсиз, май
ҳам керак!..

— Майли! Май ҳам топамиз!
Неча-неча йиллардан бери ичма-
ганман, Аммо бугун сизларнинг
шарофатингиз билан ичсам-ича-
қолай. Аввал, қани қўйни сўйиш-
га фотиҳа беринглар!

Ҳазилга ўхшаган бу мунозара
бора-бора жиддий тус олиб, Ма-
мажон Ўнбир қўй томон энди икки
одим босгани ҳам йўқ эдики, уй-
дан қиз боланинг дод-фарёди
эшитилди. Мамажон Ўнбир югу-
риб бориб, бир оздан кейин
олдимизга қайти чикди:

— Азбаройи худо, она-бола-
нинг уруш-жанжали жонимга тег-
ди, икковини икки уйга қараб
қўйдим! Энди хотиржам ўтириша-
миз!

Ўнбир қўйни еча бошлаган эди,
ҳай-ҳайлаб, жониворни унинг кў-
лидан қутқаздик, кечки хужумга
ўтган «найзабозларни» баҳона
қилиб, ҳаммамиз кўзгалдик:

— Раҳмат, Мамажон ака! Қўй-
ни бошқа келганимизда сўрасиз,
тезроқ пашшахонага етиб олай-
лик!

Мамажон Ўнбирнинг ялиниб-
ёлворишига қарамай, Ҳабибий хо-
надонига йўл олдик. Мамажон
ака анча ергача бизни кузатиб
келди. Йўлда мен ундан сўрадим:

— Сизнинг лақабингиз нима
учун... ҳалиги... Шунга айтиб бер-
сангиз..

Мамажон ака кулимсираб қўй-
ди-да, сўз бошлади:

— Ёшлигимизда ҳар баҳор оқ-
шоқдан яширин бўза солиб, пана
панада бўзахўрлик қилардик, унча-
мунча ошиқ ҳам ўйнардик. Қиш-
лоқ кексалари бизни бу йўлдан
қайтаролмагач, устимиздан минг-
бошига арз қилиб, «Қишлоққа
келиб, йигитларимизга пўпса
қилиб қўйинг», деишибди. Минг-
бошининг миришблари бизни худ-
ди бўза ичиб ўтирган еримизда
тўтиб, гузарга, мингбошининг
олдига олиб чиқди, мингбоши
дўқ уриб, «Бошиқларинг ким!»,
деб сўраган эди, номардлар ме-
ни кўрсатишди. Мингбошининг
ишораси билан мени ерга ётқи-
зиб, қон чиқмайдиган еримга
жазликчининг илмоқ бизини
санча бошладилар, мен тишимни
тишимга қўйиб, бирор марта «ўх»
демадим. Ун бир марта сангча-
ларидан кейин мингбоши қаҳ-қаҳ
уриб кулиб, менга: «Қани айт,
энди қаерингга санчин?» деб
савол берди. «Жавобини қулоғи-
нгизга айтман, таксир», дедим.

Мингбоши кулимсираб қулоғини
тутди, мен унинг қулоғига лўнда,
чапанчисига боллаб жавоб қил-
ганимда мингбоши титраб, ғазаб-
ланди. Бунга кўриб, «Ох, энди бу
номард мени аватгага юбаради-
ган бўлди!», деб, ташвиш тортиб
турсам, қишлоқ кексалари гуно-
ҳимни кечиртишни сўраб, унинг
чангалидан қутқазиб қолдишди.
Аммо ўша-ўша лақабим Ўнбир
бўлиб қолди!..

Кулиша-кулиша, Мамажон Ўн-
бир билан хайрлашдик, яна анча
йўл босиб, манзилга етиб келдик.
Тонгда туриб, салқинда Андижон-
га отлана бошладик.

Тонг ёришмай эшик тақиллади,
Ҳабибий чиқиб, орадан ярим со-
ат ўтгач қайтиб кирди...


Анчадан кейин фалати бир хо-
латда, таассуф билан ҳаммамизга
маънос қараб чиққач, шундай
деди:

— Эшик қоққан ўша Мамажон
Ўнбир эди. Сизлар боғ эшигини
қоққанларингизда хотинининг жони
узилётган экан. Унинг иягини
тангиб, қизини қўшинисниккига
чиқариб, боғ эшигини очишга ке-
чикибди, шунинг учун кутдириб
қўйганлигидан хижолат чеккан
экан... Саҳар магазини очиб, ка-
фанлик бердим, бу мусибатни
меҳмонларга билдириб, уларни
Андижондан қолдирай, дедим.

Лекин Мамажон сира кўнмай,
«Озиб-ёзиб қишлоғимизга келган
шоирлар мотамга дуч келмасин,
хурсанд бўлиб қайтганлари маъ-
қул», деди.

Ҳабибийдан бу хабарни эшит-
гач, орага жимлик чўкди, ажабо,
бир оддий кишидаги шу қадар
андиша, ирода ва ҳақиқий инсо-
нийликни нима деб таърифлаш
мумкин...

Шу кунга суҳбат бизга татимай,
Мамажон акага ҳамдард бўлиш
учун, қайтиб яна Каттамўғул қиш-
лоғига йўл олдик.



Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг ветеранла-
ридан бири Жўрабой ота Ғоибов. Хўжабоддаги «Ленинград» колхоз-
зига узоқ йиллар раислик қилди.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

АФСОНАЛАР ВА ҲАҚИҚАТЛАР

АНДИЖОН шаҳри ва унинг атрофидаги баъзи қишлоқлар, аҳоли гавжум яшайдиган жой номларининг келиб чиқиши ҳақида халқ орасида қизиқ-қизик ривоятлар, мароқли афсоналар, нақллар юради. Чунинчи, «Анджон» сўзининг

келиб чиқиши хусусида шундай нақл бор:

Мўғул хонларидан Хонакихоннинг ёлғиз қизи бўлиб, номи Одинажон экан. Хон бу шаҳарни обод қилиб, ўрда солиб, қизига инъом этибди. Одинажон номи халқ орасида ўзгариб, Анджон аталиб кетган эмिश.

Иккинчи ривоятда эса, бундай дейилади: Қорабўғрохон деган подшо бўлиб, унинг ўзи Қашқарда турар экан. Қулларнинг Бирда у увор қилиб юриб, сой бўйида қўшиқ айтиб отган гўзал қизни кўриб, севиб қолибди. Тўй-томосшалар билан унга уйланган кунни уруш бошланиб, Қорабўғрохон урушга жўнаб кетибди. Бу урушда у ғолиб чиқибди, аммо оғир яраланган экан, йўлда келатуриб аҳолини оғирлашибди. Шунда хон кун чиқиш, яъни қайлиги бор томонни кўрсатиб: «Анда жон қолди, мени ўша ерга кўминглар!» деб жон берибди. Вазири асиятга кўра, кўрсатган жойга келтириб кўмибдилар. У ер кейинчалик шаҳарга айлиниб, «Анда жон» сўзи — «Анджон» бўлиб кетган эмिश.

Яна бир афсонада айтилишича, шаҳар ўрни илгари Ботқоқлик ва тўқайзор бўлган экан. У жойга бир ҳўқимдор қамиш ўрши учун олти мардикорни юборибди. Улар сув устига тахта ташлаб, қамиш ўршибди. Бу ер ёқиб қолгани учун улар бола-чақасини кўчириб келибдию, лекин бақалар сайраб, уларни ухлатмас экан. Улар бақалар турган жой сувини қочириб, ўрнашибди. «Олти жон» сўзи кейинча «Анджон» бўлиб кетган эмिश.

Бу афсоналарнинг оғиздан-оғизга ўтиб келишига сабаб бўлган нарса шаҳар ичида Урда, Тахтакўприк, Бақақуриллоқ, Қорабувара каби маҳаллаларнинг мавжудлиги ҳам бўлса керак. (Ҳаттоки, Қорабувара маҳалласидаги бир мазор ҳозиргача Бўғроқорахон номи билан аталиб келади.)

Урта аср тарихчиларидан Ибн ал-Асир, Мақдасий, Жувайний, Шамсиддин Табризий, Ҳофиз Абу ва бошқалар Андижон шаҳри ҳақида асарларида хабар берадилар. Улардан баъзилари бу шаҳарни мўғуллар обод этиб, вилоят марказига айлантирилганлигини таъкидлайдилар.

Анджон IX асрга оид манбаларнинг айримларида ҳам тилга олинади. Афтидан, академик В. Бартольд бу шаҳарни XIV асрга мўғуллар даврида барпо бўлди деган фикрни баён қилганда, унинг қайтадан тикланиб, обод бўлганини кўзда тутган бўлса керак.

Қадимги кўлэзма манбаларда бу шаҳар Андукон, Андигон номлари билан тилга олинади. Шунга кўра академик Я. Ғуломов, профессор Ҳ. Ҳасанов ва бошқалар «Анджон» сўзи икки қисмдан (Анди+жон, +ган, +жон) иборат, яъни «анди» — ўзбек уруғларидан бирининг номи, қолган қисми кўшимча, деган хулосага келганлар.

Бу бизнингча ҳам тўғри, илмий хулоса бўлиб, мазкур шаҳар номининг келиб чиқишини асослайдиган далиллардир.

Баъзи тарихчи, этнограф олимлар (Ғози Олим Юнусов, Ҳ. Ҳасанов ва бошқалар) ўз асарларида 92 ўзбек уруғи ичида «анди» уруғи ҳам бор эканлигини эътироф этадилар. Бироқ ҳозирги кунда бу уруғ номи ўзгариб, бошқача аталиб кетганидани, шаҳар ичида шу ном билан аталадиган бирорта маҳалла ёки гузар йўқ.

Агар далил бўлса XIX аср ўрталарида ҳам «Анджон» сўзи ўрнида баъзи муаллифлар «Анди» сўзини ишлатганлар. Чунинчи, шоир Завкий ўзининг 1876—1877 йилларда ёзган бир муҳаммасида Худобўрохон тилидан: «Хусусан Мурғинону, Завкий дер, Анди-мдин айрилди», деб ёзади.

Анди уруғи халқимиз орасида жангари, урушқоқ, жанжалкаш тоифа бўлса эҳтимолки, уни баъзилар «лули» сўзи ўрнида ҳам ишлатган. Наманган, Марғилон, Қўқон, қисман Тошкент шаҳарлари ва улар атрофидаги айвон бир-бирлари билан уришиб қолсалар, биров-бирини «анди» деб ҳақоратлаш ода-ти бор эди. Лекин бу одат Андижон ва унинг атрофидаги қишлоқларда мутлақо учрамайдиган.

XV—XVI асрлар ва кейинги даврлар ман-

баларининг кўпида бу шаҳар Андижон номи билан аталади.

Нақлларнинг яна бирда юқоридоги Қорабўғрохонга нисбат берилган «Анда жон» сўзи Бобирга нисбат берилади.

Гўё Бобир Фарғонани ташлаб чиқиб кетаятганда Ҳакан адири устида шаҳарни кўрсатиб туриб: «Анда жон қолди», деб йиғлаган эмिश.

Бобир ғазалларидан бирдаги шу байтга диққат қилинг:

На ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жонни
Бобирнинг,
Ғарибнинг тараҳхум айлагилдим,
андажонийдур!

Бобир шеърларини нашрга тайёрлаган матншунос олимларнинг кўпчилиги профессор А. Самойлович томонидан 1917 йилда нашр этилган Бобир девонини асосий манба сифатида олганликлари сабабли юқоридоги байт аслида қандай ёзилганлиги ҳақида бирор

халқ афсона, ривоят, нақлларида ҳам ҳеч гап йўқ.

«Анджон» сўзидаги «жон» аслида мустанкил сўз бўлиб, кейинчалик туркий халқларда қишлоқ отига қўшилиб, ҳўрмат, эркатлиш маъноларини билдирадиган қўшимчага айланганлиги фанда исботланган.

Анджон областига қарашли Ленин шаҳри, Шаҳрихон ва улар атрофидаги қишлоқлар ҳақида ҳам анчагина ривоятлар юради. Бу ривоятлардан бирда бундай дейилади: Ниёз-ботир, Атика (Атака) ботир исмли оға-инилар бўлиб, улар адирлар ёнбағрини чек қилиб, обод этган эмис. (Ҳозир Ниёзботир қишлоғи Қўва йўлида; Атика, Атака эса кейинчалик Асака бўлиб кетган эмис. Атика исмли жангичи «Бобирнома»да эсланган. Аммо бошқа манбаларда бу ҳақда ҳеч гап учратмадик.)

«Асака» сўзини анқорқоқ изохлашга имкон берадиган баъзи ишончлироқ маълумотлар айрим манбаларда ҳам учрайди. XV—XVI аср манбаларида биз «Асака» сўзини учратмадик.

1959 йилда Наврўз Аҳмад Баҳодирхон деган ҳўқимдорнинг сўроғал ёрлиги қўлимизга тушди. (Биз уни Абурайхон Беруний номидаги Шарҳшунослик институтига топшириб, фотонусхасини ўзимизда қолдирдик.) Бу ёрлиққа кўра, Андижоннинг ғарбидаги шўрқоқ ерлар, маркази Сегаза қишлоғи билан, олиқ-солиқдан озод этилиб, Бўрқониддин деган кишига сўроғал қилинганлиги айтилади.

Наврўз Аҳмад — Бўроқон, Ойлаҳон лақабларига эга бўлган Ети сув ва Мўғулистон ҳўқимдори, Юнусхоннинг кичик ўғли, Тошкент ҳўқими Маҳмудхоннинг иви эканлиги эътиборга олинса, у ҳўжжат XVI асрга оидлиги маълум бўлади. Бу одам Бобирнинг тоғаси бўлиб, 1502—1503 йилларда Фарғонадаги ички урушларга иштирок этган. Бобирнинг Фарғонадан кетишига сабабини бўлган кишилардан бири. Бобир «Бобирнома»да уни «кичик хон дадам» деб атайди. Бобир бу ҳақда ёзади: «Хонинг кўрган замон-ўқ манга кирган ерларни кичик хонга (Наврўз Аҳмадга — Ҳ. Ғ.) бердилар. Манга мундоқ узр айттиларим, Шайбўхондек ғаним Самарқандек шаҳрини олиб, ўлгайиб борадур, ўшбу маслаҳат учун кичик хонни не ердин келтурубтурлар, мунда ери йўқ, ул вилоятлари йирок. Ҳўжанд дарёсининг жануби Андижон бошлиқ вилоятларни кичик хонга бермак керакким, анда юртлангай!»

Тоғалари ниятини Бобирнинг ўзи: «Ғолибо манга бу сўзлар фириб экандур», деб ёзган эди.

Демак, XVI асрга Сегаза қишлоғи бўлса ҳам ҳали Асака йўқ экан. (Ҳозир бу қишлоқ шифобахш қўми билан машҳур.)

1956 йилда Шаҳрихондан топилиб, шахсий кутубхонамида сақланаётган бир форсча кўлэзма китобда Асака ҳақида шундай маълумот келтирилади:

XII асрга юз берган табиий офат — зилзила натижасида Сирдарё бўйидаги қўшна шаҳар Аҳсий—Аҳсиқат батамом аксон бўлади.

Фарғона тахтига Норбўтабекнинг кичик ўғли Уқазхон ўтиргач (1804—1822) у 1814 йилда сой қишлоғи бошлабди, 1818 йилда охирига етказди.

Умархон йўқолиб кетган Аҳсий шаҳри учун кўп қайғуриб юрар экан. Қазилган сой бўйига чек бериб, шаҳар бино қилибдида, унга Аҳсиқат номини берибди. Бу ерга бева-бечораларни кўчириб келтирибди. Уларнинг кўпчилиги найман, марқа, юз, кўнғирот, қирқоқ каби уруғларнинг кишилари экан. Одамлар дастлаб келиб ўрнашган жой «Қўчган» номини олибди. (Бу мавзе ҳозирги «Правда Востока» колхозининг бир қисми.) Аҳсиқат номи эса, халқ орасида Асака деб юритила бошлабди.

Умархон, ундан сўнг ўрнига хон бўлган ўғли Муҳаммадалихон (1822—1842) даврида уларнинг атрофидаги беклари, вазири ва бошқа амалдорлар янги очилган, сув чиқа-



XVI аср охирида Ҳиндистонда «Бобирнома»га ишланган лаҳзалардан бири бўлган бу суратда Бобирнинг Андижон қалъаси дарвозасига нелган пайти (1494 йил) тасвирланган.

нарса дейиш қийин. Шуниси ҳам борки, «Анджон», «Анджоннинг» ҳар иккаласи ҳам араб алифбесида бир хилда ёзилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Бобирнома»да «анди» сўзининг икки хил маъносини келтиргани маълум. Биринчиси тунд, тез эсаётган шамол, куюн; иккинчиси, ҳинд уруғларидан бирининг номи сифатида.

Ҳиндистонда ҳозирги кунда ҳам олтимш тўртинчи тоифа — тиланиб, турли-тўман уйинлар кўрсатиб, илон ва бошқа ҳайвонларни ўргатиб кун кўрувчиларни «анди» деб атайдилар.

Анджон шаҳрининг ғарбида «Девона маҳалла», «Лўлилик» каби мавзелар бор. Бу ерда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги революциягача маддоҳ, ёвсанчи (тиланилларни бир тури) бўлган. «Лўлилик»да эса майда миллат — лўлилар яшаганлар. Буларнинг шаҳарга қачон келиб жойлашганлиги ҳақида ёзма манбаларда ҳеч нима дейилмаганидек,

ТОШДА ТОКЗОР

Ота-боболаримиз қадимдан тошлоқ ерларда ҳам ток ўстирганлар, тошлоқда битган узум ширин бўлган. Билсангиз «ун шудринг» деган узум офати бор: бунга йўлиққан мева эзилиб оқади. Бу дардга кўпроқ семиз тупроқли ерларда етиштириладиган узумлар чалинади, чунки бундай тупроқда узум нам тортиб, касалланади. Тошлоқ ерда етиштирилган узум қишда яхши сақланади, уни олис жойларга бемалол жўнатиш мумкин.

Ҳозир токзорларни кенгайтириш ҳаракатидамиз. Қорадарё соҳилидаги 3500 гектар ерни ўзлаштиришга киришдик. Бу ташаббусимизни давлат ташкилотлари ҳам қувватлади.

Лекин тошлоқ ерни мақтаган билан у ерга бирдан ток ўтқазиб бўлмайди. Қорадарё соҳилиғиғиж-ғиж шағал, биринчи йили ўша ерларда пол олиб, сув қўйди, шולי эқдик. Чунки шולי тошлоқнинг сиртида лойқа тўплайди. Бу ерга яна шולי эқилгандан кейин беда сепилиб, икки-уч йил ташлаб қўйилади. Кейин ер текисланиб, ток ўтқазилади.

Бўз тупроқли ерларда ток қаламчаси ўтқазиш билан тошлоққа ток ўтқазишнинг фарқи бор. Қаламча бўз ерга ўтқазилишдан олдин ер чуқур ҳайдалади. Тошлоқ ер-чи? Базўр йиғилган лойқа-тупроқ махсус чизелларда юзагина юмшатилади. Сўнгра, ҳар гектар ерга 25—30 тоннадан чириган гўнг солинади, тупроғи юпқа жойларга эса, эски девор кесаклари, адир тупроғи тўкилади.

Биз қаламча ўтқазишда ўзимизга хос йўл тутдик. Илгари қаламчани қўлда ўтқазар эдик. Ҳозир махсус плуг ихтиро қилганмиз, шунинг ёрдамида ўтқазамиз. Бу иш унумини оширади. Бош инженеримиз Василий Михайлович Никитин раҳбарлигида яратилган плугимизни уч киши бошқариб, қирқ кишининг ишини бажаради.

Ток қатор ораларига икки йил сабзавот эқилади. Сабзавот намни сақлайди, унга қилинган меҳнат қаламчаларнинг ривожига ёрдам беради.


Тошлоқ тупроғи бўз тупроқдан унумсизроқ бўлади. Негаки, ундаги азот моддалари тез ювилиб кетади. Шунинг учун бу тупроқни тез-тез ўғитлаб туриш керак. Ўғитлаганда ҳам кузда эмас, баҳорда ўғитлаш керак, чунки кузда солинган ўғит баҳоргача ювилиб кетиши мумкин.

Токзорларни суғоришда ҳам тошлоқ ер бўз тупроқ ердан кескин фарқ қилади. Бўз тупроқдаги тоқлар йилга икки-уч суғорилса, тошлоқ ердаги тоқлар ўн-ўн икки мартагача суғорилади. Чунки бўз тупроқ намни кўп сақлаб қолади, тошлоқдаги тупроқнинг эса, намни тез кўтарилиб кетади. Тошлоқни суғоришда сув бирдан қўйилиб, тез тўхталиши лозимки, тез эрийдиган азот тузлари ерининг қўйи қатламига сингиб кетмасин.

Тошлоқда ток ўстиришнинг кўп ҳикмати бор. Унинг узуми ҳосилда ҳам, ширинликда ҳам бўз тупроқ узумларидан юқори туради.

Шомансур ШОКАРИМОВ,

Ҳўжаобод районидаги бог-узумчилик совхозининг бош агрономи



Меҳнат мўъжизаси

Қаҳратон қишда ҳам, баҳорда ҳам тондан янги узилган узум бошлари дастурхонни безаб туради. Бу — Ҳўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг соҳибон бобони Неъмат Назаровнинг тадбиркорлиги самарасидир. Таҷрибакор бобон узумлар эндигина шира бойлаётган пайтда новдаларни дераздан хонага олиб киришни расм қилди. Узумлар май ойигача новдасида тураверади.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

рилган ерларни чек қилиб олиб, ўзига қарашли одамларни кўчириб келтириб ўрнаштирибдилар.

Бундан ташқари Муҳаммадалихон 1830—1834 йиллар орасида Қашқар вилояти — Шарқий Туркистонга уч марта юриш қилиб, охири юришида жуда кўп уйғур хонадонини кўчириб, янги ерларга ўрнаштирган эмиш.

Бу ривоятнинг ҳақиқатга яқинлиги шуки, Шаҳрихон ва Асака атрофида Дўнқишлоқ, Олақанот, Ахтачи, Қўзилоқ, Чўнғбағиш, Қашқарқишлоқ каби уйғур уруғлари оти билан боғланган қишлоқлар бор.

Асака номини Худоёрхон ўз ҳукмронлиги даврида «Шаҳробод» деб ўзгартган бўлсада, бу ном халқ орасига сингиб кетмаган. Асака ҳозир Ленин шаҳри деб аталади.

Шаҳрихон эса Муҳаммадалихон номига қўйилган бўлиб, «Хоннинг шаҳри» маъносини ифодалайди. (Муҳаммадали — Маъдалихон «Хон» тахаллуси билан шеърлар ёзар эди.)

Андижон областидаги район ва қишлоқларнинг кўпчилиги уруғлар, тарихий шахслар номи билан юритилади. Ҳар бир қишлоқ, маҳалла тўғрисида юқоридаги сингари турли қизиқ-қизиқ афсона, ривоят, нақллар бор.

Агар областимизнинг Файзобод, Баҳрин, Тўққизоғ, Работ, Дархон, Чинобод, Қипчоққўрғон, Доғистон, Овушқа, Хонобод, Кампиробод, Шераличек, Сулдуз, Кўмакай, Дўрмон, Олтинқўл, Насриддинбек, Дориломон, Хартум, Шайтонқишлоқ, Найнаво, Қадим, Дардақ, Мингтепа, Шукурмерган, Уқчи, Кулла, Жевачи, Тўқмоқ каби қишлоқлари ҳақида ҳам топонимик, этнографик маълумотлар тўплашиб, бу соҳада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилса, илм-фанимиз хазинаси янада бойир эди.

Ҳ. РАЗЗОҚОВ



ЭГИЗАКЛАР ВА АДАШЛАР

Ставрополь Медицина институтининг профессори Ю. Гилевия 1965 йилнинг май ойида ноёб операция ўтказган эди. У ондан ёпишиб тузилган эгизакларни бир-биридан ажратди, чунки таналардан бири бутун ва тирик, иккинчиси эса чала ва ўлик эди. Тирик чақалоқ — Вера икки ёшга тўлганда ҳамма тишлари чиқиб, иштаҳаси зўр, хушчақчақ, тили бийрон, саволларга бийонидек жавоб берадиган қизча бўлган.

1900 йил 28 июлда Италия қироли Умберто I генерал Панцо Валажи билан Манцо шаҳридаги ресторанда тушлик қилардилар. Овқат пайтида қирол диққатини хизматчиларга фармойиш бериб турган бир киши жалб этади.

— Мен бу одамни қаердадир кўрганман,— деди тўсатдан қирол.— Уни олдимга чақиринглар, қаердадир бу киши билан учрашгандекман.

Генерал Панцо билинар-билимас жилмайиб кўйди-да, қўли билан ҳалиги кишига ишора қилди, у киши яқинлашиб, қиролга икки букилиб тавзим қилди. Қиролнинг саволини эшитгач, ҳурмат ва эҳтиром билан жавоб берди:

— Кеңирасиз, ҳазрати олчайлари, сиз мени ўз ойнангизда кўргансиз. Мен сизга жуда ўхшармишман.

— Сиз ҳақлисиз,— деди ҳаяжонланиб қирол.— Сиз ҳақиқатдан менга жуда ўхшайсиз — мўйловингиз, бўй-бастингиз, қадди-қоматингиз... Сизнинг исмингиз нима?

— Менинг отим Умберто. Мен 1844 йил 14 мартда эрталаб соат 10 яримда туғилган эканман.

Тўпловчи

Бир вақтлар Москва-нинг «Динамо» баскетбол командасида эгизак Люся ва Нина Ервминалар қатнашганлар. Уларни бир-биридан ҳамкасбларигина эмас, балки дугоналари ҳам ажрата олишмаган. Машхур футболчилар Борис ва Виталий Аркадьевлар ҳам эгизак туғилишган. Улар ҳозир 70 ёшга киришди.

Бир вақт Чехословакияда эгизаклар конгресси очилиб, конгресс номига кўп қитъалардан табрик телеграммалари келган эди. Буларнинг орасида польшалик эгизаклар — 77 ёшли Мария ва Елена Холерларнинг табрикомалари ҳам бор эди.

Америкалик эгизак ўғил болаларни икки оила асраб олади. Сўнгра оилалар турли томонларга кўчиб кетадилар. Орадан йигирма йил ўтади. Бир-биридан беҳабар эгизаклар электротехник бўлиб етишадилар, бир-бирига ўхшаган, ёши ҳам тенг қизларга уйланадилар, икковлари ҳам биттадан фарзанд кўрадилар. Қизиги шундаки, уларнинг итларига берган номлари ҳам бир хил бўлган.

— Мен ҳам худди шу йили, шу кун, шу соатда туғилганман,— деди ажабланиб қирол.

— Сиз қаерда туғилгансиз?

— Таринода.

— Тарино менинг ватаним-ку!.. Уйланганимиз,— деб пичирлади қирол, — болаларингиз борми?

— Ўғлим бор — Витторιο.

«Валиахд шаҳзода адаш экан-да»,— деб ўйлаб кўйди қирол.

— Қачондан бери ишлайсиз?

— 1878 йилнинг 9 январида шу ресторани очганман.

— Мен ҳам шу кунги тахтга ўтирганман. Эртага кураш майдонига келинг, сизга бир нарса совға қилмоқчиман.

Аммо Умберто I адаши Умбертони беҳуда кутди. Қиролга «Умберто миллиқ ўқидан ҳалок бўлди», деган хабар етказишди.

— Бечоранинг дафн вақтини билинглар, мен ҳам иштирок этмоқчиман,— деди ачиниб қирол.

Шу пайт тўсатдан отишма бошлиниб, отилган учта ўқинг иккитаси қирол Умберто I юрагига тегди...

Зиркилла ЭГАМБЕРДИЕВ

ГУЛНИНГ ТИКАНИ


Танишинг: Михаил ТАЛЮКИН



— Кўйни ўзинг еб, қачонгача менга тўнқайсан?



Ўз-ўзига хизмат.




Тепада туришнинг фойдаси.



З. РУЗИБОЕВ ҳазили

Михаил Иванович Талюкин Андижонни Улуг Ватан уруши фронтдан яхши кўриб келган. Мана ўн беш йилдан буйи «Коммунист» ва «Андижанская правда» газеталарининг ўнқувчилари унинг аччиқ ва мулоим, қувноқ ва шўх карикатураларини заъф билан томош қилдилар. Талюкин «Муштум»нинг ҳам актив иштирончиси.

Кам бўлган, ошна!



Игвогар иш устида.



— Дард илашди, ёрдам беринг!
— Жоним билан...

Йўлдош СУЛТОНОВ

Жонгинам ҳалак!..

Бир амаллаб тўй ўтказдим, Уйлашиб олдим, Ишлаб яна икки-уч йил, Янги ўй солдим.

Бирин-кетин буйга етди Икки синглим ҳам. Уйғинамиз икки бора Бўлди шип-шийдам.

Поччам ўғлин суннат қилди, Тоғаларга хос —

Ҳаёда этдим қарзга ботиб — Унга бир новвос.

Қайноғам тўйга айтди, Дардим зиёда.

...Пуллаб мотоциклимни, Бордим пиёда.

Бир аммам бор — уйлар эмиш

Ўғлин шу кунда.

Уй суриб тонг оттираман:

— Не қўшай унга!..

Ўз ўғлим ҳам тўртга тўлди —

Тўй қилиш керак.

Елғиз укам уйланмоқчи,

Уй қуриш керак...

Ух, айланар ўпқон очиб

Бу чархипалак.

Бошим ўраб кетмаса, деб

Жонгинам ҳалак!

ҚУЛАЙ ФУРСАТ

Деворий газетанинг навбатдаги сонига қандай материаллар беришни ўйлаб бошим ҳотди. Гоҳ уни, гоҳ бунни ёзиб кўраман. Яна учириб, ўйлаб ўйинга етолмайман.

Телефон устима-уст жиринглаб, хавлимни бўлди. Трубнони кўтардим. Қабулхона секретари Ноилхон зудлик билан мажлисага етиб келишим кераклигини тайинлади, Оббо, ҳозиргина бош инженер ҳузурдаги ишлаб чиқариш кенгашидан чиққан эдим, У ерда директор роса бир соат ваъз айтган эди ҳам.

Зардам кўзиб, қаламини стол устига тарақ этиб ташладим-да, кўзгалдим.

Директоримиз ўртоқ Мажидов гапга жуда печан. Қўйиб берса соатлаб гапирди. У ки-

ши одати бўйича чунон сайраб нетдини, асти қўйверасиз. Иш вақти тугаб, оқшом пардасини ёл бошлади. Хонага ғира-шира қоронғулик чўнди. Кимдир чироқни ёнди. Шундагина у «Эрталаб маҳсулот сифати масаласи юзасидан тўпланамиз», деган кичкина эълон билан сўзини тугатди.

Димиққан, папирос тутунига тўлиб нетган хонадан бир-биримизни итариб-суриб шошилганча ташқарига чикдим. Ҳаммининг дами ичиди. Ҳеч ним Мажидовга унинг бу иш услубини қоралаб юзига айтолмайди. Ҳаммининг ҳам ишдан умиди бор-да.

Мен хонам томон нетар эканман, ўзимча ўйлашиб қолдим. Деворий газетга ўртоқ Мажидов номидан мақола уюштираман-чи? Хонамга кирдим-да, оппоқ нозога: «Мажидов. Иш услубимизни таномиллаштирамиз», деб ёзиб қўйдим.

Эрталаб ҳузурга кирдим.

— Деворий газетанинг янги сонини чиқаряпмиз, бош мақола ўрнига сизнинг мақолангизни берсан, — дедим ётиги билан.

— Жуда яхши ўйлабсиз, — деди у. — Ленин мақола ёзиш у ёнда турсин, бош қашлашга

ҳам вақт йўқ. Кўриб турибсиз: йиғилиш, мажлис... Узингиз қотириб ташлай қолинг, ука.

Айни мудоа. Хонамга кириб ёзишга тутиндим: «Биз мажлисболанига узил-кесил чен кўймоғимиз керак. Гап ўрнига иш бўлишини таъминлаш лозим. Худда-беҳудга одамларни йиғиб олиб, уларнинг олтин вақтларини олишдан ҳеч наф йўқ...» Мақола шу таразда давом этди.

Навбатдаги мажлис олдидан директорнинг ҳузурга кирдим. Мақолани кўрсатувдим, сарлавҳаси билан ўзининг фамилиясига кўз югуртирди-да, панжарагулчин қилиб қўл кўйиб берди.

Келгуси мажлисгача деворий газета тайёр бўлди. Корхона ховлисидаги махсус жойга илеб қўйдим. Газета атрофида бир зумдаёқ одам гавғум бўлиб нетди. Ховлига чиққан ўртоқ Мажидов ҳам уша томонга бир оз қараб турди-да, қадам ташлади. Директор яқинлашиб билан уч-тўрт киши уни ўраб олди.

— Боллабсиз, — деди новчадан келган ишчи.

— Тилёғамалик қиялати, деб ўйлашчи, — деди кичкинчи. — Ҳақиқатан ҳам кишиларнинг диллядагини айтибсиз. Ҳама хурсанд. Узим ёзмоқчи эдим. Ленин негадир юрагим дов бермай юрган эди.

— Ҳа, энди... — деди директор камтарлик қилаётгандай мулоим жилмайиб ва деворий газетга кўз югуртира бошлади.

Мақолани ўқирган, табассуми ёғи тугаган пилиқдай сўниб, юзи аста зимирилай бошлади, Совқотгандай афти ўзгарди, пешанасида ажинлар пайдо бўлиб, кўзи кисилди.

Шу тариқа мақоласини ўқиб чикди. Уқидио одамлар орасини ёриб, ўзини четга олди. Борган сари газетхонлар кўлайиб борар, ҳамми «директоримизга балли, боллабсиз», дер эди.

Дарвозахонада қабулхона секретари Ноилхон ношини учириб таъна қилди:

— Қизиқ иш қилибсиз-ку. Эртага иккита мажлисга одам чақириб қўйган эдингиз.

Муқимжон НИЕЗОВ



«Гулистон»нинг 7-сониди шу сурат эълон қилинганидан бери редакция йироқ-ёвуқдаги журналхонларимиздан юзга яқин хат олди.

Наманганлик Ш. Р. деган журналхонимиз суратда кўрганларини хўжасизлик, тартибсизлик деб тушунибди: «Нахотки ҳеч ким йўқ? Шифоқор қани?.. Улоқлар бемалол юришибди. Бунни кўрган шифоқорларимиз ранжимайдими? Ачинлари ҳол!»

Х. Шодиев (Охунбобоев райони) ветврачи. ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинининг собиқ мудири бўлса керак, деб гахминлаган ва суратдаги воқеани «Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш» деб атаган. О. Рўзиматов (Янгиариқ), А. Тожибоев, К. Қурбонов (Андижон), Л. Тожибоев, Б. Билолов (Ўш), Р. Ниёзов (Қўрғонтепа), Р. Мусаева (Исфара), Т. Собитов (Бўстонлиқ), С. Гулмуродов (Термиз), С. Бобононов (Туркистон) ва бошқа ўртоқлар ҳам қизиқ-қизиқ фикрларни айтганлар.



Мана булар жуда топиб айтилган жавоблар: «Касал тузаламан деса ўз оёғи билан келадим» (Э. Абдукаримов, Самарқанд); «Вошидан ўтган табиб» (С. Собиров, Бухоро); «Мен сиздан шифо тондим дардимга, шифоқорлар» А. Алибоев, Андижон); «Ойда-Йилда бир келгач, шифоқорим тоғам дерман!» (К. Жўрақулов, Нурота). «Игирманчи аср улоқлари» (Н. Сўфиев, Термиз); «Улоққанинг адашмаган улоқлари» (Қ. Салпарниёзов, Тўртқўл).

Мана, сизларга яна бир жумбоқ. Фотографимиз Ю. Кленов олган бу суратга нима дейсизлар?

Бу соннинг Андижон материалларини махсус муҳбиримиз ёзувчи Рустам МУҲАММЕТОВ уюштирган.

МУҚОВАЛАРДА. Биринчи бетда: «Ўзбенефть» бирлашмасининг «Андижон» пармалаш участкаси дондгор ишчиси **Улмас Жўрабоев**; машҳур пахта усталари — Балиқчи районидagi «Пахтакор» колхозининг бригадари, СССР Олий Советининг депутати, Республикада хизмат кўрсатган пахтакор **Турдихон Сатторов** ва Москва районидagi Киров номили колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Қумрихон Рустамова**; Тешинтош гидроузели. Иккинчи бетда: Усмон Юсупов номидagi Катта Фаргона қаналидан лавҳалар. Ундagi суратда, канал бошлиғи **Б. Усмонхўнаев** (чапда). Учинчи бетда: Шармонбулоқ этакларида; Андижондаги Қаҳрамонлар хибони; Андижоннинг марказий майдони. Тўртинчи бетда: Избосандаги Охунбобоев номили колхознинг моҳир ганчкор устаси **Шоҳмулла Ҳанимуллин**.

С. БЕЗНОСОВ, Г. ГРАФКИН ва М. ТУЯЧИЕВ фотолари

Баш редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Ваҳид ЗОИРОВ, Исмаилов ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВ (бош рассом), Ваҳоб РУЗИМТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммадjon УРОЗБОВ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Норректор М. МУМИНОВА.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-ўй. Редакция телефонлари. Бош редактор — В-33520; Бош редактор ўринбосари — В-33590; Масъул секретарь — В-33590; Ижтимоий-сийсий бўлими — В-33602; Адабиёт ва санъат бўлими — В-33519; Фан ва маданият бўлими — В-33519.

Босмахонага туширилди 13/ X-70 й. Босишга рухсат этилди 13/XI-70 й Қўғози 70 × 108¹/₄. Ҳажми 4 босма табақ. Вуюртма 2573. Тиражи 176023. Р 16101. Баҳоиси 30 т. Нашр. Г. 3615.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.



